

**Жамоатчилик кенгаши раиси:**

Абдулла ОРИПОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**

Нажмиддин ЖИЯНОВ  
Азамат УМАРОВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Аҳмад УСМОНОВ

**Бош муҳаррир:**

Собир УНАР

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

Луқмон БЎРИХОН

**Масъул котиб:**

Акбарали МАМАСОЛИЕВ

**Таҳрир хайъати:**

Муҳаммад АЛИ  
Иқбол МИРЗО  
Абдусайд КЎЧИМОВ  
Сирождин САЙИДИ  
Алишер НАЗАР  
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

**Саҳифаловчи:** Фиёсиддин ОМОН ўғли

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

**Манзилимиз:**

Тошкент. ш.  
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-а" уй.

**E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

**Tel/fax:** (8371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552



© "Ёшлик" №1 (273) 2014 й.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигидаги  
ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали  
1982 йилдан чиқа бошлаган.

## МУНДАРИЖА

### АДИБ ХОНАДОНИДА

**Омон МАТЖОН.** Ижод илоҳий садоларга жавобдир. .... 2

### МУШОҲАДА

**Исажон СУЛТОН.** Истеъдод кашф этиш демек. .... 14

### НАСР

**Асад ДИЛМУРОД.** Нарвон. Ҳикоя. .... 6

**Абдуқаноқ ЙЎЛДОШЕВ.** Ўзбековул хангомалари. Ҳикоялар. .... 18

**Гуллом КАРИМИЙ.** Ўн беш ёшли ҳукмдор. Ҳикоя. .... 40

**Анвар НАМОЗОВ.** Бир оқшом. Ҳикоя. .... 46

**Фозил ФАРҲОД.** Амалқурси. Ҳикоя. .... 56

### НАЗМ

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.** Ранги сариққузак бизга меҳмондир. .... 11

**Гулноз МЎМИНОВА.** Муҳаббат дегани қадрсиз эрқдир. .... 31

**Гули НИГОР.** Умид манзиллари борар ёришиб. .... 39

**Солиҳа ОЛИМОВА.** Гуллаб ётар руҳимда баҳор. .... 44

**Ўктам САДИН.** Кел, кўнгилдан бошлангин баҳор. .... 52

**ГУЛЗЕБО.** Севгинда ҳаёт бор, зикринда бардош. .... 61

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Лобар РАҲИМОВА.** Бадий конфликт талқини. .... 36

### ЖАҲОН ҲИКОЯЧИЛИГИ

**Ги де Мопассан.** Интиқом. Ҳикоя. .... 38

### БИРИНЧИ УЧРАШУВ

**Дилрабо ЭГАМБЕРДИЕВА.** Кўнглингиз кўнглимни обод этмади. .... 35

**Ўғилой НЕЪМАТОВА.** Кўнглимининг уфқидан чиққан қуёшим. .... 62

### ТАДҚИҚОТ

**Рустам МАННОПОВ.** Уйғон, кўксим лоласи .... 54

### ЕЛПУҒУЧ

**Эшқобил ВАЛИ.** Қабул. Ҳажвия. .... 63

Бошишга 28. 01. 2014 йилда рухсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.  
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда Матбуот ва Ахборот агентлиги томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.  
Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди" деб изоҳланиши шарт.  
"HILOL-MEDIA" МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма № 10. Адади 5700 дона.  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишмаси.



Омон МАТЖОН



## ИЖОД ИЛОҲИЙ САДОЛАРГА ЖАВОБДИР

Мен дунёга келган йилларда дунё хомталаш бўлаётган рутубатли кунлар эди. Одамлар бир парча нонга зор бўлган қаро кунлар... Бу кунларни вақт ҳисобига келтирсак, 1943 йилнинг 14 феввали бўлган. У пайтларда Хоразмнинг бугунги Янгибозор тумани Гурлан дейиларди. Шу туман ҳудудида Боғолон деб номланган мўъжаз бир қишлоқ бор. Камина ана шу қишлоқда дунё юзини кўрдим. Уйимизнинг ёнида Орджоникидзе номли ўрта мактаб бўларди. Шу мактабда ўқидим. Гарчи биз тенгқур кишиларнинг болалиги рангбаранг, бахтиёр кунлар оғушида кечмаган бўлса-да, у кунларни соғинаман. Болаликнинг беғубор ва бегидир даврлари олис-олислардан мени ўзига чорлаб туради.

Мен илк шеърларимни олтинчи-еттинчи синфларда ўқиб юрган кезларим ёзганман. Ўқиш ва ёзиш иштиёқи шу пайтларда пайдо бўлган. Албатта, бунинг ўзига хос сабаби бор эди. Отам Матчон Жуманиёзов шу қишлоқнинг почта бўлими мудирли бўлиб ишларди. Бу дегани, уйимизга деярли ҳар ҳафта янги-янги газеталар келиб турарди. Жумладан, ўша пайтларда туманда “Коммунизм учун”, вилоятда “Хоразм ҳақиқати” газеталари жуда машҳур эди. “Правда” газетасига деярли ҳаммага хонадонлар обуна бўларди. Тўғрироғи, обуна бўлишга мажбур этиларди.

Хуллас, менинг илк шеърим туманимизнинг “Коммунизм учун” газетасида чоп этилди. Ўша пайтларда газетада болалар шоири Дўстчон Матчон ҳам ишларди.

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида муҳим ўрин тутадиган мўътабар инсонлар — устозлар бўлади. Менга ўрта мактабда таълим-тарбия берган Қўшмамат ака, Дўстмат ака, Қодир ака ва Қурал ака сингари улуғ зотлар ёди олдида ҳар доим таъзимдаман. Татьяна Ива-

новна, Зинаида Семёновна деган Россиядан келиб, рус тилидан дарс берган ўқитувчиларимни эҳтиром билан эсламан. Бугун уларнинг аксарияти оламдан ўтиб кетдилар. Яратган зот раҳматига олган бўлсин!

Мактабни тамомлаб, 1961 йилда Самарқанд дорилфунунига ўқишга кирдим. Энди иккинчи курсга ўтган кезларим — 1962 йилда ҳарбий хизматга чақириб қолишди. У пайтларда ҳарбий хизматга эътибор жуда кучли эди. Хизматдан бўйин товлаш хоинлик билан баробар кўриларди. Мен ҳам чақирқиққа “лаббай” деб жавоб бердим-да, тўрхалтамни кўтариб ҳарбийга жўнадим. Уч йил давомида Германиянинг Дрезден, Майсен шаҳарларида хизматда бўлдим. Тасодифни қарангки, ҳарбий қисмимиз олдида жуда катта ва бой кутубхона жойлашган эди. Бу мен учун айна муддао бўлди. Бўш вақтларимни мутолаага бағишладим. Бу орада янги шеърлар пайдо бўлди. Ҳарбийга келганимнинг иккинчи йили Исоқул Тўрақулов деган ленинободлик бир аспирант дўстим ватанга қайтадиган бўлиб қолди. Пайдан фойдаланиб бир даста шеърларимни бериб юбордим. У Тошкентга келиб шеърларимни, “Шарқ юлдузи” журнаliga бериб кетибди. У пайтларда журналда Шуҳрат домла, Ҳусниддин Шариповлар ишлар эдилар. Журналнинг 1965 йил 6-сонида бир туркум шеърларим “Солдат ўйлари” номи билан чоп этилди.

Армиядан қайтгач, дорилфунуннинг филология факультетида ўқишни давом эттирдим. О, талабалик йиллари! Бу ҳақда узоқ ёзиш мумкин. Айниқса, бизга ўз даврининг алломалари ҳисобланмиш устозлар дарс берганлар. Нуриддин Шуқуров, Сайдулло Мирзаев, Ботир Валихўжаевдек забардаст домлалардан

Омон МАТЖОН

*Ўзбекистон халқ шоири. Давлат мукофоти лауреати. 1943 йилда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида туғилган. Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тугатган (1969). «Карвон қўнғироғи» (1973), «Қуёш соати» (1974), «Ёнаётган дарахт» (1976), «Ярадор чакмоқ» (1977), «Сени яхши кўраман» (1981), «Дарахтлар ва гиёҳлар» (1984), «Ўртамизда биргина олма» (1990), «Одамнинг сояси қуёшга тушди» (1991), «Қуш йўли» (1993), «Иймон ёғдуси» (1994), «Ардахива» (2000), «Хожа Аҳрор зиёратлари» (2002) ва бошқа шеърий, драматик асарлар муаллифи.*





сабоқ олиш бахтига муяссар бўлдик. Шу йилларда бу устозларимиз кўмагида “Шалола” номли шеърят тўғараги ташкил қилгандик. Биласизми, кейинчалик ушбу тўғарак қатнашчиларидан кўплаб шоирлар, ёзувчилар етишиб чиқди.

Талабаликнинг бетакрор йиллари ортда қолгач, мени Тошкентга, Ғафур Ғулум нашриётига ишга юборишди. Бу менинг ҳаётимда қутлуғ ҳодиса бўлди. Чунки айнан мана шу даргоҳда буюк ижодкорлар билан елкама-елка туриб ишлаш, сабоқ олиш ва ижод қилиш шарафига ноил бўлдим. Мирзакалон Исмоилий, Миртемир, Рамз Бобожон, Ҳамид Ғулум, Шайхзода, Мавлон Икром... бу рўйхатни яна давом эттиришим мумкин. Энг муҳими, ўзимнинг ҳам “Очиқ деразалар” номли илк китобим 1970 йилда шу нашриётда чоп этилди.

Биласизми, ҳар бир дилдаги қутлуғ садолар илоҳиётдан келади. Шоирнинг ҳар бир шеъри ана шу илоҳий садоларга жавобдир. Бу садолар эса ҳар қандай қалбга ҳам келавермайди. Назаримда, бунинг муҳим асослари бўлади. Шу маънода айтишим мумкинки, Хоразмдай – Ўзбекистоннинг ғоят бой тарихий-ижтимоий гўшасида туғилиб, яшаш буюк неъмат. Қаранг, болаликдан қандай буюк боболаримизнинг оҳанрабои қолган ёдимизда! Юрагимизда доим Шайх Нажмиддин Кубро, Хоразмий, Беруний, Юсуф Ҳамадоний, Паҳлавон Маҳмуд Боқирғоний, Замахшарий, Ҳаким ота...

Кўнгил – доим руҳоний мададга муҳтож. Санаб ўтган бу улўғларимиз кўнглимизга, руҳимизга нур берадиган сиймолардир. Бизни адабиётга, санъатга ошно этган куч, шу боболаримизнинг қутлуғ ёди бўлса ажабмас.

Бизнинг адабиётимиз – тарих ва келажакни боғлаб турувчи ранг, садо, туйғу, илҳомлар камалаги. Бунинг меҳроби – халқимизнинг ноёб қалби. Бунда оламни, осмонни кузатувчи устурлоб намоён! Ўзбек адабиёти нафақат бизнинг юртимиз, балки бутун жаҳон адабиётига қадимдан ботаъсир эканлиги – фахримиз. Буюк Алишер Навоийнинг биргина байтини келтирай:

*Жумлайи ашъга бўлдим ошиғу ошуфта ҳол,  
Одам олам юзин чун қилмиш миръотул жамол.*

Ҳақ таоло тегранга ўз гўзалликларининг нодир бир манзарасини ёйиб қўйган. Қара, Уни тани, яратган эгамнинг жамолидан зиё олурсан.

Истиқлолимиз туфайли адабиётимиз ойнаси яна тоза, мукаррам ва баланд бўлди! Бу – Аллоҳнинг ҳидояти. Ёзувчилар уюшмамизда мунтазам ўтказилаётган ижодий тадбирлар ҳам барча вилоятларимиздаги катта ижодий муҳитнинг янада қувват олаётганидан дарақдир!

Умрим адабиёт ичида кечмоқда. Бу шарафли йўлда менга ўнлаб дўстларим, яқинларим, хусусан, турмуш ўртоғим Маъсудахон ҳамроҳлик қилиб келяпти. Маъсудахон билан нашриётда ишлаб юрган кезларимда танишиб, турмуш қурганмиз. Аллоҳга минг шукрки, турмушимиз тинч ва осуда кечяпти. Раҳматли қайнотам Маҳаммадқул ака ниҳоятда меҳрли, хушёр, эҳтиромли инсон эдилар. Қайнонам Хайринисо она-жонимизни таърифлашга эса сўз гавҳари, дил сурури, дунё ранглари керак бўлади. Улар мени ўз фарзандларидек қабул қилишган эди. Аллоҳ уларни раҳматига олсин!

Оиладаги хотиржамлик, юртимизнинг тинчлиги боис, менинг ёшлиқдаги “қани қирқ ёшгача дунёнинг ҳеч бўлмаса ярмини кўриб келсам” деган орзуим амалга ошган. Шеърларим рус ва бошқа кўп тилларда нашр этилиб, Евгений Евтушенко, А.Файнберг ва бошқа кўплаб таниқли ижодкорлар томонидан таржима қилинган.

Худо менга икки ўғил, икки қиз берди. Бугун уларнинг ҳар бири олий маълумотли, ўз соҳасининг етук мутахассиси.

Райҳона – Темир йўллар институтида муаллима. Диёр – тадбиркор. Элёр – япон тили мутахассиси. У биринчи бўлиб Ўзбекистонда “Япон-ўзбек тили луғати”ни тузиб, нашр эттирди. Ҳозирда Шарқшунослик институтида ўқитувчи. Кичик қизим Назиҳа – филолог-психолог. Невараларим ҳам боболарига ўхшаб ижодга қизиқадилар. Ичида рассомликка қизиқадиганлари, шеър ёзадиганлари ҳам бор. Улардан умидим катта.

Дарҳақиқат, бошланган 2014 йил ҳаммамиз учун қутлуғ йил бўлсин! “Ёшлик” журналининг барча мухлислари ўқиш ва изланишдан чарчамасинлар!



## Алжабрдан қудрат олган тамаддун

\* \* \*

Ҳар тонг қуёшининг ол балқишин кўриб,  
Дейман, не ёздудир, бу умр, умр?

Гоҳ қатра шабнамдек япроқда титрар,  
Не инжа туйғудир, бу умр, умр?

Гоҳо дўсту душман дуч бўлар йўлда,  
Дийдорга кўзгудир, бу умр, умр.

Қайда ё истеҳзо, ё ҳавас сезсанг,  
Гоҳ бол, гоҳ оғудир, бу умр, умр.

Ой гоҳо тўлиндир, яримдир гоҳи,  
Йилларга кўзгудир, бу умр, умр.

Юксалтгай эл руҳин фарзанд камоли,  
Нурафшон мавзудир, бу умр, умр.

Юртда улуг зотлар ўтган, яшар, бор,  
Ки рамзи мангудир, бу умр, умр.

### ДУНЁГА КЕЛДИК

Дунёга келдик ненинг гамин еб,  
Гувраниб юрдик емак-ичмак деб.  
Не сирри муаббад тандаги бу жон:  
Мусиқадир аслан чин мадҳи иймон.

Дунёга келдик нени билиб зеб,  
Недин тондик, недин шодмиз топдик деб?  
Англаб етолдикми шу бизнинг замон?  
Создадир Ҳожихон, бордир Комилжон.



Дунёга келдик, қўлда боғлам сеп,  
Билдикму бори не, недир бизга зеб?  
Қани Алп қасрлар, авжи Сулаймон,  
Ай, тирим Навоий, эй ганжи иймон?!

Дунёга келдик, нени билдик эп,  
Наҳрлар қай ёнда – битта томчи деб?  
Аввал охир билдик: ўтар бул замон,  
Бордир Султон Увайс, Маҳмуд Паҳлавон.

Омонми бор-йўқни кўриб келганлар,  
Узоқ-яқинларда юриб келганлар!  
Қутлуг эътиқодга кўмакдадир, бас,  
Ҳақ бизга ёрлақаб ато этган жон!

Улуг руҳлар кезар оламни мамнун,  
Алжабрдан қудрат олган тамаддун.  
Буюк ватандошлар номин мадҳ этиб,  
Мангу эҳтиромда юртимга даврон!

### ИШҚ ЁРЛИҒИ

Севикли рафиқамга

Эрта тонг шафағига,  
Бирга бир назар солсак.  
Ажабмас, янги кундан,  
Яна жуфт меҳр олсак.

Дарёдан иккимиз тенг,  
Тўлдирсак кафтимизни.  
Дарё олис манзилга,  
Элтгандир аҳдимизни.



Саҳар гулгунчаларга  
Икков бир теккизсак қўл.  
Гулзор бўстонга дўнар –  
Ишиққа оҳанрабо йўл.

Фарзандларга икковлон,  
Ногаҳон бир сўз айтсак.  
Албатта, ул қалблардан  
Қўша нур бўлиб қайтар.

Ҳаёт шу жуфт нигоҳдан  
Қудрат олгани янглиз,  
Оламни кўриш учун  
Шудир ишиқ деган ёрлиқ.

### ЭЪТИҚОД

Аллоҳ деганим Севги,  
Аллоҳ деганим Ёғду.  
Овозим лаҳза – тўлқин,  
Акс-садоси Мангу.

Аллоҳ деганим Уммон,  
Аллоҳ деганим зарра.  
Жисмимда гўдак бўзлар,  
Руҳимда етук баҳра.

Аллоҳ деганим Борлиқ,  
Аллоҳ мовий қалдироқ.  
Ошқора оҳларимдан  
Пинҳон дардим оғирроқ.

Аллоҳ деганим йўлдир,  
Аллоҳимдир – тақдирлар.  
Олдинда жим борурлар  
Сукут ридоли пирлар...

Хоразм – илоҳий соз,  
Хоразм – Авестодир.  
У барча тарихлардан  
Чуқурроқ... ва устадир.



Мўмин бўлсанг-у, аммо  
Ҳасадгўй, ола оғиз –  
Қаламда чингизлар бор,  
Сўйлоқ тишли чанқовуз.

Аллоҳ деганим ўзи –  
Буюк нур ва кўнглим тўқ!  
Ғаламис ёвларимнинг  
Шугина бахти ҳам йўқ.

Аллоҳ деганим – Ҳолдир,  
Шуни асрасам – Борман.  
Ҳарки мавқега, юртим,  
Сен боис сазоворман!

### ЭЛИ ЛАЗГИСИ

Учди Элликка қушлар,  
Ўннга айланди тушлар.  
Фаришталар Бўстонда  
Гўё ёзлар ҳам қишлар.

Изла сўзнинг жўясин,  
Соз топар ўз эясин.  
Даврада ҳофиз билар  
Элга новви деясин!

Бир келганда Элли\*га,  
Боқдим хипча белли\*га.  
Ҳаддингдан ошма бунда,  
Чақирарлар баллига!

Янгра танбур, жаложил,  
Бургу-ю довул, табул.  
Орзуларимни айтсам,  
Ичингга тушар ҳавул.

Қайда бўлма қўшинайим,  
Хоразмни қўш, найим.  
Муҳаббати зўрларнинг  
Юраги ҳам хуш, найим.



\* Элли – Эллиққаъла


\* Белли – белгили, маълум



Наср Наср  
Наср Наср Наср



Асад ДИЛМУРОД



# НАРВОН

Ҳикоя



Турли лаш-луш, тақир-туқир ва аслаҳа ортилган арава тарақлаб шаҳар бўсағасидан узилди. Тўриқ зотли чўғир белига кўнган, тахминан элликни қоралаган, қирра бурни остидаги калта мўйлови думалоқдан келган оқиш бетига ярашган уста Пўлат, дунё оғиру енгилени тарозига солиб, паришон кулимсираб борарди. Ғилдираклари ғичирлаб айланаётган арава отамерос бўлиб, падари бузруквори ҳиди келиб тургани учун ҳам ундан ажралишни истамас, кўпдан бери ўғли Аслиддин ярақлатиб миниб юрган машинага кўпам қизиқмас эди.

Осмоннинг бир бурчида кулранг булутлар тўдалаша бошлаган пайтда, хаёли алмисоқдан қолган шу уловдан кечган куни яп-янги машина совға қилишга ваъда берган Ризо амакка оғиб, пайваста қошларини мамнун чимирди ва руҳи айрича қанотланди.

Ҳамма ёқда қанақадир қотишмадан амаллаб тайёрланган бозори чаққон дурадгорлик буюмлари бодраб, ўзи ва ўғли Аслиддиндан омад куши юз бурганда Ризо амак эшик қоққанини сира унутмайди. Оқу қорани холисона баҳолаш тарафдори бўлган мухлиси кўпларни мафтун этган ҳалигидақа матоҳларни ёқтирмасди. Натижада Тегана қишлоғида тикланган иморатига тўласинча бағдодий эшигу ром ўрнатишни маъқул топган ва уни йўқлаб келган эди.

Шартлашув ижросига киришган кунданоқ, Ризо амак билан қиёматлик оға-ини тутинди-ю, гўё уста Пўлат онадан қайта туғилди. Оғизга тушган ҳунари хонадон соҳибига мўъжизадек туюлар, дилига чексиз завқу шавқ ва ҳузур-ҳаловат бағишлар, қурилиш битган ҳамона, худо йўлига худойи қилиш иштиёқида эди.

Асад ДИЛМУРОД

1947 йилда Ургут туманидаги Қоратепа қишлоғида туғилган.

1971 йилда Тошкент Давлат университети журналистика факультетини битирган. Кўп йиллар журналистика ва ноширлик соҳасида фаолият кўрсатган.

“Тош бургут”, “Сирли зина”, “Шердор”, “Мулк”, “Гириҳ”, “Интиҳо”, “Мезон буржи”, “Оқ аждар сайёраси”, “Оймомо кулчаси”, “Тоғлар, сукут сақламанг” каби қиссалар, “Маҳмуд Торобий”, “Паҳлавон Муҳаммад”, “Фано даштидаги қуш” сингари романлар муаллифи.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Ризо амак шодлигини ҳар нарсага қизиқадиган қалин улфатлари билан бемалол бўлишар ва му- дом улар фикрини ҳурматлар эди. Ёшу қари, фақат уста Пўлат диди нозик ва феъли кенг одам эканини эмас, кун сайин салобат касб этиб, чиройи бениҳоя тиниклашаётган данғиллама уйини ҳам бошлаб таърифу тавсиф қиларди.

Аммо кўча-қўйда доим масту аласт тентираб, истаган одамага кафан бичишда суяги йўқ дўсти Қаршивой нимагадир уни менсимасди. Баъзан дуч келган жойда ёқасидан тутиб, сен олифта аслида худо кўшқўллаб урган дарди бедаво миркуруқсан, бунақа керилишинг отангдан мерос молу давлат туфайли дея, пичинг юмалатиб ранжитар, қитиқ пастига тегингани учун маза қилиб қаҳқаҳа отар эди...

Ризо амак киндикдош дўсти, ҳар қанча қуюш- қондан чиқса ҳам ўзини оғир-босиқ тутарди, сираси, аслида табиатан вазмин бўлиб, унча-мунчада жаҳл отига минмас, қолаверса, битта-яримтанинг дилини қавартиришни гуноҳи азим санар эди. Қайси кун эса, шом арафасида кўчадан севики тулпорини қиморда ютқазган чавандоздай мунғайиб қайтди. Букилганча куйиб-пишиб, тез-тез тахта рандалаётган, қошу кипри- гига қиринди илашган уста Пўлат ва Аслиддин билан совуқ саломлашгач, ўчоқ бошида ими-жим куймала- наётган хотини Шодияга захрини сочди. Каттаю кичик мақтовга лойиқ топган кўш ошёнали иморатини, ҳар галгидек ғурурланиб эмас, лўм ютгандек тўрсайиб ку- затди, кузатаркан, ич-ичини ёвуз бир махлуқ тинимсиз кемираётгани англашиллар эди.

– Ҳе-ей, чойхонада... қаланғи-қасанғи каслар гувоҳлигида дўст деганим Қаршивой қулоққа тепти! – Ризо амак андак хотиржамлик ихтиёр қилгандан кейин юрагини тўқди. – Қанийди, қаро ер ёрилиб, тириклай қаърига кирсам!

– Биродари азиз, қўйинг ўша қасамхўрлар сардо- рини! – деди уста Пўлат дангал, кафтини йилтираёт- ган дўнг пешонасига босиб. – Ўзига туппа кесмаган, бировга угра кесар экан!..

– Ифф, энанг ўлгур аслида ҳақ-да! Чироққар ўғил-қизим йўғ-у, қошона тиклашга бало борми?! Во дариг, кимга қолади ёки нариги дунёга орқалаб кета- манми?!..

Ризо амак титраб-қақшаб кўксини чангаллади, пойма-пой кесатиқлари эса тошни тешгудек кескин жарангларди. Охуникидай маъсум қароқларида ҳалқа- ҳалқа ёш йилтираётган Шодия анордек эзилаётганига қарамай, ўзини кардек тутаетганди; мусича каби бео- зор жавдирагани сайин аламзада эр қизиган тандирга калла тикқандек баттар тутатар, пушти куйган хотин билан чимилдиққа кирган кунини тинмай лаънатлар эди.

Орадан бирон ҳафта ўтиб, таъна-дашном ва кинояга тўйган Шодия изиллаб йиғлаганча қизлик уйига жўнади. Натижада шундоқ ҳам ҳайлаводтек ҳувиллаган ҳовли-ҳарам файзи бутунлай йўқолди. Навбатдаги кўргиликка чидолмаган Ризо амак шўрлаган пойдевор каби чўкаверди. Шанба пешинда ислимий нақшлар зарбланган дарвозадан Қаршивой саланглаб кирганда тақдири азалдан нолиганча ўз ёғига қоврилиб ўтирарди. Жаржағ ошнаси хотини аразлагани баҳона яна устидан мағзава ағдаришини сезиб, тўнини тескари кийди. Бит кўзлари янаям қисилган меҳмон, айвонга зеб берган ўймакорий

устунларни нописанд кузатиб, дарҳол жуфттак ростла- гач, лаби лабига тегмай жаврай кетди.

Ризо амак ҳасратини жон қулоғи билан тингла- ган уста Пўлат ичини қиринди сидираётган эди. Сўнг Қаршивойни қишлоқдан бадарға қилиш лозим деган фикрда тўхтади. Ахир, қулай фурсат топган ҳамона қорамолу йилқи, хас-хашак ва ўтин ўғирлаб сотадиган, учоворада эса кўкрагига уриб қариллайдиган, ҳатто келгусида бутун қишлоқ пойини ўпишига ишоралар бе- радиган нусхага энг муносиб жазо шу эмасми?!

Яқинда мачитдаги қиш-қировли мавсумга асраб қўйилган саржинни пинак бузмай қия қилворибди, бу билан қаноатланмай, қачондан бери худо уйига бемин- нат яраб келган, муҳими, қадимда шу қишлоқда яшаган пиру муршидлар нафаси теккан нарвонни ўмарибди. Қарғишга учрагур, бўлақлаб ўчоғида ёқибди-ю, из қувган намозхон касларга емак пиширгани бошқа чо- раси қолмаганини айтиб, куйдирилган калладек тир- жайибди. Айни шу қилмиши учун кўрнамак, дарахтга боғлаган тошбўрон қилинса ва ўлиги қутурган итларга- да ташланса кам!..

Ризо амак куйинишича, ҳалигача шифер ёки туну- ка билан ёпилмагани сабабли, ҳар йили ёз охири ёки кузак аввалида мачит томига ҳашар йўлида андава тортилади. Анча сермашаққат бу тадбирни нарвонсиз амалга ошириш амри маҳол, бунини ўз кўмачига кул тор- тишдан бошқа ғаму ташвиши йўқ Қаршивой қаёқдан ҳам тушунсин, имонини куяга едириш эвазига бўлса ҳам қора қозони қайнаб турса кифоя-да...

– Оғайни, ўша нарвон тез-тез тушимга кирмоқда, – номаълум нуқтадан нигоҳ узмай сўйланди Ризо амак. – Илтмос, янгисини тузаб беринг, муносиб сийлов эса биз тан!..

Тўғриси, уста Пўлат вақти тиғиз, шартнома тала- бини қачон удаллаши ва қачон кўли бўшаши қоронғи, қолаверса, яна бир мижоз анчадан бери зориқиб йўлини пойлаётган эди. Барибир қутилмаган таклиф дилига чироқ ёқиб, аста-секин дардига айлана бор- ди. Ёруғ дунё хайру эҳсон ва ҳиммат билан устувор эканидан огоҳ этаётган бу ҳолдан мамнун эди: жа- мики эзгу ният, орзу-умидни жам этган улуг вазифа билан юзлашгандай айрича орзиқар ва кўз ўнгида мачит томига мингашиб турган кўркама нарвон гавда- ланар эди.

Фаҳмича, эски нарвон ўрнига ўрин қўйиш нияти Ризо амак оромини бузгани тангри таоло иродасидир. Бир жиҳатдан бу ҳиммат балки кўпам таҳсинга арзи- мас, аммо бошқа томондан эътиборга лойиқ, ҳартугул амалга ошса катта савоб буюради, сўнг тирноққа зор хонадонни қуршаган мудҳиш кўланка тоабат чекинса ва эру хотин кўнглида илдиз отган умид дарахти гул- лаб мева тугса ажаб эмас...

Бугун ғира-шира тонгда уйғонган уста Пўлат ми- ясидан дастлаб шу мулоҳазалар кечган эди. Муздек совуқ сувда ювинаётиб, Аслиддин кеча Ризо амак уйи- да тунаб қолганини эслагач, хотини Гулойимга бирон ҳафта қайтмай ишлашга мажбур эканини тушунтирди. Шоша-пиша нонушта қилгандан кейин, калта думи би- лан эриниб пашша кўриётган чўғирни аравага қўшиб, асосий ташвишини вақтинча тўхтатиш ва мачитга аталган нарвонни бутлашга бел боғлади. Ҳовлиси яқинидаги дўкандан ҳар хил миҳ ёнида алиф ва бўёқ харид қилди, нарвон маромида бўялса қору ёмғирга чидамли бўлади ва узоқ умр кўради-да...



Мана энди уста Пўлат айрича ғайрат ва шижоат билан шаҳардан ўн бир чақирим наридаги Тега-на сари ошиқаётир, нарвон битмагунча Ризо амак ичидаги кирпи тинчимаслигини тахминлаб жилмай-гач, қобирғалари саналиб қолган чўғирни савалади. Каноп-чарм ипдан тўқилган анчайин йўғон қамчи эти қочган сағрисини ўйиб юборса-да, нимагадир жонивор умуман пинак бузмас, жадаллаш ўрнига тушовланган каби баттар имиллар, хавотир аралаш зорли кишнар эди, ажабо, бир балони сезди шекилли?..

Уста Пўлат аста елка қисувдики, кўкдан бир нидо келиб, аплақайда нимадир тегирмон дўлидек гулдиради. Сўнг илоҳий овозлар тўрғайлар ғужурлаши ва шамол ҳуштаги билан бирлашиб, одамзод яқин-ўртада кўрмаган даҳшатли довул кўпди. Тизгин узган довул оч бўридек қутуриб увуллар, дуч келган нарсани коптокдай ўйнатар, ҳатто жимирлаётган осмон сийнасига чанг солар эди; сўнг имиллаётган қирчанги, шалдиروق арава ва уста Пўлатни юмалоқ-ёстиқ қилганча қайгадир суриб кетди.

Инон-ихтиёридан бутунлай жудо бўлган уста Пўлат ноилож ўзини эркин қўйворди. Булутлар соя солган бўшлиқ бўйлаб ярадор қушдек ўмбалоқ ошиб учарди. Кутилмаган сирли парвоз шудринг қуришидай қисқа муддат давом этди. Қўрқув ичра шўнғиб бора-бора, осуда чайқалаётган анча йирик теракзорни илғади. Сўнг теракзор ўртасида қорайиб турган эҳромсимон кум уюмига чалпақдай ялпайиб тушди. Беҳад қаттиқ урилгани боис кўзларидан ўт сачраб, танаси юзлаб бигиз санчилгандек қақшаб оғрий бошлади. Шундай бўлса ҳам қадимий мачитга аталган эҳсон насия бўлганини барибир хотирлади, ҳайҳот, энди Ризо амак сочини битталаб юлса керак...

Ним кўкиш ва пистоқи пўпанаклар қоплаган кумликда тахминан ярим соат бемажол инқиллаб ётди. Бунақа аҳволда лоши қузғунлар еми бўлишини тасаввур қилгач, беланги каби аранг кўзғалиб, мажақланган арава ва тил тортмай ўлган қирчангига афсус нигоҳини қадади. Ўзи омон қолганига шукрона айтиб, сиртини ғадир-будир тош девор ўраган бир неча юз таноблик бадқовок дарада, довул изидан келган зилзила туфайли қон қақшаган далаю дашт сатҳидан камида ўн етти метр қуйида қўним топганини аниқлади...

Навбатдаги тонг отганда кўксини охиратга кафансиз ва жанозасиз сафар қилиш қайғуси сим-сим кемираётган эди. Дарада қўрқув ва чорасизлик эгизакдай ёнма-ён урчишини туйиб антикар экан, гўё қайси бир номдор сардор амри билан илкис минглаб тўп отилди, йўк, бот-бот гумбурлаб фалак тоқи қулади. Аввалгидек бутун борлиқ беланчақдай тебранар, залворли гранит қоялар ва ҳатто қирлар наридан берига қасирлаб кўчар, қамишу юлғун аралашиб ўсган жарлигу ўнгирлар тубидан юракни ларзага солувчи ингроқ ва нолаар таралар эди.

– Илоё Ўзинг асрагайсан!..

Уста Пўлат нукул шундай деб шивирларди, илтижоси Худо томонидан инобатга олинишини теран ҳис этар, шу сабаб сал бўлса ҳам ўзини хотиржам тутар, бариси хайрли ва беэён якун топиши, болачақаси ҳузурига соғу саломат қайтишидан умидвор эди. Ҳаётда мўъжиза кўп, масалан, мудҳиш тасодиф кўпинча омаддан дарак берувчи шафқатли заруратга уланиб кетиши янгилик эканми?!

Орадан қаторлашиб кунлар ўтди, қайси бир эрта ибодат билан машғул бўлиб ўтирар экан, яна даҳшатли довул кўзғалди ва борлиқ пишқираётган денгиз кафтидаги кемадек силкина кетди. Салдан кейин бутун дарани ўлик сукунат қоплаб, чанг-тўзон ва рутубат қўйнида афту башаралари моматалоқ кимсалар кўринди.

Худо ҳақи ишониш қийин: анча олдинда қаншари ёрилган Аслиддин ва торгина пешонаси ғурра Қаршивой туртина-суртина одимларди; гўё улар ҳали ҳеч ким билмаган ва қадам қўйиб улгурмаган хазиналар ороли сари шошилишар эди. Айни пайтда, қовоқларидан қор ёғдиришар, кутилмаганда зухур бўлган сиру синоат тагига етмоқчидек, бир-бирига асабий тарзда ғудраниб гап кўшишар ва ниманидир тусмоллашар эди.

Андак сочу соқоли патакланган Аслиддин отасини кўргандан кейин ўзини тетикроқ кўрсатишга тириша бошлади. Чўпдек ориқлаб, йирик-йирик кўнғир кўзлари хийла киртайган, лаблари гезарган, бурни сўппайган ўғлон мамнун кулимсираб кўнгил сўради. Нимагадир мажақланган аравадаги усталик анжомларини қўлтиқлаб олган бўлиб, гоҳо уларни оҳиста меҳр билан силаб қўярди...

– Эвоҳ, бизни ким халос қилур, бўталоғим?!

– Дада, худойим бир йўлга бошқарар, – деди Аслиддин, уста Пўлат умр бўйи авайлаган ва ҳамма вақт оғир-енгилга яраган аслаҳалар орасидан тишлари ўткир аррачани ажратиб. – Менимча, отажон, бир амаллаб нарвон ясамоқ лозим. Мановилар ҳам қўллашса керак...

Зилзила рўй берган ва нимасидир бижғиган ўрага ўхшаш мудҳиш дара асирига эврилган дамдан, худодан тўзим тилаб, сабру қаноат қилиш билан бирга, кўпроқ ноумидлик, гумон ва ўкинч домида бўғилаётган уста Пўлат сал енгил тортди, демак, асосан фалокат ваъда қилаётган маконни албатта бўйсундириш мумкин, бунинг учун эса, кўпчилик бир тану бир жон бўлиб тер тўкиши зарур...

Чиндан ҳам уста Пўлат руҳи қанотланди, энди нукул кўзига тош девор гирдидан бошланувчи нажот манзили кўринарди. Фақат ўша манзил сари элтувчи хайрли таклиф чумолидек уймалашаётган турқи совуқ тўда аҳлига зиғирча ёқмаганини туйиб ғашланди. Пишлалаб ҳаво симираётган Қаршивой кимдир арпасини хом ўргандек ётсираб мўлтирар, гоҳо оғзидан кўпик сочган қўйи телбавор депсинар эди. Баттол гоҳо ясси бурнини жийириб, бел оғритишу кафт қавартириш эмас, ҳаракат қилиш пайтини билиш муҳим ва долзарб эканини айтиб чулдиар эди.

Ноилож қолган ота-бола афсусланиб бош чайқади, сендақа нодону нокаслардан маймунлар подаси авлороқ маъносиди хўмрайиб, терак йиқитиш ва буташга киришиб кетишди. Саробу рутубат кўмган, етти қават ер остида ўрнашгандек туюладиган дара сукунатини, фақат аррача шиғиллаши ва ойболта дук-дуки эмас, тобора бетоқат тепаётган юраклар гупиллаши ҳам бузаётгандек эди. Аҳён-аҳёнда жўровоз хуррак янграб, коинот ва замин оралиғида барча ҳаракат тўхтаб қолгандек туюларди, хурракдан иборат бўларди гўё ёруғ олам...

– Ўғлим, фақат биз эмас, анови каслар ҳам тутқун, – деди бир пайт уста Пўлат, ағдарилган теракларга кўз қирини ташлаб. – Шундай экан, бизни бир четга қўйишсин-да, аввало ўзлари ғамида қимирлашсин! Ҳар ким жилла қурса ўзи учун куйса яхши-да!..

Ковоқлари шишган Қаршивой, иттифоқо уйқуси қочиб, хасу хашакдан иборат кўрпада кўнқайиб ўтирар, тобора аллатовур хитланаётган уста Пўлат арзига қулоқ тутаётган эди. Бит кўзлари ғубор кўнган ойна парчасидек хира ялтирар, сочлари сихдек тикрайган эди. Қачондир ғоздек бўйини чўзиб, яна сафсата сўқиштирди. Тегишли дамда етарлича фаол бўлиш учун алоҳида имтиёзи борлигини ва бу имтиёзга ҳеч қачон хиёнат қилмаслигини қизишиб таъкидлар экан, ногаҳон таърифи йўқ бир ёввойи истак чақнаб сўнди нигоҳида...

– Деворга танбур чертган маъқул, дада!..

– Рост айтасан, аслида қадимдан шунақа, бў-талоғим, – деб хўрсинди уста Пўлат, пойтеша дастасига кўксини тираб. – Тақдир азал кимларгадир муқаддас, кимларгадир ўйинчоқ!..

– Кеча наъматак ва ёввойи олча териб юрсам, бўзлоқда яқтак кийган бир мўйсафид учради. Анча дилкаш ва одамхун экан, чин дилдан эшилиб узоқ суҳбат қилди. Уша банда фикрича, тақдир анвойи гул тўла муаззам боғу бўстон, инсон эса унинг хуснига лаққа учиб адашган ва доим адашиб юрадиган содда йўловчи! Ким билсин, – бир зум ўйга толиб давом этди Аслиддин, – балки бошқачадир, яъни қадим дунё одам кўнглида адашган шунчаки бир зарра...

Ойболтани тиндирмай ишлатаётган Аслиддин, омонат жаҳон аро ўзим ҳам бир йўловчи деган фикрга борди чамаси, мийғида сокин кулди ва тилини тишлади. Беҳад чарчаган ўғлининг ботини ва зуҳурида рўй берган ўзгариш уста Пўлат назаридан четда қолмади. Сўнг хавфу хатари бисёр дарада ёлғиз кун кечираётган, кўхна дунё ҳақида ўз хулосасига эга бўлган донишманд қария бўй-бастини тасаввур қилишга уринди. Агар дўппи жуда тор келса, албатта уни ёрдамга чақиришади, жилла қурса оғир нарвонни кўтаришда кўмаги тегиши мумкин, маълумки, у тош девор билан бемалол тенглашмоғи учун камида ўн етти метр бўлиши лозим...

Шундай улкан нарвон ясаш осон эмаслигини билишгани учун ота-бола тинмай қимирлашига тўғри келди. Аниқроғи, йиқитилган баҳайбат ва йўғон ёғочларни ўтмаслашган яроқлар билан аввал буташар, сўнг куйиб-пишиб пўстлоғидан айиришар, қону зардоб ютиб йўнишар эди. Вақт билдирмай ўтиши, бинобарин, қафтларидаги оқимтир пуфакчалар тирсиллаб ёрилиши ва шилинган терилари туз сепилгандек ачишига парво қилмай, матонат билан тўхтовсиз жон койита-веришди. Охири анча ингичкалашиб, энгиллашган ёғочлар пайванд усулида жипс уланиб, ўймоқчаларига бақувват таёқлар қоқилди. Тушдан кейин эни учига томон торайиб борган баҳайбат нажоткор рўпарада кўндаланг ётар, орзу-ҳаваслари ушаладиган хайрли онлар яқин эканидан огоҳ этаётган эди.

Қайноқ кўпикка пишган ота-бола ажиб туйғулар оғушида қисқа муддат нафас ростлади. Сокин жимирлаётган, худди осмон билан ўпишаётгандек туюладиган тепага қарай-қарай, сабру қаноат хислати устида баҳслашиб, яна дадил енг шимаришди. Энди олдинда аввалги синовлардан бир неча чандон муҳим ва мураккаб синов кутаётганди; ҳалига қадар бир бандага кўриш насиб этмаган ҳаддан ташқари бесўнақай нарвонни ўйдим-чуқур тош девор бўйлаб суриш уввало осон эмасди.

Барибир ота-бола кейинги босқич ижросига ҳам қулоқ қоқмай дадил киришди, дастлабки онларда нар-

вон оғирлиги унча билинмади; иш бир қадар энгил борди. Кейин эса ота-бола заранг ерда аранг омоч тортаётган хўкиздеқ рўй-рост чирана бошлади. Орадан тахминан бирон соат ўтиб, дард устига чипқон бўлди-ю, нарвон учи чўзинчоқ тоғорага монанд юзагина ёриққа тиралиб қолди.

Кутилмаган лаънати тўсиқни даф этиш чоғида, тўсатдан бир неча йирик харсанг қалдираб кўчди ва ёруғ дунё билан баравар ўзларини тамом унутган шоввозлар қийқирганча сапчилаб кетишди. Оромлари бузилгани боис улар сўқинишар, бир-бирларини туртишар, еб қўйгудек ўқрайишар ва ҳатто тақдирдан ёзғиришар эди. Турли иқрорлардан тўйишгач, бемалол давра қуришди-да, валломат ва хашаки одамлар саргузаштлари ҳақида, ким ўзарига латифа айтишга киришиб кетишди...

Қайтадан хуррак садолари тарқалганда ота-бола нарвонни ёриқдан ўтказиш ниятида қасдма-қасд чиранаётган эди. Аста-секин уринишлари бир қадар унумли бўлди, аммо ногоҳ бариси сувга оқиб, нарвон шиғиллаб пастга сирпанди. Расвои жаҳон кўргилик, жонларига оташ қалаб, бир неча марта такрорланди. Ҳар гал савилни беллари узилгудек тарзда инқиллаб зўрға кўтаришар, ўчакишаётган тош девор сиртидан амаллаб атиги ярим-бир қарич силжитишар, кучкуват йиғиш ва навбатдаги жангга пухтароқ замин яратиш илинжида қисқа муддат тўхташар эди.

Ярамагур шоввозлар эса, бир-бирлари пинжиги тикилиб, ширин тушлар кўриб, ҳамон хотиржам мудрашади. Чиндан ҳам улар гўё не-не маломатга шохид ўтган дара рўпара қилган жумбоқни ғафлат сеҳри орқали ечишга аҳду паймон қилишган эди. Уйқудан самарали фойдаланиш борасида Қаршивой улардан зиғирча қолишмасди. Айни лаҳзада нечундир устидан совуқ сув қуйилгандек сесканиб уйғонди. Бир жойда қимирламай турган залворли нарвонга энсаси қотиб тикилгач, тинкаи мадори қуриган ва ҳансираб нафас олаётган ота-болани уқувсизликда айблади.

Қаршивой қизарган бит кўзларини юмганда ота-бола қайсарликни беҳад ҳаддидан оширган тош девор билан охири қатра куч-қувватларини сарфлаб олишаётган эди. Хуррак садолари остида, тагин неча бор ўлиб тирилишгани номаълум, бир эрта қўллари ниҳоят баланд келиб, баҳайбат нарвон тош девор билан бўйлашди, тош девор энгилиб, қайсарона шижоатга тан берган эди.

Энди ота-бола мамнун ҳолда бир-бирини қутлар, бир-бирига икки дунё саодатини тилар, фақат негадир қошига чорлаётган нарвон сари йўлагани шошилмас эди. Дийдаси мумдек эриётган Аслиддин пичирлаб дуо ўқиётган падарини қайта-қайта орзиқиб қучарди. Сўнг ақлу ҳушини йиғиб, қонталаш қафти орқаси билан манглайидаги реза-реза терни аста сидиргач, те-ракзор этагидан сочу соқоли ун сепилгандек оппоқ, нигоҳи сўлғин нуруний кимсани хотиржам етаклаб келди.

Ўрасига чўккан чағир кўзлар қария неча марталаб турмуш аччиғу чучуги билан тўқнашганини ифодалаб безовта порлаётганди; озғин бетини эса ажин шудгорлаб юборганди. Қисқагина салому алиқдан сўнг, у қисмат чоҳида ажал фариштаси саналмиш Азроилни интиғу интизор кутаётганини узуқ-юлуқ изоҳлар экан, жимгина хаёл сураётган уста Пўлат хотираси ногоҳ тирилди. Ҳар қандай гумон ноўрин: қаршисида гул-

дай хунари касодга учраган ва сармоядан қийналиб букилаёзган қалтис пайтда иззат-икром билан йўқлаб келган Ризо амак тутдек тўкилиб турарди, ҳайҳот, шўрликни етти пуштига татийдиган аламу андуҳ ва армон охири буккан-да...

– Бовурим, охиратга шошмак бефойда!..

Холисона лутф Ризо амак дил торларини мулоийим чертган ва ичида маддалаган ярага малҳамдай хуш ёққан эди. Буни теран ҳис этган уста Пўлат терисига сиғмай қувонди. Айрича раббатланган Аслиддин эса, Ризо амакни авайлаб орқалади-да, нарвоннинг илк поясига қадам босди. Бутун хуш-хаёли ва эътибори нажот манзилени тезроқ ишғол қилишга йўналган эди. Натижада хуррак ноҳосдан тингани, ўрнини олағовур, дўқ-пўписа ва пичир-кучир эгаллаб, вазият тамом ўзгарганини сезмади. Масту масрур ва сергак уста Пўлат эса барисини дарҳол пайқади, ёпирай, уйқупараст шоввозлар ақл бовар айламас шовқину сурон билан кўзғалишган эди; тўлиб-тошиб кетган эди дара турфа хайқирикларга...

Рафторидан захар томаётган, бир қоши иккинчиси устига сапчилаган Қаршивой маъшуқаси васлига етган ошиқдай бахтиёр эди; фалакда юзаётган офтоб гўё фақат унга атаб ҳовуч-ҳовуч нур тўкаётганди. Баччағар кўлига илинган силлиқ қора қайроқни боши узра телбаларча силкитар, гупиллатиб қадам ташлаганда ер гўё бағри тилиниб зорланар, йўқ, чор-ночор аҳволда чўкиб борар эди.

– Ҳой, Ризо амак эшигига боғланган кўппак, мавридини топиб ҳаракат қилиш энг катта хунар деганимда, шубҳа қилган эдинг! Энди бу фикримга кўзинг жўлайиб ишонсан!..

Қаршивой совундек кўпирди, орқадан ҳаллослаб югураётган шоввозлар қурмагурга тақлидан тўтидек сайрашарди. Шериклари кўзғалиб қолгани учун ғашланган Қаршивой, менга халақит қилманг маъносида олайгач, бутун кучини билагига йиғиб, қайроқни ҳаволатиб улоқтирди. Тахминан бир ярим килолик қайроқ нарвон бўйлаб эҳтиёткор тарзда жадал ўрлаётган Аслиддин қулоқ-чаккасига қарсиллаб тегди. Дафъатан рўй берган даҳшатли ҳодисага осмон ҳам, замин ҳам афсусу надомат чеккан бўлса керак.

– Қирчинингдан қийилгур, занғар!..

Ақлга сиғмас бунақа бедодликни кутмаган ва хамирдек бўшашган уста Пўлат яраланган арслон каби ўкириб наъра тортди, тош девордан гумбурлаб акс садо қайтгач, совуқ кулаётган Қаршивой тумшугига келиштириб мушт солди-да, тақирда беҳол чўзилган Аслиддин билан Ризо амак ёнида елкалари титраниб тиззалади. Айнан шунақа бўлиши шартдек, Қаршивой бепарво тиржайгани ва оҳиста лапанглаётган нарвонга тирмаша бошлагани бағрини янаям баттар ўртаб юборди.

– Пў-ўшт, ҳе-е-ей, шумғи-и-ияларр!..

Қаршивой ушбу хитобни тез-тез томоқ йиртиб такрорлар, фавқулодда асабий товуши аллақачон дилини қуршаб улгурган қурум захрини ифодалаб жаранглар эди. Қаҳру ғазабдан какрадек кўкарган

шоввозлар эса, барака топгур Қаршивой турқини илк марта кўриб тургандек, бутунлай ётсираган кўйи томоқ йиртиб чинқира бошлашди. Сўнг шу қадар жазава ва жунун билан хириллаб, алпанг-талпанг гурсиллаб олға йўртишдики, олдиларини тўсадиган ҳеч қандай ғов йўққа ўхшарди, ҳозир ҳеч қанақа ғов йўқ эди улар учун бу оламда...

Кўзлари қонга тўлган дароз йигит абжирлик бобида Қаршивойни бир чўқишда қочирар экан, баттол учраган кимсани тап тортмай хасдек четга суриб ташлар ва ғўлдираб кўксига муштлар эди. Ҳадемай қутурган қоплон каби нарвонга ёпишиб, энтикканча ғолибона мушт дўлғади. Пешқадамлик қўлдан кетишини сезган Қаршивой дарозни тепмоқчи бўлди. Аммо у илкис чап берди ва башараси ғалати кўпчиган рақибини билагидан ушлаб қаттиқ силтаворди. Барваста қоматини тутолмай гангиган ва аъзои баданига ваража югурган Қаршивой оҳу фиғон чекиб куйига шўнғиди.

Омади кулиб боққанига бутунлай ишонган дароз эса, қошу кўзларини ўйнатиб, қичиғи зўр қўшиқ хиргойи қилиб, поядан пояга эпчилонга сакрай бошлади. Аттанги, қўшиқ авжига етмасдан бурун аллақим пойчасидан шиппа ушлаб, ҳап сеними дея, жаҳд билан илкис тортди. Бунақа бўлишини кутмаган дароз, бирдан бўйнига сиртмоқ ўралгандек нафаси ўчиб, кўзлари ола-кула ҳолда йўқлик сари қанот қокди...

Нарвон усти ва остида вужудга келган талотум кучайгани сайин уста Пўлат ўзини фаҳму фаросатдан қисилган гумроҳга қиёслар ва мағфират сўраб худога ёлборар эди. Гоҳо тутаклиб, ҳой, барака топгурлар, нимани бунча қизғанасиз, бу матоҳ кўпга ярайди ва ҳамма учун етиб-ортади, дейиш учун ҳозирланар, бироқ томоғига ёнғоқдай нарса таранг текилгани боис тили буралмас эди.

Ур-йиқит, қўйма-қўйма ва ғалва муттасил авжига миниб, нақд қиёмат қойимга эврилгач, бесўнақай нарвон тош девордан аразлаган каби, ногаҳон бир ёнга қийшайди. Вожаб, нарвон турли сўқмоқларда адашиб пушаймонга чулганган, эртаси қоронғи ҳорғин йўловчи аҳволида эди. Алал-оқибат буткул мувозанати йўқолди-ю, талаша-тортиша чарчамаган ва шу эрмақдан масту масрур каслар билан биргаликда, қияликдаги ўпқон қирғоғига шалоплаб кулади. Ғаройиб ўлжани зулмат қоллаган ва ҳаёт асари йўқ ўпқон юҳодек ямламай ютиб юборди.

Кўкси увалиб хўрсинаётган уста Пўлат, аслида хом сут эмган одамзод ёзуғини ўз қўли билан битар экан, дея ғўдранди-ю, кўз ўнги қорайиб, қумлоқ сайҳонга чор-ночор чўзилди. Тонгда жунжикиб уйғонсаки, жи-гаргўшалари аллақачон ўзларини ўнглашибди. Қисқа ҳол-аҳвол сўрашгач, аввал дарани чор тарафдан ўраган тош девор, сўнг пайраха ва пўстлоқ орасидаги ойболтага зимдан қаради. Ҳалигина Қаршивой ишлатган қайроқ билан ойболтани эринмай узоқ қайрагач, яланг ўмганини адл кўтариб, теран сукунат қўйнига кирган теракзор сари ошиқди, аррача тутган Аслиддин хиёл оқсаганча измаиз дадил одимлар, ранг-қути учган ва беҳол инграб қўяётган Ризо амакни суяб олган эди...







Назлим  
Наз.и Наз.и Наз.и

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

## Ранги сариқ кузак бизга меҳмондир



### ЭРК ЙЎЛИ

Бари ёлгон,  
Шу йўлгина чин.  
Бу йўлда юрмайсан, учасан.  
Фақат унда кетмоқлик учун  
Ўзинг бор-йўгингдан кечасан.

Отланаркан тонг ёки кечда,  
Ичга тўлдир озодлик куйин.  
Бор лаш-лушинг бирма-бир ечда,  
Бошдан-оёқ хурликка кийин.

Бахтга тўйин,  
Керак тамоми  
Муҳтожликдан ўзни қутқармоқ.  
Худойимнинг тоза йўлида  
Қандай байрам кишансиз бормоқ.

Қайиролмас ҳеч ким шохингни,  
Қирқилади гилофу, қинлар.  
Бошингдаги эрк кулоҳингни  
Бошинг олмай оломасинлар!

Оломасинлар!!!



### МЕҲМОНДИР

Одам ўғли бу дунёга меҳмондир.  
**Маҳтумқули**

Меҳмон эрур – асли дунёда бари,  
Ранги сариқ кузак бизга меҳмондир.  
Юракка меҳмондир галаёнлари,  
Тизингдаги мадор тизга меҳмондир.

Беш кунликдир бу дунёнинг ёруғи,  
Ерга тушгай бул кун кўкдаги туғи.  
Кетмоқ учун кўрар йўл тадоригин  
Қарга, қийғир дала-тузга меҳмондир.

Гам келса ҳам қуйиб ичаберингиз,  
Тириксиз-ку, суйиб ичаберингиз.  
Тўзим тўнин кийиб ичаберингиз  
Ахир кўзда жола кўзга меҳмондир.

Тилсиз бўлса ҳамки мунглиг онангиз,  
Санчаберманг кўксига тиз, таънангиз.  
Унинг багир қўргонида тунангиз  
Оҳ, бу қўргон, болам, Сизга меҳмондир.

### Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Ўзбекистон халқ шоири. Давлат мукофоти лауреати. 1947 йилда Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. «Илк муҳаббат» (1968), «Оқ олмалар» (1973), «Чаман» (1974), «Суянч тоғларим» (1976), «Бобо қуёш» (1977), «Иссиқ қор» (1979), «Садоқат» (1983), «Муқаддас аёл» (1987), «Юрагимнинг оғриқ нуқталари» (1991), «Хурлик ўти» (1993), «Бу кунларга етганлар бор» (1994), «Тўмариснинг айтгани» (1996), «Сайланма» (2000), «Йўлдадирман» (2005), "Буюк қушлар" (2012) каби китоблари нашр этилган.

Гарчанд бу кун булбулнинг бир туриман,  
Эсаётган шамолнинг хур-хуриман.  
Кетаётган оналарнинг бириман,  
Маним аччиқ нолам Сизга меҳмондир.

### СЕЗИБ ҚОЛДИМ

Бешиқдин то тобут қадар муҳаббат  
эхтиёжимдир.  
**Алишер Навоий**

Кетдим. Ҳайладимки сендан қутилдим,  
Энди сенсиз кутгум ҳар тонготарни.  
Исмингни кўксимдан чечакдай юлдим,  
Ёр-а-б, чечак шундай илдиз отарми?

Ёр-а-б, ўлим-ку бу ишқ дегани-а,  
Наҳот ҳар ҳужайранг эгаллаб борса.  
Наҳот ҳар чин оишқ ишқ деганида  
Пешонасин ўлим гурзиси ёрса.

Қаёқданам сенга кўнгил очдим-у,  
Ўзимни умрлик ўтга солдим мен.  
Ўлимдан қочгандай сендан қочдим-у,  
Сенсиз ўларимни сезиб қолдим мен.  
Излаб тополмайман бирорта тафтни,  
Сенсиз ҳар қадамда урилиб тошга.  
Кўксимда ҳеч нарса илдиз отмапти,  
Эгаллаган ўша чечакдан бошқа.

### ОНАМ ЁДИ

Болалигим. Авжи саратон  
Дала. Тоғу тошлар куймакда.  
Онам ишга отланади тонг  
Ранги ўнгиб кетган кўйлакда.

Нақд тақимда сочини сочиб,  
Боёвутнинг шамоли сангир.  
Вафо қилди биргина сочи  
Эплаёлмай рўмолда тангир.

Борар баланд бўйли, кулча юз  
Бўй-бўй жувон, сирли сиёқда.  
Суёлмасдик уни қилча биз,  
Худо суйсин энди у ёқда.

Эшитаман товушларини,  
Борар жаннат малакларидай.  
Тупроқ тўла ковушлари-ю  
Ранги ўнган кўйлақларида...



### МЕНГА БАРИБИР...

Менга барибирдир, менга фарқи йўқ  
Кетсанг, дарё йўлинг боғласа керак.  
Фақат... намозшомгул сўлар, барқи йўқ  
Ой осмонда ёлғиз, йиғласа керак.

Қумлари куйдирар дашту чўлларни  
Саҳроларда сароб ютиши мумкин.  
Буралиб-буралиб дунё йўллари,  
Сени адаштириб кетиши мумкин.

Менга барибирдир, ҳа, менга нима  
Юрганимам йўғ-у азият чекиб.  
Йўлга чиққач ортга қайтмасмиш кема,  
Қайтса, тўфонларда кетармиш чўкиб.

Сен совуққа йўқсан, тагин, бодинг бор  
Кетсанг пухта ўйлаб, сезим билан кет.  
Менинг ҳам кичкина арзу додим бор  
Қачон, қаён кетсанг – ўзим билан кет!

Гарчанд,  
Менга барибирдир,  
Менга фарқи йўқ...

### ЮКСАЛИШГА МАҲКУМЛИК

Масъулмиз ё  
Мажбурмиз дебмас,  
Маҳкуммиз деб бу ҳолга ёндош.  
Энди ерда судралмоқ эпмас,  
Энди ердан кўтарилди бош!

Боз эгилса  
Бош учар тошдай,  
Боз эгилса, биз ўзи киммиз?  
Айрилмаслик учун ҳам бошдан,  
Энди юксалмоққа маҳкуммиз!

Эй чирмашган!  
Қудратлан, куч топ,  
Юксак дарахт – чақир тикан, ҳўл.  
Маҳкумлик бу – муқаррар азоб,  
Озодликка олиб чиқар йўл!

### ТОШ ЯХШИ ЯШАР

Сарғаямиз сабрсизликдан  
Ёмғирсизлик, абрсизликдан.  
Қийналамиз жабр, сўзликдан  
Сабр ила бардош яхши яшар.

Бир кун қувонч, бир кун келар гам  
Бормиди-ей ўчмайдиган шам.  
Ўтгач, нариги дунёсида ҳам  
Эгилмаган бош яхши яшар.

Нони ярим, йўлига боқиб  
Жони ярим, тунларда... оқиб.  
Ёлғизликни севиб, ютоқиб  
Ким айтар кундош яхши яшар.

Ишқни излаб, сарсон-у, дайди,  
Абад келмасларни кутмайди.  
Ишққа ниҳон, гўрга кетмайди,  
Биздан кўра тош яхши яшар.



### БИЛМАБМАН

Саратоним суриб, ёвуқ келди куз,  
Жазирамада ҳам титраган қалбман.  
Сизсиз саратон ҳам ичираркан муз  
Мен буни билмабман.

Сизсиз шамол бузар қўрғон, қалъамни  
Хуркак гўдагимни ўксиб суяман.  
Қулогимда титраб турган ҳалқамни  
Кўздан панароққа олиб қўяман.

Кўнглимга сигмайди, кўзимга сигмас,  
Тўккан шўр ёшимда тойиб бораман.  
Шам-у, шаън ҳақида ўйламай қўйдим,  
Ғамдан ҳеч камим йўқ, бойиб бораман.

Ишқни мен “ишқ” дебман, дебман висол, кўрк,  
Дод, ёд эканини билмабман.  
Ишқ озодлик экан, экан қўрғон, эрк,  
Ҳаёт эканини билмабман.

### ҚАДАҲ (Баллада)

Шом шамоли изгиган кечда  
Учта одам ўтириб ичди.

Эр-хотин ва учинчи эркак  
Учинчининг кўзлари сергак.

Аёл силаб-сийпар эрини  
Эр билмайди унинг ерини.



Хотин тилда бергудайин жсон  
Кўкрагида гимирапар илон.

Қани, олдик!  
Оқ урарлар, оқ,  
Эр кўксини чангаллар шу чоқ.

Ўх, юракка бориб етди ўт  
Томирларни кирқиб кетди ўт.

Заҳар!  
Қулаб, эри берди жсон,  
На қотил бор, на бир томчи қон...

Бўш қадаҳ ҳам кетмади синиб,  
Дастурхонга қайтди ювиниб...

### ОСМОН ЯҚИН КЕЛАР

Осмон яқин келар  
Жудаям яқин  
Қаричлаб етасан  
Ололсанг чама.  
Бир куни чақнайди  
Улуғвор чақин  
Болага айланиб  
Қолади ҳамма.  
Бугунча каттасиз  
Хафаҳол, зада  
Юрибсиз сир тутиб  
Дил, қаърингизни.  
Қуюқ туман босган  
Ҳар бир лаҳзада  
Бир-бировга тўкиб  
Заҳарингизни.  
Аммо, азиз одам,  
Бечора одам!  
То ернинг остига  
Кетмасдан кириб,  
Дунёда беҳиштий  
Ун ҳам борлигин  
Гўдакка айланиб,  
Шодон қийқириб  
Бир-бирин қучоқлар  
Кун ҳам борлигин  
Унутманг!  
Осмон яқин келар,  
Жудаям яқин...







## ИСТЕЪДОД — КАШФ ЭТИШ ДЕМАК



1. Ўзни англаш дегани нима?
2. Бахт деганда нимани тушунасиз?
3. Истеъдод ва имконият: қай бири муҳим?
4. Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз?
5. Ёзганларингизнинг ҳаммаси ростми?

1. Жуда қийин ва узоқ давом этадиган жараён. Гоҳ одам бир умр яшаб ўзлигини англамай яшаб ўтиши ҳам мумкин. Англай бошлаганлар эса ярим йўлда қолиб кетганини айтишади. Ҳалиҳанузгача “ўзни англадим” деган бир нечта авлиёдан бошқасини билмадик. Ҳақиқатан ҳам, “мен ўзи кимман ёки нимаман, бу оламга нима учун келганман ва келиб-кетишимдан мурод нима” деган саволлар каби, яна ўнлаб саволлар туғилаверади. Улар хоҳишлар, истаклар, орзулар ва хулосалар орасида чирпирак бўлиб айланади.

Ўзимдан мисол келтирақолай: мен ғоят сўлим, табиат барқ уриб жўшадиган бир маконда — Фарғонанинг олис Авазбой қишлоғида туғилганман. Болалигимда у ерларнинг сўлимлигини, гўзаллигини идрок қилолмас, кадр у қийматини ҳам билмас эдим. Улғайиб ақлим тўлишгач, отам-онам ким, яқинларим ким, — танидим. Ўсмир қалбимда орзуларим, истакларим мўл эди. Теварагимдаги кишилар меҳнат билан банд эканлар, уйлардаги печкаларда тут ўтинлар чирсиллаб ёнар, шамоллар ҳар ённи бузиб эсар, атрофни баҳорда ёқилган хазонларнинг ислари янги куртак ва чопилган ер ҳидларига қўшилиб тутиб кетар... ҳамма шу ҳаётдан рози бўлса-да,

юлдузлар учган кечаларда, ғоят узоқ бепоён осмон остида уйқу келмасдан ётиб, ғалати саволлар ҳам ақлга келаверарди. У маҳаллар дунёда ҳамма бир хил деб ўйлаганларимиз ҳам эсимда. Кейинчалик билсам, ўзбек деб аталган халққа мансуб эканман, ўзбек тилида ўйлар, гапирар, вужудимни ўзбек деган бир руҳ тўлдирган экан. Тангри таоло шу халқ ичида яралишимни ихтиёр қилибди, абадий муз ўлкаларида ёки абадий жазирамаларда дунёга келтирганида нима бўларди, деб ҳам ўйлаб қоламан. Булар аслида шукр қилиш учун бир сабабдир, бироқ, умр ҳам бепоён ва сўнгсиздай туюларди. Гоҳо шу бепоёнлик аро кун кечириниш дардида дайдиб-санқиб юргандай, аслида жуда муҳим бир ишни бажаришим керагу аммо у иш нималигини билмайдигандай таассуротлар ҳам уйғонарди, албатта. Ўзликни англаш дедик, аммо англашила боргани сайин саволлар кўпайишини кўряпсизми? Мен шафақ ёғдусидан завқланаман, боласи ўлиб қолган тойнинг кўзидаги ёшни кўриб ачинаман, битта япроққа жойлаб қўйилган ранглардан ва у ботиндаги кудратдан ақлим шошади, кимнингдир дардидан изтироб чекаман, қувончига шерик бўламан... шу билан бирга, бу ҳис-туйғуларимнинг нимага кераги бор деб ҳам ўйлайман.

Бола ўзининг Инсон эканини англаб етиши учун ҳам анча йиллар керак бўлар экан. Теварақдаги ҳамма нарса ўзига бўйсуниб-хизмат қилиб турганини кўриш ва англаш кишини ғалати шавқларга тўлдириб юборади. Лекин инсонликни англаш янада кўпроқ саволларни ҳосил қилаверади. Ҳар нарса онга хитоб қилади, у хитобни эшита олиш керак.

### Исажон СУЛТОН

1967 йилда Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Авазбой қишлоғида туғилган. Тош-Дуниинг журналистика факультетини тамомлаган. «Муножот» (1990), «Ойдинбулоқ» (1995), «Боқий дарбадар» (2011), «Озод» (2012) каби китоблари нашр этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Гоҳо жуда кўп нарсалар қаршисида ақл ожизлигини кўриб шошган пайтларим ҳам бўлган. Биз инсон ўзлигини англаб етиши учун аввало ватан, миллат, халқ нималигини англаб олиши зарур деб гапиришни хуш кўрамиз, менимча, булар – ўзликни англаш йўлининг бошланиши бўлса керак. Давомида яна анча-мунча ҳикматлар турибди. Шулардан бири – ҳар инсоннинг сира такрорланмас, ғоят улуғ ҳодиса бўлиб дунёга келишидир. Яна анча-мунча гапларни айтсам бўларди, лекин адабиёт деганлари аслида мана шу саволга жавоб тарзидаги минглаб жилд китоблар экани ақлимга келгач, уларни мухтасар қилиб бўлмаслиги учун тийила қолайлик.

2. У жуда ўзгарувчан, муваққат ва оз яшайдиган ҳодиса. Шафақ яллиғи ҳақида гапирдик-ку? Масалан, отаси ҳолва олиб берган боладан бахтлироқ ким бор? Лекин у бахт ҳолва тугаши билан ёки бола биров улғайиши билан йўқолиб кетади ва ҳолва бахт туйғусини ташимай қўяди. Энди у кимнидир ёқтириб қолган бўлса, ўшани ўйлайверади, “биз бахтли бўламиз” деб хатлар ёзади. Янада каттароқ бир киши “Уйим-элим тинч, устим бут, ҳамма соғ-саломат, мана шу бахт-да” дейиши мумкин. Аммо қоронғи кечада кўкка кўз тикиб ётар экан, мана шу оқилона бахт ичида ҳам умри ҳақида таассуф билан ўйлаган қанча киши бор? Ақл айтган бахт билан ҳис айтган бахт орасида аллақанча тафовут мавжуд, ақл айтган бахт мушоҳада ва мантиқ орқали топилса-да, ҳис пайдо қилмайди, озурда бир кишидан “Қара, фалон-фалон сабабларга кўра бахтлимасмисан” деб сўрасак, айтганларимизни мушоҳада қилиб кўриб “Ҳа, тўғри” дейди, аммо бу – бахтдан кўра шукрга яқинроқ бир ҳолат. Инсон доимо бахт деган тутқич бермас туйғуга интилиб, талпиниб яшайди.

Мен айтардимки, умумий ва хусусий бахт бор. Умумий бахт бўлгандагина хусусий бахт мавжуд бўла олади. Масалан, эл тинч, юрт осойишта, кишилар ўзлари истагани каби ҳаёт кечириётир, болалар катта бўлишмоқда, ҳаёт тўкин – бу умумий бахт. Мана шунинг орасида хусусий бахт туйғуси юлдуз мисол порлаб-сўниб туради, шекилли. Гоҳ сеvimли оила даврасида болалари билан роса ўйнаб чарчагач, жилмайиб ёстиққа ёнбошлаган отанинг юзида, гўдагини бағрига босган онада, суйгани бир жилмайиб қараб қўйган ошиқда... шу сингари минглаб бахтларни кўра бошлаймиз. Узоқларда бир қанча йиллар юра-юра, ниҳоят она юртига қадами етган одамнинг бахти ҳам ўзига хос. Соғинчлар, интизорликлар, орзулар, илинжлар, ҳатто ўкинч ва афсуслар ортида битта мантиқий хулоса турибди, бу – ўзининг яшаб ўтган умридан, қилган ишларидан қониқиш туйғусидир.

Яна бир нозик нуқта бор бу ўринда: қониқиш билан бирга, завқ ҳисси ҳам бўлиши керак. Бир куни бир қанча ажнабий сайёҳ ўлкамизни кезгани келади. Ўзбек қишлоқларини ҳам кўрмоқчи бўлишади. Йўлбошловчи йигит уларни хомушланиб, ғашланиб

олиб юради. Манзаралар ғоятда оддий: рўмол ўраб олган ёш-ёш қизчалар сув ташимокда, одамлар юмуш билан банд, бедзорлар ниҳоясидан қуёш кўтарилиб келмоқда. Бир оз айланиб-айланмасидан, йўлбошловчи сайёҳларни ортига қайтариб юборади. “Нимага ундай қилдингиз?” деб сўрашади қолганлар. “Қизғандим”, дейди йигит. “Шу теракларимга, сувларимга, йўлларимга, манзараларимга ёт назар тушишини хохламадим. Улар нақадар ажойиб, аммо кўчаларда санқиб юрган ёт кишилар қайдан ҳам билсин? Билса ҳам қадрига етармиди, мен сингари завқланармиди, яхши кўрармиди?”

3. Истеъдод ғоятда кўламли ҳодиса, у ўз вақтида англаб етилиши зарур. Ҳатто, халқ ўз даврининг эҳтиёжларига кўра турли-туман истеъдодларни пайдо қилармикин деб ҳам ўйлаб қоламан. Масалан, Навоий, Машраб бобо каби авлиё зотларнинг дунёга келишида ҳам англаш мушкул бир ҳикмат бормиди? Яъни, бу зотлар ўз ҳолларича дунёга келиб яшаб юрган эдилару, истеъдодлари мавж уравергач, аллақанча шеърий асарларини ёзиб қолдирдиларми? Йўқ, ундай эмас, бу – жуда юзаки таассурот. Балки ўша кишиларнинг айнан ўша маҳалда дунёга келиши Худонинг иноятидир? Даврлар ва истеъдодларнинг дунёга келиш мантигини англашга ақл етармикин?

Жуда кўпчилик тўкин ҳаёт кечиришни истайди. Дастурхонимда ҳамма нарса етарли, иморатим чиройли, ўзимнинг қадру қимматим баланд бўлсин, дейди. Ҳис эса имонга айланиб қичқира бошлайди. Сен дунёга тўкин бир дастурхондан еб-ичгани келдингми? “Одам бошқаларга ёрдами тегиши учун келади” дейди бир даража юқориқ фикрловчи бошқа бир киши. Ҳа, тўғри, аммо Тангри таоло инсонларни бир-бирига кўмаклашиши учунгина яратганмикин?

Демакки, янада улканроқ бир моҳият бор. Истеъдод ўша моҳиятни илғай оладиган шахс. Мен ҳатто ҳар кишида айри бир истеъдод бор деб айтган ҳам бўлардим. Бир пайтлар тоғ ораларида ботаётган қуёшга қараб юм-юм йиғлаётган кексароқ бир кишини кўрган эдим. Табиийки, “Нега йиғлаяпсиз?” деб сўрадим. “Билмадим”, деди у. “Шу шафаққа қараб туриб, ичимда тушуниб бўлмас ҳислар уйғониб кетди, юрагим андуҳга тўлди, ўз-ўзимдан, ҳеч уялмай-нетмай йиғлагим келди”. У одам, ичидаги чирпирак туйғуларини тилига чиқаролмади, холос. Ҳатто, сизу биз кўрмаган нарсаларни кўрган бўлиши ҳам мумкин.

Истеъдодни яширин нарсаларни ҳис эта олиш қобилияти десак, моҳияти хиёл аниқлашади. Ҳар нарса нуқул ақлдан иборат бўлсайди, ҳаёт жуда жўнлашган, кўркини йўқотган бўларди. Ақл кўрган ва билган нарсаларига таянган ҳолида хулоса чиқарса, қалб ҳам ўзига яраша хулоса чиқаради, шу билан ақлнинг овозини ё қувватлантиради, ё ўчириб юборади. Ҳиссиёт ҳақида гап кетганида ил-

жайиб кўядиганларга шуни ҳам айтган бўлардим: меҳр туйғуми ё ақлдан келадими? Боланга севгинг ақлими, ҳисми? Тугилиб ўсган ота уйингга севгинг ақлданми, ҳисданми? Ҳақиқатан ҳам, ота уйим мени турли хатарлардан асрагани, қишда совуқдан, ёзда иссиқдан сақлагани учун яхши кўраман, деса биров ишонармиди? Анча воқеаларни бошдан кечиргани ва у уй ўшаларнинг тимсолига айлангани учун ҳам азизроқ.

Демакки, мана шу нарсаларнинг бари истеъдодга тааллуқли экан, уни изҳор қила олишни имконият деб атай қолайлик. Ичида турли ўйлар чарх урган, ўқиш-ёзишни билмайдиган соқов киши имкониятсиздир, аммо истеъдодсиз деб бўлмайди. Демак, истеъдоднинг ўзи ҳам яширин бир нарсадир. Очиқ-яққол кўриниб турган моҳиятларни кўра олиш учун яширин нарсага қанақасига эҳтиёж бўлсин? Яширин эканлигидан чиқадиган хулоса шуки, демак, у яширин бир моҳиятни илғай олади. Уни баён қила олганлар имкониятга эга бўлишни иташдан ҳам кўра, уни намоён қила олиш учун уринадилар. “Менга зарилмиди?” дейди бир истеъдод, шеърлари ёзилган қоғозни ғижимлаб отиб, озорланиб. “Эл қатори яшасам бўлмасмиди?” Ҳақиқатан ҳам, жуда кўп истеъдодли кишиларнинг ўз истеъдодидан озор чекканини ҳам кўрамыз.

Демак, бугун биз истеъдодли деб билганимиз ёки истеъдоди бор дея умид қилганимиз анча-мунча кишилардан ташқари, яна минглаб инсонлар борки, истеъдодини ё яширади, ё изҳор қилолмайди, ё шубҳаланиб юради. У истеъдодлардан биз ҳам беҳабармиз, шу сабабли қанақа қобилият эгаси эканини билолмаймиз. Лекин, ўша яширин нарса кучқувват беради. Масалан, бир мамлакатнинг ўтган асрлардаги энг олий табақасига мансуб бир зот тўсатдан ҳамма нарсани тарк этади-да, сурат чиза бошлайди. Ақли айтадики, бу юмушинг сира кераксиз. Ўзи (руҳи) айтадики, шуни қилмасам, ўламан!

Бу бор гап. Мен фақат Гоген деган машҳур рассом ҳаётдан мисол келтирганим ҳолда, ўзимизда ҳам турли жабҳаларда хийла обрў-эътибор қозонган кишиларнинг ўз соҳаларидан анчайин узоқ бўлган бошқа илмларга интилганини кўрамыз. Кимдир наботот илмига қизиқади, уни шу даражада ўқиб-ўрганадики, бир олимдан кам бўлмайди. Ёки кимдир фазо илмига, санъатга, адабиётга ва ҳоказо. Яширин истеъдоди ўзининг изҳор этилишини истаб, уни тинч қўймайди. Демакки, истеъдод ўзига қиймат берилишини ёки кашф этилишини истайди. Ҳар ким каби оддийгина бўлсайди, қаноатланиб юраварди. Ўзидан шубҳаланади, нимагадир мен мана шунақа нарсаларга ишқивозман, ичимда бениҳоя кучли бир интилиш бор, шуни қилмасам, ҳаётим кемтик, ўзим бахтсиз бўлиб қоламан, дейди.

Шафаққа термилиб ғуссага чўмган кишининг кўз ёшлари ҳақида гапирдик. У одамнинг йиғиси тоза, мусаффо, ўтган ажойиб дамларини эслаб-қўмсаб, “Эй воҳ, қандай ажойиб йигит эдим, энди ўзим

ҳам шу куёш каби уфқ ортига ботиб кетмоқдаман” дегандай туйғулар таъсирида бўлиши мумкин. У ўкинч йиғиси бўлса, ўлим қуролини ихтиро қилган яна бир истеъдод умрининг охирида “Мен имонли киши бўлатуриб жуда қаттиқ хато қилдим, кишилар бошига мусибат келтирадиган қуролни яратиб қўйдим” деб қайғуга чўмади. Миллионлаб кишилар бир овоздан “Йўқ, асло ундай эмас. Айб сиздамас, у қуролни ишлатадиган кишида” деб таскин беришга уринишса-да, тазаррусини қўймайди, “Нима қилиб қўйдим?” дея надомат чекади.

Истеъдод ҳам куч, уни янглиш томонларга йўналтириб бўлмайди.

Юзакироқ қаралганида эса, имкониятни яратилган асарни эълон қила олиш имкони десак ҳам бўлади. Тўғрику-я, лекин у маҳсулни эълон қилишдан мурод “менинг идрокимга қиймат беринг” деган даъводир. Бу ерда мавҳумлик бор. Кишилар баҳо бериши ҳам мумкин, бермаслиги ҳам. Ранг-тасвир санъатининг даҳоларидан бири – Сальвадор Дали ўз истеъдодига аниқ ишонган эди. Лекин, ишонмаганлар ҳам бор. Истеъдодни йўлга сола олиш, намоён қила олиш ҳам керак. Мен айтардимки, бизнинг ғалати, одамни хавотирга соладиган бир ўксиклигимиз бор. Талай истеъдодларимиз оламга машҳур бўлишга етарли қувватга эга. Аммо ғоят узоқ вақт этган зулм ўз қилғилигини аллақачон қилиб бўлди-да. Ҳали ёзилмасдан турган бир асардан, ўз асаридан, ўз изҳоридан чўчиш ҳисси ҳам бор, ҳар доим ҳам “етарлича тугал эмас” деб ўйлайверади. Шу сабабли, истеъдодидан ийманади ҳам.

Яна шуни ҳам айтардимки, кишиларнинг ўз-ўзига ишончи ва ғурури тикланаётган маҳал ҳозир. У ишончни, у ғурурни авайлаш керак, синдириб қўйиш хавфи бор. Некбинроқ бўлайлик, бу ғоятда қадимий ва мустаҳкам халқ, қора кунлари ҳам, ёруғ кунлари ҳам, яхшисиям, ёмониям бор – аммо бениҳоя улкан, яширин бир қудрати бор бу халқнинг. Берунийларни, Абу Али ибн Синоларни, Навоийларни, Улуғбекларни дунёга келтирибди, ақлу идроки улардан ҳам қувватлироқ зотларни яна дунёга келтирса не ажаб?

4. Ҳар доим ҳам баланд бўлган-ку? Ижодкор тушунчаси хийла кенгроқ. Иқтисоднинг, сиёсатнинг, бошқа ҳар хил соҳаларнинг ҳам ўз ижодкорлари бор, улар ўша соҳанинг истеъдодларидир. Улар бўлмаса, тараққиёт бўлармиди? Фарқи шундаки, бадий санъат моддий маҳсул яратмайди. У фақат ҳис пайдо қилади. Ҳис ҳақида сап олдин гапирдик-ку, инсонга инсонлигини билдириб турадиган нарса айнан шу дея. Яна исбот келтиришим мумкин. Бир одам аёлини жуда севади ва эҳтиётлайди дейлик. Ақли айтадики, бу бор-йўғи бир хотин, вазифаси фалон-фалон ва ҳоказо. Ҳис айтадики, у такрорланмас, дунёда ундан ўзга хуш ва суйимли ҳеч ким йўқ. Ёки онасини ғоятда эъзозлайди. Ақл айтадики, сен яширин, махфий даргоҳлардан



дунёга келдинг, бу аёлдан бўлмаса, бошқасидан туғилар эдинг. Ҳис айтадики, йўқ, у оналарнинг энг улуғи ва энг мўътабаридир. Қай бири тўғри? Шу маънодан қарасак, ҳиснинг имонга яқинроқ эканини кўрмоқдамиз. Санъат кишиларнинг мана шунга ўхшаш хусусиятларини кўрсатиб беради, одамларда шон, шараф, ғурур, завқ, ўксиниш, инсоф, ва фикр пайдо қиладиган ҳолатларни кўрсатади. Ҳар соҳанинг ўз ўрни бор, аммо санъатнинг боқийлиги айнан мана шундаки, даврлар, технологиялар ўзгаргани билан туйғулар ўзгармайди, сабаби – инсон қалби абадий бўлгани боис, технологиялар, кашфиётлар, тизимларнинг бари кун келиб эскиради, аммо ҳислар абадиятга дахлдорлигича, сира эскирмасдан қолаверади.

Демак, санъат ана шу кашфиётларнинг, технологияларнинг жоҳиллар ва еб-ичиш дардидаги кишиларнинг қўлида ўйинчоққа айланиб қолмаслиги учун мавжуддир. Яъни, инсонга Инсонлигини намён этишга, ғоят юксак ва шарафли зот эканини уқтиришга уринаверади. Айни шу сабабли ҳам миллатчилик, айирмачилик, маҳдудлик, манфаат-парастлик, дунёпарастлик, олчоқлик, пасткашлик... боринги, имонга неки ёт бўлса, унга ҳам ётдир. Демакки, санъатга дахлдор асар яратаман деган киши нафақат ўзини англаб олиши, балки ўзи мансуб миллатнинг, халқнинг, қолаверса, инсон болалари деб аталадиган жами тирикликнинг дарду изтиробларидан, ўкинчу армонларидан, қизиқиш ва интилишларидан бохабар бўлиши ва турган гапки, истеъдоди ва билимлари ёруғида келажагини ҳам тахмин этиб кўришга қодир бир киши бўлиши керак.

**5.** Адабий ҳақиқатлар билан ҳаётий ҳақиқатлар орасида катта тафовут бор. Ота уйини эсга олдик, ваҳоланки, ўсмир катта бўлган уй вақт ўтиши билан хийла эскирган, сувоқлари тўкилган, ҳатто чўкиб, кўримсиз бир аҳволга келган бўлиши мумкин. Бизлар учун у уйнинг қай тупроқдан, қай ёғочдан тиклангани муҳимми ёки ким тиклагани, қай тарз тиклагани ва у уйда содир бўлган, умр ўтиши билан қадру қиймат касб этган турли-туман воқеаларми? Бир адиб ота уйи ҳақида асар ёзди, у уйни фавқулодда таъсирли қилиб тасвирлади ҳам дейлик, у асарни мутолаа қилган бошқа бир киши кўз ўнгиде ўша адиб тасвирга олган иморат гавдаланадими, ёки ўз ота уйими?

Масалан, Алишер Навоийнинг машҳур “Фарҳод ва Ширин” достонидаги воқеаларни олайлик. Ширин Арманистон подшоҳининг қизи эди, сувга зормиди, ёки у мамлакатнинг шунча аҳолиси ва бойлиги бўлатуриб, Чин мамлакатидан битта бўз бола келиб тоғни тешиб сув чиқариб беришини кутиб ўтирганмиди? Фарҳод Чин султонининг ўғли эди, келиб тоғни тешиб ўтиришига зарурат бормиди? “Лайли ва Мажнун”ни ўқиганлар “Шу воқеа ростдан ҳам бўлганмикин” деб қизиқишади. Ростми-ёлғонми деб қарасак, турли мантиқсизликларни кўрамиз. Лекин Ҳазрат тоғ деганида нафс тоғини, сув деганда имон сувини назарда тутганини ҳамда ҳар нарсани тимсол дурига айлантириб, кўп қиррали қилиб тақдим этганини ўйласак, ҳамма нарса ойдинлашиб, ажойиб санъатнинг жилваларини кўра бошлаймиз. Илк таассуротларимиз унинг ёруғида эриб-йўқолиб кетади ва биз истаган ҳақиқат акслана бошлайди.

Бундай мисолларни истаганимизча келтира оламиз. Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир ҳақиқатлари бор, бизларни у ҳақиқатлар жалб этгани учун ҳам “Қайда кўрди экан?” деб қизиқамиз-да.

Теваракни ғоявий қичқириқлар босиб кетган маҳалда ҳаммани лол қолдириб пайдо бўлган “Дашту далаларда”нинг қаҳрамони Полвон-чи? Ҳар тарафда ғоя учун жон фидо қилиш тарғиб қилинаётган, дунёда қуролланиш пойгаси авжга чиққан ва ўша пойгани қуллаб-қувватлайдиган кишилар тарбияланиши зарур деб уқтирилаётган бир маҳалда, ўшандай рутбага ғоятда мос бир одамнинг жуфти ҳалоллига нақадар интизорлигини қаламга олган адибнинг гаплари... ростмиди?

“Кўнгил озодадур”нинг нозиктаъб қаҳрамони Ғулом ростдан ҳам Гулханий билан гаплашганмиди?

“Этақдаги кулба”да чекка бир қишлоқнинг кўчаларига бир Синиқчи ростдан ҳам келдими ё ёлғонмиди?

“Паризод”нинг, “Жажман”нинг, “Баҳовиддиннинг ити”нинг, “Тўлиной қиссаси”нинг, “Адашвой”нинг, “Пуанкаре”нинг... муаллифларига ҳам шу саволни бериб кўрайлик-чи, нима деб жавоб қилар эканлар?

Мабодо юрак ютиб сўрасак ҳам, улуғвор сокинлик ила “Ҳа, энди, адабиёт шунақа бўлади-да” деб қўйишлари мумкин.

Мени-ку қўяверинг...





Ҳаср Ҳаср  
Ҳаср Ҳаср Ҳаср




Абдуқаям ЙЎЛДОШЕВ



# ЎЗБЕКОВУЛ ҲАНГОМАЛАРИ

Ҳикоялар



Абдуқаям ЙЎЛДОШЕВ

1962 йилда Самарқанд вилоятининг Қўшрабoт туманида туғилган. Тошкент Политехника институтини (ҳозирги Техника университети) битирган. «Қарo кўзим. Шайх ур-раис» (1990), «Сунбуланинг илк шанбаси» (1998), «Тимсоҳнинг кўз ёшлари» (2003), «Парвоз» (2004), «Бир тун ва бир умр» (2007), «Алвидo, гўзаллик» (2011), «Катта ўйин» (2013) каби китоблари нашр этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



I  
Ўзбековуллик Беркин носфурушнинг тўнғичи то “Элмурод домла” бўлиб танилгунига қадар кўп қийинчиликларни бошдан ўтказди. Болақарилар вилоят марказидаги ўзи тугаллаган институтда иш бошлаганида, кўпи билан тўрт йилда номзодлигимни ҳимоя қилиб оламан, деб мўлжаллаганди. Бироқ бу муддат нақ тўққиз йилга чўзилиб кетди, орада Элмурод пойтахтдаги университет аспирантурасида таҳсил олиб ҳам қайтди. Бундан ташқари, иш энди битай деган палла аввал отасидан, сўнг онасидан айрилиб қолди. Бу ёқда уч сингил унга мўлтираб қараб турибди; тўғри, ота-она ҳаётлигида каттаси турмушга чиққан, аммо, уч қовун пишиғи бўлиб қолди, умуртқа поғонасидаги чуррани муваффақиятсизроқ олдирган почча тўшақда михланиб ётибди, инчунун, жигарга кўмаклашиб турмаса бўлмайти.

Икки сингилни эл қатори тўй қилиб узатган, номзодлигини ёқлаган, ахийри овулда “домла” деб ата-ла бошланган Элмурод бир куни зингил солиб қараб кўрдик, отадан мерос, бундан камида олтмиш йил бурун ҳашар йўли билан қурилган гувала уй анча чўкиб қолибди; гарчанд томига шифер қоқилган бўлса-да, қурт еб адо қилганми нима бало, ора-сира юпқа фанер ортидаги болорлар ваҳимали тарзда қисирлаб кўяди. Бу кетишда бир кун том “тап” этиб босиб қолиши ҳеч гап эмас. Буям камдай, пастаккина чордоққа ярим қоп буғдой олиб чиққан, эмаклаб бораётган Элмуроднинг кўллари орасидан йўғонлиги билақдай келадиган бир ола-чипор илон шувиллаб ўтди-кетди; ваҳимага тушган хотинининг йиғлаб-сиқдаб айтишига қараганда, бешикка ўрмалаб чиқаётган бош бармоқдай катталикдаги сариқ чаённи кўриб қолган-у, жон-жаҳди билан калишида урган, аммо жондор ўлмаган, бир юмалаб, ўзига келиб олгач, кигизнинг тагига кирган-кетган. Шундан буён дағ-дағ қалтирайдиган бўлиб қолган жувон кун-тун зах хонадаги икки юзлик чироқни ўчирмасдан, бешикни кучоқлаганча, кўзларини катта-катта очган кўйи тинмай атрофга аланглаб ўтиради...

Эҳтимол, бу галги режа ҳам ўзга минг бир ташвишлар билан банд бошда бир муддат изғиб юргач, номаълум муддатга унутилиб кетиларди, аммо бош бармоқдай сариқ чаён кўринишидаги сўнги дастак домланинг қатъий қарор қабул қилишига сабаб бўлди.

Хуллас, май ойининг охирларида, таътил маҳалини мўлжаллаб уй бузилди. Эски стол-стуллар ҳовли ўртасидаги дарахт тагига кўчирилди, тахтага қора бўёқ суртиб тайёрланган доска дарахтга қоқилди, ишқилиб, домла уйида дарс ўтадиган болалар учун очик ҳавода кўлбола синф тайёр бўлди-қолди. Шундан сўнг Элмурод анчадан буён кўнглининг тубида асраб юрган орзусини амалга ошириб, шаҳар бозорида қачон кўзи тушса юрагини бир жижиллатиб кўядиган зангор ранг дарвозани сотиб олиб келди. Дарвозамисан дарвоза эди-да ўзиям. Икки қаватли, кўча томонга қараган сиртида кўрган кўзнинг ақлини шоширадиган алламбало нақшлар, мўъжаз тутқичлари тилло ранг, кўш тавақали, ўлчамиям тўрт яримга-тўрт ярим, демак, “КамАЗ”дан тортиб ҳашак босилган тележакчага

бемалол ўтиб кетаверади. Кўёшда товланишини-ку, айтмаса ҳам бўлади: тилло бўлмасаям, кумуш дейсиз, кумуш... Тўғри, элчилик, бир-икки кўни-кўшни, ҳамқишлоқлар атай домлага эшиттириб эшак олмасидан бурун ҳовлисига қоziқ қоққан Афанди хусусида қочиримли пайровлар қилишди, аммо Элмурод бунақанги висир-висир гап-сўзларга парво ҳам қилмади; аксинча, “кўролмасанг куйиб ўл” дегандай, ҳозирча ҳовли адоғидаги молхона деворига суяб кўйилган маҳобатли дарвозани тонг саҳардан меҳр билан артиб-суртаверди...

Эрталабдан ҳовлига қадам ранжида қилган Қариндош домлани мана шу машғулот устида учратди.

Биродарлар, мен ҳам шу овулнинг фарзандиман, шу элга мансубман. Қишлоқни эса биласиз, ҳамма баайни ажриқ томирларидай бир-бирлари билан кўшилиб-чирмашиб, ҳеш-уруғ бўлиб кетган. Инчунун, тилга олинаётган Қариндошнинг ҳам бизга она томондан андаккина яқинлиги борлиги сабабли исмини қоғозга туширишдан истиҳола қилиб турибмиз: то эрта-бир кун юрт олдида “Сенми ҳали мени ёзадиган? Мўлтонидан одам чиқса, чодирига ўт кўяркан-да, а!” дея жонивллаб ёқамизга ёпишиб турса, бунинг хижолати ёмон кечади; илло, овулдошларимиз ҳодисотга до-вур нима бўлганлигини эмас, ҳодисотнинг ўзини узоқ йиллар сақич қилиб чайнаб юришади, дейлик, орадан чорак аср ўтиб қишлоққа борсам ҳам, биринчи учраган киши “Ҳа, бу сенми, танидим, жондай яқининг фалон-чини китоб қилган ёзғувчисан-да!” дея иддао қилиши аниқ. Шу боис, ҳар галгидек, гап шаклдами, моҳиятда-ку, дея ўзимизни ўзимиз чалғитамиз-у, воқеа тафсилоти-га ўтамиз.

Ўзи асли қизиқ одам эди-да бу Қариндош деганлари. Ўнинчи синфни якунлаш арафасида бирдан мактабни олтин медаль билан тугаллаши кутилаётган синфдоши билан яқин жўра бўлгиси келиб қолди-ку. Шу мақсадда, қавм-қариндошларининг “ҳай-ҳай”ига ҳам қарамасдан, ота-онасини кўндирди ва ҳеч нарсадан беҳабар синфдошини кўноққа чақириб, оёғи тагига бир кўчқорни олиб урди, сўнг, бу билан ҳам кифояланмасдан, удумга кўра, тўкин дастурхон устида хижолатдан қип-қизариб ўтирган, томоғидан овқат ўтмаётган синфдошига сарпо кўйди – костюм-шим кийгазди. Шу билан улар жўра бўлишди.

Тўғри, яна ўша урф-одатимизга кўра, Жўра ҳам Қариндошни чақириб, зиёфат қилиши, сўнг кийитлик қайтариши – костюм-шим, ҳеч бўлмаганда чопон ҳадя қилиши лозим эди. Аммо бу орада мактаб тугаб, ўқишга кириш илинжидаги битирувчилар ҳар томонга учиб кетишди-ю, шу билан “қайтар товоқ” Жўранинг бўйнида қарз бўлиб қолаверди.

Кутилганидек, Жўра пойтахти азимдаги катта ўқишга ўз кучи билан кирди-кетди. Қариндош эса “сайқали рўйи замин аст”даги институтнинг биринчи имтиҳониданоқ гуппа қулади.

Уч-тўрт ҳафта “Ҳақиқат йўқ экан! Бўлмаса ҳамма саволларга юз процент жавоб бергандим! Мандатдан қайтаришди! Саводи “нол”ларни олишди. Ёзаман!” деб юрган Қариндош охир-оқибат тақдирга тан берди ше-



килли, залворли кетмонини елкага ташлади-ю, далага йўл олди.

Шу билан ҳаммаси изига тушиб кетгандек, Жўранинг бўйнидаги қарз қиёматга қадар унутилгандек эди. Бунинг устига, ўқишда маҳаллари ора-сира қишлоққа келиб турадиган Жўра жондай жўраси Қариндошдан хабар олавермасди, ҳатто қайдадир амалиётдалиги боис унинг тўйида ҳам қатнашолмади.

Бироқ тез орада Қариндошнинг арқонни жуда-жуда узун ташлаб қўйгани, дейлик, қичийдиган жойини олдиндан қашлаб қўйгани, йиқиладиган жойига эса гилла тўшаб қўйгани аён бўлди...

Университетни “қизил диплом” билан тугаллаган Жўра пойтахтда қолди ва аста-секинлик билан бўлса ҳам амал пиллапояларидан юқорига кўтариларверди. Табиийки, бунга мутаносиб равишда овулда Жўранинг уйида тутун чиқса ҳам етиб боришга ҳозир у нозир қариндош-уруғлари сони орта борди. Дам шу дамдир... Шундоқ фурсат келишини сабр билан кутган Қариндош ҳам мийғида илжайган кўйи ҳаракатни бошлади...

Шоир “Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин”, дейди. Келинг, журъат этиб, шу ҳикматга озгина қўшимча қилайлик: “Ҳаргиз ҳузурингга илтимосчилар саф-саф бўлиб келишга кунинг қолмасин. Айниқса имкониётларинг чекланганини ўзинг билиб турганинда...” Илло, мен ўша, илтимосчилар гуррос-гуррос келаётган талотўп кунлари алам-изтиробдан юзи қорайиб кетган, наинки уйига, ишхонасига боришдан ҳам юраги безиллаб қолган, ўзига куюқ салом берган ҳар бандага ҳадиксираб қарайдиган шўрлик Жўрани кўргандим...

Қариндош “қондош жўрам-жондош жўрам”лаб Жўрани соғиб ичди ҳисоб... Қариндош ўғлига суннат тўйи қилганда Жўра тўй эгасига, унинг хотинига, тўй болага бошдан-оёқ алламбало сарполар қилиб келди, лекин бу билан қутулмади. Мана шу бола коллежни битирганида ўқишга киришига кўмаклашди, бироқ бу билан ҳам бўйнидаги қарз арқонидан халос бўлмади. Охири бир амаллаб институтни битирган шу боланинг божхонага ишга жойлашишида ҳам кўлидан келган ёрдамини аямади. Аммо синов муддатида бўлган ёш мутахассис босар-тусарини билмай қолганми, ишқилиб, орадан уч ой ўтар-ўтмас пора олаётган маҳал кўлга тушганида Қариндош минг тавалло қилиб, ялиниб-ёлвориб келмасин, Жўра ишни “бости-бости” қилишга мутлақо аралашмади...

“Топармон-тутармон боламнинг даврида кетмон кўтариб юрсам ярашмас”, деган мулоҳазалар ила аллақачон даладан бўшаб олган, катта-катта ейишга ўрганиб қолган Қариндошнинг Жўрадан ҳафсаласи пир бўлди, аммо буни эл-юртга сездирмади.

Штти йилга ҳукм қилинган ўғил уч йилда амнистияга илиниб қайтиб келди. Шу билан у тинчгина яшаса бўларди. Йўқ, отасининг қондош-жондош Жўраси кўмагида йигитларни Кореяга кафолатли ишга жўнатиш кўлидан келишини бир-икки жойда шипшиб қўйган экан, “кўк”идан кўтарган хоҳловчилар узун-қисқа бўлиб Қариндошнинг уйига кириб келарверди.

Орадан бир йил ўтди-ўтмади, фирибгар ўғил бўйнида олтмиш минг доллар қарзи билан қамалди-кетди. Пулига куйиб қолганлар Қариндошнинг уйининг турмини бузишди.

Зўрдан зўр келса, зўр думини қисади. Қариндош

ҳам “Бор, кучала еган жойингга бориб тириш!.. Менга бир сўм бериб қўйганмисан?.. Мен ҳеч нарсани билмайман!..” ва ҳаттоки “Қайси замонда ота ўғил учун жавоб берган?” қабилидаги далил-дастакларни қалаштириб ташлашга, бақир-чақир қилиб турганлардан ҳам кўра қаттиқроқ бўкиришга уриниб кўрди; аммо кўпчилик барибир кўпчилик-да, бунинг устига, мол аччиғи – жон аччиғи: бунақа маҳал кўл ўз-ўзидан кетмондастага бориб қолаверади... У ёқда Жўра ҳам номардлик қилди: бош эгиб келган Қариндошга уйда борини қириб-қиртишлаб, бор-йўғи тўрт минг беш юз эллик беш доллар чиқариб берди. Айниқса охириги беш доллар Қариндошнинг роса асабини ўйнатди: паст-да, паст; шуям пулми? Шуниям уялмай тутқазди-я! Нима, у садақа сўраб келган гадомидики?! Яна жўрамиш... Бироқ нима ҳам қила оларди? Пасткаш Жўранинг даста-даста долларлари турадиган сейфнинг калити ёнидамик... Охир-оқибат Қариндош уйини сотишга ва оиласи билан қишлоққа туташиб кетган дала шийпонига кўчиб ўтишга мажбур бўлди.

Адашган ўғил-ку, яна авфи умумийга илиниб, қайтиб келди; пулига куйиб қолганлар инсоф қилишди – қайтиб уни безовта этишмади: ахир, ранг кўр – ҳол сўр... Фақат Қариндошнинг аламзадалиги тарқамади. Устига-устак, бир эмас, икки эмас, тўрт марта бориб ҳам Жўрадан белга тугиб қайтарли далда ололмади, аксинча, бир-икки оғиз нордонроқ гап эшитди. Қайси жин урган, тушуниш қийин, лекин Жўранинг тўнини тескари кийиб олгани равшан эди: нима сўраса, нуқул “иложим йўқ”, дейди, қайсар эшақдай оёғини тираб туриб олади. “Ўғилни ҳеч бўлмаса газзаправкага жойлаштириб бер...инг”, деганди, ўзини эшитмаганга солди, Қариндош унинг отасини уриб ўлдириб келгандай экрани бир ярим қулочлик “ойнаи жаҳон”дан кўз узмаган кўйи без бўлиб ўтираверди... Э, садқаи одам кет...

Албатта, Қариндош қишлоққа, эл кўзига димоғи чоғ ҳолда қайтди ва атай овулнинг уч-тўрт хабарчисига эшиттириб айтдики: “Бизнинг кўчадаям байрам бўлиб қолади... Жўрам ваъда берди, ҳеч ўйланманг, ўзингизниям, ўғлингизниям шахсан ўзим бориб, ёғлироқ ишга жойлаб келаман, деди...”

Шунгаям бирон беш йил бўлиб қолди-ёв. На ёғли ишдан дарак бор, на ёғсиздан. Ота бекор, йўл қарайвериби ранги синикқан ўғил бекор. Яна бош эгиб, бирон фермерга кетмончи бўлиб боришга Қариндошнинг бўйни ёр бермади. Яхшиям уй бекаси қишлоқ марказидаги шифохонада ҳамшира бўлиб ишларди: топган уч-тўрт сўми рўзғорни амаллаб тебратиби туришга етарди.

Бу йиллар ичида... Қариндош ёзишнинг роса ҳадисини олди. Шаҳарга боришга йўл пули топилмай қолгач, ёрдам сўраб аввал жондош-қондош Жўрасига ёзди, ундан жавоб келмагач, тузукроқ ишга жойлаштириб қўйишларини илтимос қилиб ҳокимиятга ёзди, прокурорга ёзди, судга ёзди, ижтимоий таъминот бўлимини ҳам эсдан чиқармади. Бироқ расмий идоралардан бир хил жавоб келарверди: “Бу масалада фалон ташкилотга мурожаат қилишингизни сўраймиз”. Ўша ташкилот, яъни, бандликка кўмаклашувчи идора аризагўйни рўйхатга олиб олти ойга яқин нафақа бериб турди, бу вақт ичида уч-тўрт жойга йўлланма тутқазди, бироқ Қариндошга бу ишларнинг биронтаси ёқмади: бергани носвой пулига етмайди-ю... Оқибатда идора пул тўлаб

туришни бас қилди, Қариндош эса “Мана сенга!” дегандай “ёза-ёз”ни авж олдирди. Айниқса бу борада унга хотини ишлайдиган шифохонадаги компьютер жуда кўл келди: бу сизга катак қоғозда ручка тиқирлатиб ўтириш эмас, принтердан бири-иккинчисидан силлик, чиройли матнлар кўзингизни қувнатиб чиқиб келаверардики – Қариндошнинг ўзи ҳам бу манзарани ёш боладай қувониб-ҳаяжонланиб, юраги “дурс-дурс” урган ҳолда, кафтларини бир-бирига ишқаган кўйи кузатиб ўтирарди, – уларга кўзингиз тушса бас, шу заҳоти шикоятчининг барча муаммосини ҳал қилиб ташласам дердингиз...

Қариндош аста-секин аризабозлик сарҳадини кенгайтирди. Энди фақат шахсий дардларгина эмас, овулда содир бўлаётган катта-кичик воқеа-ҳодисотлар, миш-мишлар, турли талқинлару ажабтовур хулосалар ҳам Қариндошни компьютер клавиатураси томон етаклайдиган бўлди. Алап-оқибат, бир неча марта калитни бердиртирмаган бош шифокор устидан “Беморлардан пора олади... касалхонани еб ётибди... мендай бечора ишсизданам кўркмай пул сўради...” қабилда ёза-ёза охири уни қонига ташна қилган аризагўй худди юмушга келгандай, роппа-роса соат тўққизда компьютер сақланадиган хона эшиги ёнида тик турадиган ва ғалаба товони ундираётган музаффар томон янглиғ масрурлик билан навбатчидан калитни оладиган бўлди...

Икки йилча бўлиб қолди-ёв, овулнинг ўзларига тўқ фермерлари камхаржроқ оилаларга соғин сигир бериш ташаббуси билан чиқишди. Олим ферма яқин ҳешим, тус жияним дея ҳеч ким йўғида Қариндошнинг шийпонига атаганини ташлаб кетибди: савоб пинҳона қилинади-да.

Шифохонадаги кундалик “юмуши”дан қайтган Қариндош кўчиб келганларидан буён бўм-бўш ётган бостирма тагидаги болали сигирни кўради-ю... Хуллас, Қариндош ҳадяни олдига солиб ҳайдаб тўғри Олим ферманинг уйига боради, “Берсанг тузукроғидан, семизроғидан бер-да, жиян, бунинг ориқ-ку, қара, умуртқаси саналиб ётибди, эртага йиқилиб қолади-ку”, деб тўполон қилади. Фермернинг ҳозир кўклам пайти эканлиги, шунга яраша ҳамма сигирларнинг ҳам ориқлаганлиги, буям оғзи кўкка етса бас, тўппосдай семириб кетиши ҳақидаги изоҳлари ўжар тоғага асло таъсир қилмайди. Қариндош: “Мен тоғаман, етти пирдан азизман, шунга яраша сағрини ялтираб турганидан берсанг ўласанми?” деб туриб олади. Асли сиркаси сув кўтармайдиган, жаҳли бурнининг учида турадиганлар тоифасидан бўлган фермер жиян қаттиқ асабийлашади, вужуди дир-дир титрай бошлайди. Сўнг, айтишларича, бир эмас, икки марта “Олмай-сизми, тоға?” деб сўраган. Қариндош бунга жавобан: “Бунинг ўзинг пишириб е, жиян. Мен олсам ферманга кириб, ўзим танлаб оламан”, деган. Дарвоқе, Голландияданми, қайдандир эллик бош зотдор сигир олиб келиб, уни алоҳида жойда парвариш қилаётган Олим фермер, фермасига тоғаси у ёқда турсин, хотинини ҳам киритмасди. Шунгами, тоғанинг бу талаби сабр косасига томган сўнгги томчи бўлади-ю, портлаб кетган фермер “Олмасанг олма! Сенга бергандан кўра балиқларга ем қиламан буларни!” дея болали сигирни катта канал бўйига судраб чиқади ва иккаласини ҳам шиддат билан оқаётган бўтана сувга отиб юборади...

Ориқ бўлсаям, сигирдан, демакки сут-қатиқдан куруқ қолган тоға алам устидан саркаш жияни устидан эринмай ёзди, қайта-қайта ёзди, фойда бўлмади. Келган комиссияларга Олим фермер: “Мулк меники! Агар гинг десаларинг, қолган сигирларниям каналга отиб юбораман! Сизларга шу керакми?” дея ўшшайиб тураверган. Қариндош ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамиятидан анча умидвор бўлиб турганди, бироқ бу муассасага йўлланган шикоятлар сувга чўккан она-бола сигир мисоли изсиз йўқолди...

## II

Хуллас, эрталабдан ҳовлига қадам ранжида қилган Қариндош Элмурод домлани ҳовли адоғидаги молхона деворига суяб қўйилган маҳобатли дарвозани меҳр билан артиб-суртаётган ҳолида учратди.

Одатдаги салом-алик, қисқача ҳол-аҳвол сўрашишлар, уйга (тўғрироғи, ҳовли чеккасидаги чор-пояга) таклиф қилишу, буни миннатдорчилик ила рад этишлардан сўнг Қариндош чор-атрофга бир муддат диққат билан, айтиш мумкинки, танқидий кўз ташлаб чиққач, дабдурустан:

– Домла, энди устингиздан ёзмасам бўлмайди, – деб қолди.

Элмурод домла аввалига ажабланди, сўнг “Нотўғри эшитмадиммикан?” деган ўйда чақирилмаган меҳмоннинг жиддий юзига тикилди. Йўқ, кўноқ ҳазиллашаётганга ўхшамасди.

Бу тахминни тасдиқлагандай, Қариндош ишонч билан такоррлади:

– Домла, энди устингиздан ёзмасам бўлмайди.

Элмурод домла ўзини мажбурлаб жилмайди:

– Ёзишга арзийдиган нима гуноҳ қилибмиз?

Қариндош ҳовлига ишора қилди:

– Отангиз бир носкаш эди. Энди шундай одамнинг боласи қандай қилиб ҳовлини бузиб, ўрнига қаср солади, а?

Домла хотиржам гапиришга уринди:

– Қаср эмас, тўрт хонали оддийгина уй, ака.

Қариндош бўш келмади, энди дарвозага ишора қилди:

– Бизам сув кўрмасдан этик ечмайдиганларданмиз. Оддий уйнинг дарвозаси бунақа бўлмайди, ука.

Домла сал асабийлашди:

– Қанақа бўлади?

Қариндош саволга жавоб бермади, бунинг ўрнига чўнтагидан ёндафтарча ва ручка олди, ниманидир ёзишга ҳозирланди.

– Хўш, ойлигингиз қанча, ука?

– Нима эди? – хўмрайиб сўради Элмурод.

– Айтиверинг. Мен оддийгина уй қуриш учун ҳам неча йиллаб емай-ичмай, бир сўминиям сарфламай йиғишингиз кераклигини бирпасда ҳисоблаб ташлайман. Сиз бўлса, икки йил бурун синглингизни чиқардингиз, энди бўлса қаср қураяпсиз...

– Қаср эмас, оддий уй...

– Барибир. Ҳозирги замонда уй қуришнинг ўзи бўладими? Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, сиз ноқонуний даромад топаяпсиз. Катта даромад...

Элмурод домла анграйиб қолди:

– Қанақасига?

Қариндош ўпкасини тўлдириб нафас олди, пишиллаб нафас чиқарди:

– Шунақасига. Институтда студентлардан пора, ўқишга киритишга яна пора...

Домланинг жаҳли чиқди:

– Оғзингизга қараб гапиринг, ака!

Қариндош домлага тик қаради:

– Оғзимга қарасам-қарамасам бор гап шу, ука.

– Тухмат қилманг!

Қариндош ҳовли ўртасидаги дарахт тагида турган эски стол-стулларга, дарахтга қоқилган доскага ишора қилди:

– Балки ҳали репетиторлик қилаётганингиздан ҳам тонарсиз. Агар тонмасангиз, марҳамат қилиб лицензиянгизни кўрсатсангиз. “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларга кўра, буни сиздан талаб қилишга менинг ҳаққим бор. Сиз эса лицензияни кўрсатишга мажбурсиз.

Элмурод домла анграйиб қолди. Зеро, тўрт-беш йил бўлиб қолди, чиндан ҳам март-июн ойларида қишлоқ болаларини ўқитади, аммо шу пайтгача бирон марта бирон киши ундан лицензия сўрамаган.

Домланинг қандай аҳволга тушганини кўрган Қариндош қониқиш билан, мамнун илжайди:

– Шунақа, Беркин акамнинг боласи, шунақа. Демак, ноқонуний фаолият олиб борганингизни ўзингиз ҳам тан оласиз, шундайми? Шундай деб ёзаверайми?

Домла илон сеҳрига тушган одамдай Қариндошнинг ёндафтар саҳифаси устида йўрғалаётган кўлига анграйиб қараб қолди.

– Ёзаверайми? Қўл қўйиб берасизми?

Нихоят Элмурод домла бир сесканиб ўзига келди:

– Қанақа қўл, ака? Қанақа даромадни гапиряпсиз?

Қариндош кўп нарсани биладиган одамдай уй эгасига маънодор қаради:

– Яширяпсиз-да, а? Мендан-ку, яширарсиз, лекин келган одамлар бор ҳақиқатни ичингиздан суғуриб олмай қўймайди, ука. Ҳа...

Домла очиқ ҳаводаги қўлбола синфга ишора қилди:

– Ака, ростданам ўн битта болани ўқитаман. Бештаси яқин қариндошларимнинг болалари, улардан бир тийин олмайманам, ололмайманам.

Дафтарчасига ниманидир ёзишда давом этаётган Қариндош истеҳзоли илжайиб қўйди, холос. Элмурод домла изоҳ беришда давом этди:

– Қолган олтитаси ҳам бегона эмас. Биттаси Маннон фермернинг қизи. У киши қизимни ўқитиб бер, йил яхши келса уч қоп ғалла бераман деган. Яна биттаси Қурол дўхтирнинг боласи. Вақт-бемаҳал дўхтирга ишимиз тушиб туради, шунинг учун у кишиданам пул олмайман. Яна иккитасининг отаси “Боламиз ўқишга кирса бир нарса ташлаб кетармиз”, деган. Шунда пулга ўқийдиган иккитаси қолади, холос. Уларам...

Ёзишни тугатган Қариндош ёндафтарчани ёпди:

– Ҳар қалай, бутун бошли қасрни иккита болани ўқитганим эвазига қуряпман деб мени лақиллатмасиз, ука? Алдагани бола яхши-я?

Элмурод домланинг бурун катаклари керилди:

– Ака. Мен сизга изоҳ беришга мажбур эмасман.

Боринг, кўринг, керак бўлса текширинг, институтда бир ярим ставка ишлайман...

Қариндош ҳи-ҳилаб кулди:

– Икки йилдан бери қабул комиссиясининг аъзосисиз...

Домланинг юзига олов тепди, шунгами, тишлари гижирлаб кетиб, асабийлашаётганини сездириб қўйди:

– Ҳозир тест, ака, тест...

– Бидамиз, бидамиз, бунинг ҳам йўлини топиб қўйгансанлар... Тестдан жарақ-жарақ пул ишламасангиз, бунақанги қасрни тушингиздаям кўрмасдингиз?

Элмурод гувала, эски-туски қурилиш материаллари сочилиб ётган ҳовлига ишора қилди:

– Қани сиз айтган қаср?

Қариндош пинагини бузмади:

– Бугун бўлмаса эртага қурилади-да, ука. Ҳаром пулнинг сассиғига ухлай олмай чиқадиغان бойваччалар учун битта қаср нима деган гап? Шаҳарданам уч-тўрттасини олиб қўйгандирсиз? Бировларнинг номига, а?

Бўғриқиб кетган домланинг қўллари мушт бўлиб тугилди:

– Мақсад нима, ака?

– Мақсад сизни фош қилиш.

– Менинг нимами фош қиласиз?

– Сизда гап кўп, ука, гап кўп. Сезиб турибман, юришларингиз бежо...

– Ҳақорат қилманг-да, ака, бориб, бемалол хоҳлаган жойингизда хоҳлаганча фош қилаверинг.

– Бўпти. Аввал институтингизга бораман. Ректорингизга учрашаман. Ўнта студентни олиб келиб, мажбурлаб ишлатганингизни айтаман. Гувоҳларим бор. Суратгаям олиб қўйганман.

Элмурод домла инграб юборди:

– Ахир... ахир улар ҳашарга келишди-ку. Уйни бузгани...

– Ҳашарга эмиш? Одамнинг кулгисини қистатманг, ука. Келмаям кўришсин-чи. Институтдан ҳайдаттириб юборардингиз. Ундан кейин, иш маҳали биронтасини том босиб қолса нима қилардингиз?

– Бу нима деганингиз, ака?

– Сиз ана ўшандаям сувдан қуруқ чиқиб кетардингиз, булар ўз ихтиёрлари билан келишган, деб. Лекин билиб қўйинг, энди бундай бўлмайди. Мен бунга йўл қўймайман! Кейин ректор жаноблари ҳам билиб қўйсин, унинг ойликка яшайдиган ўқитувчилари қандай қасрлар қураётганини!

Чарчаб кетган Элмурод домла оғир уф тортди ва без бўлиб турган қўноққа ҳорғин тикилди:

– Бўлдими, ака?

– Йўқ, бўлмади. Ректорингиз олдидан чиқиб, наловийга бораман. Неча йиллардан бери лицензия олмай, репетиторлик қилиб келаётганингизни айтаман. Ҳеч бўлмаса шуни тан оларсиз?

– Бўлдими?

– Йўқ. Биласиз, ҳеч бўлмаса эшитган чиқарсиз, Тошкентда, катта идорада менинг жон Жўрам ишлайди. Унга бир оғиз телефон қилиб қўйсам бўлди, сизнинг авра-астарингизни ағдариб текширишади, институтдан ҳам орқангизга тепиб, бошқа жойга ишга киролмайдиган қилиб ҳайдашади. Шарманда бўласиз.

Элмурод домла Қариндошга бақрайиб қараб қолди, ахийри аранг сўрай олди:



– Мен тушунмаяпман, мақсадингиз нима ўзи, нега мени кўрқитмоқчи бўлаёсиз? Ё мендан уч-тўрт сўм ундирмоқчимисиз?

Бу гапларни эшитаётган маҳал мамнунликдан оғзи кулогига етган Қариндош шоша-пиша ёндафтарига нималарнидир қайд эта бошлади:

– Пора таклиф қиялсизми, демак айбингиз мен ўйлагандан ҳам кўра катта. Жуда катта! Буни ҳам тиркаб кўямиз. Мана, энди бўлди!

Дафтарчасини ёпиб, дарвоза томон йўналган Қариндош уч-тўрт қадам юргач, бирдан тўхтади ва ортига ўгирилиб, уй эгасига қарата хитоб қилди:

– Лекин билиб қўй, ука, ҳаммани сотиб олсанг ҳам мени сотиб ололмайсан!

Ниманидир мулоҳаза қилди шекилли, Қариндош қайтиб домланинг ёнига келди, унинг кўлидан тутди ва билагига кўрсаткич бармоғини нуқиган кўйи оҳиста, сўзларни дона-дона қилиб деди:

– Мен бирдан ўйиб олмайман. Аста тирнайман, тирнайвераман. Тирналган жой ярага айланади, кейин йиринглайди, охири ҳаммаёқни захарлаб ташлайди.

Шу билан Қариндош ҳовлидан чиқди-кетди.

Элмурод домла унинг ортидан анграйиб қараб қолаверди...

### III

Бошламасига ректоратдан суҳбатга чақиришди. Оддий фан номзоди қандай қилиб қишлоқда қаср қураётгани, шаҳарнинг ўзида эса бир нечта ҳовлини бировларнинг номига олиб қўйгани билан қизиқишди.

Элмурод домла изоҳ беравериб чарчади.

Келган комиссия ҳовлини видеога олиб қайтди. Шу билан ҳамма машаа тугагандай эди. Аммо эртаси куни кечга яқин, дарс ўтилаётган маҳал солиқдан келиб босишди...

Булар изоҳ-пизоҳ эшитиб ўтиришмас экан: холлар иштирокида дарҳол далолатнома тузишди, ўқувчиларга ҳам имзо қўйдириб олишди. Неча йиллар давомида ноқонуний фаолият олиб борганлиги учун Элмурод домла ҳам отнинг калласидай жарима, ҳам унданам каттароқ солиқ тўлашга мажбур бўлди. Қонунбузар бундан кейин мазкур кўринишдаги фаолиятини давом эттириши учун махсус рухсатнома олиши кераклиги ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилди.

Солиқчиларни кузатиб, уйга асабий равишда қайтиб келган Элмурод домла жаҳл устида эски стол-стулларни йиғиштириб ташлаётган маҳал кўлбола доска ёнидан чиқиб турган михга билагини уриб олди. Домла занглаган мих тилган жойнинг сал қизаринқираб қолганини кўрди-ю, бунга эътибор бермасдан, ишида давом этди...

Кейинги куни маҳалла профилактика инспектори ташриф буюрди. Ҳашарда қатнашган талабалар орасида болалар, яъни ўн саккизга тўлмаганлар бўлмаганлигини исботлагунга қадар Элмурод домланинг она сути оғзидан келди: бунинг учун ҳар бир талаба паспортининг нусхаси билан бирга “домланинг уйидаги ҳашарда ўз ихтиёрим билан қатнашдим” мазмунидаги тушунтириш хати ҳам топширишга мажбур бўлди.

Шу куни Элмурод домла мих тилган жойнинг қичишаётганини, симиллаб оғриб-оғриб ҳам қўяётган

нини сезди, аммо ўтиб кетар деган ўйда шу жойга лой босиб, устидан рўмолчасини боғлаб қўйиш билан кифояланди.

Туман электр таъминоти корхонасидан келиб, бузилган уйда электр симлари ўзбошимчалик билан узиб ташланганини аниқлашди, тегишли тартибда баённома тузишди ва симёғочдан уйга келган симни ашёвий далил сифатида қирқиб олиб кетишди...

Элмурод домла билагининг мих тилган ўрни ловуллай бошлаганини сезди ва рўмолчани ечиб кўрди. Яра ўрни маддалай бошлаганди. Домла дўхтирга ўтиб келмоқчи ҳам бўлди, аммо аввал жаримани тўлаб келишга қарор қилди. Дўхтир шу ерда, қишлоқда. Омонат касса эса туман марказида. Улгуриш керак. Дўхтирга эртага борса ҳам бўлади.

Эртасига эрталабдан ташкилотига тушган “сигнал” туфайли текширишга келган туман меъмори уйни бузиш ва ўрнига янги уй қуриш учун рухсатнома олинмаганлигини аниқлади. Энг асосийси эса, янги қурилажак уйнинг тегишли тартибда тасдиқланган лойиҳаси йўқ эди. Бу қанақаси ахир? Уй эгаси бўлмиш домланинг ўқувчилар дафтаридан йиртиб олинган саҳифасига чизилган қинғир-қийшиқ бир нималари меъморлик лойиҳаси вазифасини ўтай оладими? Асло ва асло йўқ! Бу ахир инсонлар ҳаётини хавф остига қўйиш билан баробар-ку! Жарима, дарҳол жарима!..

Билагидаги яра ўрни ловуллаб оғрийвергач, Элмурод яна дастрўмолни ечиб кўрди. Яра йиринглаб кетганди... Буни кўриб, Элмурод эртага эрталабдан, агар осмон узилиб ерга тушсаям, дўхтирхонага боришга ўзига ўзи ваъда берди. Ахир одамга соғлиқ керак-ку!

Бироқ домла улгуролмади: эртаси эрталабдан туман газлаштириш идорасидан келган мутахассис-вакил газ қувури амалдаги тартиб-қоидаларга зид равишда кесиб ташланганлигини фош этди. Уй эгасининг “Ахир олти ойдан бери газнинг ўзи тугул, ҳидиям йўқ-ку!” деган изоҳлари вакилга чивин чаққанчалик таъсир қилмади. Билъакс, кўзлари ола-кула бўлиб кетган мутахассис бир зумда ваҳимали манзарани чизиб ташлади: туйқусдан газ келиб қолди, қувур эса кесилган. Хўш, нима бўлади? Газ йиғилиб туради-туради-да, кейин бирдан... порт-лай-ди! Тамом-вассалом! Бутун қишлоқ осмонга учди! Элмурод домланинг “Ахир, газ қандай қилиб очиқ ҳавода йиғилади, бу ерда газ йиғиладиган хонанинг ўзи йўқ-ку!” деган эътирозлари ҳам ўша кўринмас газ мисоли ҳавога изсиз сингди-кетди. Вакил эса шоша-пиша тегишли тартибда баённома тузди, керакли одамларга имзолатди ва бундоқ жинояткорона масъулиятсизликка, совуққонликка, лоқайдликка йўл қўйган уй соҳиби энг кам иш ҳақининг фало-он баробари миқдорида жарима тўлашга маҳкум этилди. Зудликда...

Шу билан кун кеч бўлди. Кўнгли ҳовлисидай зимистон Элмурод домла дўхтирга эртасига боришга қарор қилди. Аксига олиб домла яна улгуролмади: тонг саҳарда кўнғироқ қилишиб, раҳбарият уни институтга чақириётганини маълум қилишди.

Элмурод домла ўпкасини қўлтиқлаганча ҳовлиқиб ишхонасига етиб келди. Ректоратда унга бу йилги қабул комиссияси таркибидан чиқарилганлигини, шунингдек, дарс соатлари ҳам қисқартилганлигини айтишди.

Юрагига қил ҳам сизгаётган бўлса-да, Элмурод домла институтдан чиқиб, тўғри қишлоқ врачлик пунк-

тига бормоқчи бўлди. Бироқ йўл-йўлакай туман газ идорасига кириб ўтишга қарор қилди: жаримани тўлаш керак эди. Аксига олиб, ягона бадқовоқ аёл ишлаётган кассада одам кўп экан, навбатда узоқ туришга тўғри келди. Бўйинбоғ тақиб олган Элмурод домла бунақа масалаларда ўта зиёли эди: ҳеч қачон навбатсиз олдинга суқилмасди, ҳатто институт ошхонасида ҳам талабалар билан тенг навбатда турарди.

Билаги лўқиллаб оғриётган, иссиғи чиққан Элмурод домла уйига қоронғу тушганда базўр етиб келди.

Эртаси куни эрталабдан, домла бир амаллаб кийинаётган, аёли эса сигир соғаетган маҳал дарвоза тарафдан “Илмурод...” деган таниш чақирик эшитилди. Домла янглишмагани: қишлоқда фақат фуқаролар йиғини раиси Наҳалбой акагина уни шундай деб чақирарди.

Наҳалбой ака сўрида узоқ ўтирди, уч чойнак чой, бир коса сут ичди, бўлган воқеаларни эринмай суриштирди, Элмуроднинг гапларини томоғини тақиллатган кўйи бошини чайқаб-чайқаб эшитди, алоҳа, ҳаммасининг тагига етишга ваъда бериб ўрнидан кўзгалди.

Элмурод домла сал енгил тортди. Аммо у ҳовлидан чиқишга улгуролмади: Маннон фермер кириб келди. Фермер нега қизи ўқишга келмаётгани сабабини сўради. Элмурод домладан ўқиш вақтинчалик ёпилганини эшитиб эса, ўпкалашга тушди: бунақа эмас-да, укажон, атаганимиз кам бўлса, майли, яна бир қоп кўшай, фақат сиз қизимни яхшилаб ўқитинг, домла, дўст-душманнинг олдида ўз кучи билан бир ўқишга кириб кетсин...

Элмурод домла фермерни бир амаллаб кузатганида вақт чошгоҳга яқинлашиб қолганди. Шундоқ эски дарвоза ўрнидан шошиб чиққан домла каттагина сум-

касини елкасига ташлаб олган ўрта ёшли бир аёлга урилиб кетишига сал қолди.

Аёл ўзини “БТИданман, туман меъмори топшириғи бўйича келганман” деб таништирди. Сўнг сумкасидан йиғма ўлчагич чиқарди ва бузилган уйнинг пойдевори ўрнини ўлчашга тушиб кетди. Аёлнинг якка ўзи қийналаётганини кўрган Элмурод домла ноилож унга кўмаклашиб турди.

Ўлчаш ишлари анча чўзилди. Сўнг аёл ёзиб олганларини каттагина қоғозга тушира кетди. Кейин домла чизган янги уй лойиҳаси билан қизикди.

Хуллас, аёл ишини битиргунга қадар соат бешдан ошди. Энди ҚВПга боришдан фойда йўқ эди.

Кечаси чорпояда ётган Элмурод домланинг иссиғи кўтарилиб, дағ-дағ қалтирай бошлади.

Буни кўриб ваҳимага тушган домланинг рафиқаси Қурол дўхтирнинг уйига чопди...

Шу оқшом “Тез ёрдам” бутун бадани ўтдай ёниб, ўзи алаҳсирай бошлаган Элмурод домлани вилоят марказидаги шифохонага олиб кетди...

#### IV

Орадан икки ҳафта ўтди.

Элмурод домла қишлоққа бир кўйлагининг енги бўш ҳолда қайтиб келди...

Кузга бориб Элмурод домла дарвозани ярим пулига бир амаллаб сотди ва уста ёллаб, бир хонали ҳужра қурдириб олди. Қиш ўтиб олсин-чи, кейин бир гап бўлар...

Айтишларича, шу кунларда Элмурод домла дўкондан ярим кило мих харид қилсаям чекини талаб қилиб олишни унутмас экан: ҳар эҳтимолга қаршида, мабодо текшириб келиб қолишса, “мана, ҳаммаси қонуний” деб кўрсатиш учун...

## БАНДИ

Асрорқул у ёқда-ю, бу ерда уйдагиларининг бўлари бўлди. Болалар номус қилганларидан етти маҳалла наридаги мактабга қатнай бошлашди. Муниса маҳалла-кўйга аралашмай кўйди. Шу оила қийналиб қолди, моддий ёрдам берайлик, деб маҳалла оқсоқоли уч-тўрт марта одам юборди, лекин Муниса бирон марта идорага бормади, ариза ёзиб ҳам бермади, бунинг ўрнига уч жойда фаррош бўлиб ишлади...

Асрорқул беш йилни уч йилда тугатиб келди. Яхши ишлагани эвазига.

Маҳаллада гап ётармиди: уйига атай тун қоронғусида кириб келган бўлса-да, тонгга борибоқ ўғрилиги учун қамалган Асрорқулнинг қайтганидан деярли ҳамма хабар топиб улгурди.

...Чошгоҳ маҳал Асрорқул ошхонага ўтди, дастурхондаги қуруқ нон-чой, шакардан озгина тотинган бўлди. Иккинчи ишидан қайтган Муниса ҳовли четига супурги билан пақирини кўйгач, белини ушлаб туриб қолганини кўрган Асрорқул шошиб унинг ёнига чиқди.

– Яхши келдингми, аяси. Чарчамадингми?

Муниса ўзини мажбурлаб жилмайди:

– Чарчаш қаёқда... Айтгандай, дадаси, эрталаб Назира опани кўриб қолгандим. “Элга ош бермайсизларми?” деб қолди. Нима, шунақа удум борми?

– Қайси Назира опа? – Асрорқул қарши тарафдаги ҳовлига ишора қилди: – Қўшнимизми?

– Ҳа. Ўзи... сиз кетгандан бери ҳар кўрганида “Уйингни бизга сот” деб бошимни қотиргани камдай...

– Мунис, мен курортдан қайтганим йўқ. Бунақа удумни ҳам эшитмаганман. Мен элга ош беришни эмас, сизларнинг ортиқча қийналмасликларингиз учун нима қилишни ўйлаяпман.

– Эсон-омон келдингиз, шунинг ўзи биз учун... – кўзлари жиққа ёшга тўлган жувоннинг товуши титраб кетди.

Асрорқул ўтган уч йил ичида бирдан қаримсиқ бўлиб, чўкиб қолган хотинининг елкасидан қучди, ғадир-будир бўлиб кетган кафтларини силади:

– Мен... у ёқдан бошқача одам бўлиб қайтдим...

Сен бор, болаларим бор... Қадрларингга етадиган бўлиб қайтдим... Энди ҳаммаси бошқача бўлади, Мунис. Мана кўрасан. Ўйлаб кўйган режаларим бор.

Шу сўзларни айтгач, Асрорқул нимагадир аҳд қилгандай шахд билан дарвоза томон юрди. Муниса ҳайрон бўлиб сўради:

– Йўл бўлсин, дадаси?

– Бозорга бориб, тез қайтаман. Мана кўрасан, янгича ҳаётимизни хурсандчиликдан бошлаймиз.

Хотини ҳали бирон нима сўраб улгурмасидан Асроркул кўчага чиқди ва атрофга аланглади.

Ана, ён қўшниси Файзулла домла оппоқ “Нексия”сида дарвозаси тагига келди, машинадан тушди ва ўзига салом бериш учун қўлини кўксига қўйиб турган Асроркулни кўрмагандай бўлиб ичкарига кирди-кетди. Изза бўлган Асроркул оғир нафас олди.

\* \* \*

Орадан бир ош пишгулик фурсат ўтди.

Ўз-ўзидан мийғида илжайиб қўяётган, иккита катта-катта сумка кўтарган Асроркул кўча бошида пайдо бўлди.

Дарвозаси ёнида, “Нексия”си капотига суяниб, қўлларини кўкрагига чалиштирганча ғўдайиб турган Файзулла уни кўрди-ю, бирдан қутуриб кетди:

– Ўлдираман!

Файзулла машинаси ўриндиғи ёнидан бейсболчиларниқига ўхшаш таёқни олганча Асроркул томон чопди. Шу ёққа қараб учиб келаётган қўшнисининг кўринишидан ажабланган Асроркул ҳар эҳтимолга қарши салом бериб қўймоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, аммо улгуролмади. Кўзи қонга тўлган Файзулла таёқни ҳамсоясининг бошига туширди. Бунақа зарбани кутмаган Асроркул қалқиб-гандираклаб кетди, иккала қўлидаги сумкалар ичидаги егуликлар, мева-чевалар, совға-саломлар ҳар томонга сочилди. Асроркулнинг калта сочлари орасидан қон сизиб чиқди.

– Ифлос! Ялангоёқ!..

Файзулла чўк тушиб қолган Асроркулни ураверди, ураверди.

Шовқинни эшитганми, Асроркулнинг уйи дарвозасидан шошиб чиққан Муниса калтакланаётган эрини кўрди. Даҳшатга тушган жувон чинқириб юборди:

– Дадаси!!!

Қонга, чанг-тупроққа беланган Асроркул ер билан битта бўлиб ётарди. Муниса ўкириб йиғлаганча учиб келиб ўзини эрининг устига ташлади. Қўни-қўшнилardan айримлари уйларида чиқиб кела бошлашди.

– Дадаси! Дадажониси!..

Хириллаб қолган Файзулла бақирарди:

– Ўғри эдинг, ўғри бўлиб қолибсан, Асроркул!

Асроркул қаддини тиклашга уринди, синган тишини туфлаб ташлаб, аранг гапирди:

– Қандай? Нима ҳақингиз бор?..

Унинг кўкрак чўнтагидан салафан халтачага солинган тилла сирға тушди. Файзулла сирғани олди, нархини кўрди, қўни-қўшниларга кўрсатди:

– Янги. Менинг пулимга келган бу!

Муниса эзилиб йиғларди:

– Дадаси... дадажониси... Нима қилиб қўйдингиз...

– Мен ўғри эмасман... ўғри эмасман... – хотинига қараб ёлвориб-энтикиб шивирлади Асроркул.

Файзулла Асроркулнинг бошқа чўнтақларини тинтиб-ағдариб чиқди:

– Қани? Қолгани қани?

Аммо бир-иккита майда пулни айтмаганда, барча чўнтақлар бўш эди.

Қўшнилари афсусланиб бош чайқашди:

– Одам бўлмапти бу... Ўрганган кўнги... Бу нақаларга уйдан қамоқ яхши-да... Эгри таёқ бариб эгрилигича қоларкан...

Асроркулга тикилганча ўйланиб қолган Эркин ота сўради:

– Ишқилиб, адашмаяпсанми, домла?

Файзулла нафрат билан лабини жийирди:

– Ўзингиз ўйланг, кеча уч йиллик қамоқдан келган банда бугун бозор-ўчар қилишга жўнаб қолиши мумкинми?

– Бу топишмоқми?

– Йўқ, воқелик. Шафқатсиз ва разил воқелик.

Дарвоқе, ярим йилча коллежда дарс берган, сўнг бозорга чиқиб кетган бўлса-да, “домла” лақабини ортиришга улгурган Файзулла тилини бураб, оҳанжама билан гапиришни ўхшатарди.

– Тушунтириброқ гапирсанг бўларди, Файзулла.

– Бу ерда тушунтирадиган нарсанинг ўзи йўқ, отахон. – Сирғани чўнтагига солиб қўяётган Файзулла Асроркулга ишора қилди: – Ўғри яна ўз ишини қилди. Мен яна бир марта инсон зотиға нисбатан бўлган ишончимнинг қурбонига айландим. Ишдан қайтганимда у эшигининг олдида менга кўзини лўқ қилиб қараб турганди. Кўнглимга ҳеч нарса келмай, уйга кириб кетаверибман денг. Қайтиб чиқсам Асрорқулам йўқ, бардачоғимдаги пул ҳам. Мен лақма ўз кўзим билан кўрдим-у буни, яна эътибор бермапман. Каллам курсин-а, каллам!

– Машинангни қулфламаганмидинг?

– Отахон, одамни хафа қиялпсиз. Айримлардан фарқли равишда, мен маҳалламда ҳеч қачон машинангни қулфламайман. Мен одамларга ишонман.

– Балки бошқа биров олгандир, – иккиланиброқ мулоҳаза юритди Эркин ота.

– Келиндан Асроркулни сўрадим. “Бозорга кетдилар”, деб турибди без бўлиб. Балки эр-хотин шерикликда...

Эркин отанинг жон-пони чиқиб кетди:

– Файзулла! Келинни тинч қўй! Асроркулнинг аёли кўчада бир сўм кўриб қолса олмайдиғанлардан.

Бунга жавобан Файзулла пишқирди:

– Балки бир сўмни олмас, лекин миллионни олади. Олади!

Мана шу ғала-ғовурда кўпчилик уй ёнига келиб тўхтаган такси машинасига аҳамият бермади. Ундан тўлиб-тошиб тушган Файзулланинг рафиқаси Назира одамларга ажабланиб қаради, сўнг эрига ўғирилди:

– Дадаси, тинчликми?

Файзулла Асроркулга ишора қилди:

– Манави аблаҳ машинадан боримни шилиб кетиб, бозорда ялло қилиб келибди...

Назира каловланиб бир эрига, бир Асроркулга қарагач:

– Шунақами... – деб қўйди, кейин Файзуллага қўлидаги сумкаларни тутди: – Буларни опкириб беринг... мазам бўлмаяпти...

Файзулла индамай хотинининг сумкаларини ҳовлига олиб кирди, унинг ортидан қадам қўйган Назира эшикни зичлаб ёпди ва ваҳима ичида пичирлади:

– Вой, дадаси, машинадаги пулни мен опкетгандим-ку!

Буни эшитиб, Файзулланинг ранги бўзарди:

– Нима?!

– Кеча айтувдим-ку бозор-ўчар қиламан деб... Етти юз мингмиди? Ҳаммасини ишлатиб келяпман...

Файзулла лол бўлиб қолди, сўнг бир муддат пешонасини эзгилаб тургач, негадир шивирлашга ўтди:

– Бўпти, дамингни чиқарма... Бу ёғини ўзим ҳал қиламан!

– Хўп, дадаси, хўп.

Файзулла қайтиб кўчага чиқди, чўнтагидан сирғани олиб Асроркулга тутди:



– Ма, ол. Майли, неча йиллик қўшничилигимиз хурмати, мелисага топширмайман. Лекин билиб қўй, агар бу йўлдан қайтмасанг, бугун бўлмаса эртага бирибир қўлга тушасан. Ҳаммаям сенга Файзулла эмас!

Қўшнилари нинг ҳайратли шивир-шивирлари эшитилди:

– Қойил!.. Ҳақиқий эркак шунақа бўлади!.. Беш кетдим!..

Эркин ота ҳам енгил нафас олди:

– Бор экансан-ку, домла.

– Лекин, ука, – гапида давом этди Файзулла, – кичкинагина шартим бор.

Асрорқул унга меровсираб қаради.

Эркин ота безовталаниб қолди:

– Ишқилиб, уловидан тушови қиммат эмасми, домла?

– Емоқнинг қусмоғи ҳам бор-да, ота... Хўп, эшит.

Шартим шуки, бугуноқ кўчиб кетасан. Бизга бутун маҳалланинг юзини ерга қаратадиган тиррақи бузоқ керак эмас. Уйингни бегона қилмаймиз, ўзим оламан, бозорга чиқиб, оворайи сарсон бўлиб юрмайсан. Шунда машинадан ўғирлаган уч миллион сўмимни сенга уй учун берган бўламан. Қолганини савдолашамиз. Агар шартимга кўнмасанг, милисага ёзиб бераман, ана унда ҳам шармандаи шармисор бўласан, ҳам қолган умринг қамоқда чирийдим!

Асрорқул бу гапларни эшитмагандай қон оқаётган чаккасини ушлаган кўйи ғалати хотиржамлик билан ўрнидан турди. Қалт-қалт титраётган, юзи қорайиб кетган Муниса унга кўмаклашди. Эр-хотин бир-бирларини суяганларича уйлари томон юришди.

– Сукут аломати – ризо! – тантанали равишда эълон қилди Файзулла. – Айтдим-ку, ўзимиз келишиб оламиз деб... Қўшнилари, сизлар гувоҳсизлар. Лафз ҳалол! Тўғрими?

– Тўппа-тўғри!.. Яшаворинг, ота ўғил!.. – деган хитоблар эшитилди.

Фақат нималарнидир ўйлаб қолган Эркин ота жим эди.

Файзулла мамнун илжайди.

\* \* \*

Бу орада эр-хотин уйга киришди. Асрорқул сўригача амаллаб етиб олди-ю, одми дастурхон ёнига тўшалган кўрпачага ўзини ташлади. Муниса сув олиб келишга чоғди.

Хотини юз-қўлидаги қон доғларини юваётган маҳал Асрорқул қийналиб бўлса ҳам гапириб қолди:

– У ёқда... ойлик беришарди. Ишбай. Мен икки сменалаб ишладим. Йиғилиб турган экан, қайтаётганимда беришди. Шунга сенга, болаларга совғасалом оламан, бир хурсанд қиламан деб бозорга боргандим. Уч йиллик орзуйим эди бу. Эсон-омон қайтсам-да, билдирмасдан бола-чақамга, хотинимга яхши-яхши нарсалар олиб келсам дердим... Мана, совғаям ўхшамади.

Асрорқул чўнтагидан тилла сирғани олиб, хотинига тутди. Пиқиллаб йиғлаб юборган Муниса сирғани лабига босди:

– Бу... мен учун дунёдаги энг қимматбаҳо, энг азиз совға, дадаси.

Асрорқул хўрсинди:

– Болаларга аталган совғаларнинг... мева-чева-ларнинг... эзилгани чатоқ бўлди-да.

– Нарсалар бош-кўзингиздан садақа, дадаси.

Кўзлари намланган Асрорқул хотинининг елкасидан кучди:

– Биз бахтли бўламиз, жоним...

Дарвоза кўнғироғи жиринглади. Сесканиб кетган эр-хотин бир-бирига қарашди.

– Ўзим...

Текис йўлда қоқилиб-суриниб кетаётган муштдек кина Муниса бориб эшикни очди.

Остонада Файзулла ўшшайиб турарди:

– Чақир эрингни, уй масаласида келдим...

Муниса аввал чинқириб, кейин инграб юбордими ё аввал инграб, кейин чинқирдими – англолмай қолган Асрорқулнинг қўли ўз-ўзидан дастурхон четидаги ўтмас пичоққа югурди...

## БОЙ

### I

Оддийгина кўклам кунларидан бирида Ўзбековул чўпонсиз қолди. Гап шундаки, йигирма йил мобайнида бу касбни ҳалол ва беминнат адо этиб келган Норбой бобо туман ижтимоий таъминот бўлимига қатнай-қатнай, ахийри бир амаллаб қариллик нафақасини тўғрилаб олди-ю, ўзининг ҳам роса жонига тегиб юрган эканми, кўк хангисини шу куннинг ўзида арзон-гаровга сотиб юборгач, энди кўликсиз қолганини, яёв юрса оёғи оғришини рўқач қилганча, “ола таёғимни кимга берсаларинг бераверинглар, бизники энди бўлди”, деган қатарий қарорини эълон қилди.

Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ. Шу кунга до-вур аксарият раият “сенам одаммисан” дегандай андак юқоридан келиб қарайдиган, тўй-маъракаларга, кўноқлар олдиғаям чақирилавермайдиган, байрамларда йўқланмайдиган Норбой бобонинг қадри бир кунда билинди-қолди.

Ям-яшил қирда молларни сурнай чалиб боқиб юрадиган, чўпонлик таёғини фахр ила ўз сулола-

си вакилига топширадиган чўпон фақат киноларда, тузсиз телекўрсатувларда ёинки бачкана газета мақолаларида бўлади. Воқелик эса сал бошқачароқ. Чунончи, Ўзбековулда мол боқиладиган майдон тобора камайиб бормоқда, бу эса чўпоннинг бошига ит азобини соладиган даражадаги муаммоларни қалаштириб ташламоқда эди. Мисол учун, кейинги уч-тўрт йил ичида далага адашиб кириб кетган мол ҳеч қандай гап-сўзсиз сўйилиб, гўшти давлат ҳисобига ўтказиб юбориларди. Табиийки, бу мол учун жавобгарлик чўпоннинг зиммасида. Ана энди жанжални кўринг. Эгаси “Тўла!” дейди, чўпон ўзини айбсиз қилиб кўрсатишга уринади. Бунақанги бошоғриқлар истаганча, ҳатто керагидан ортиқ даражада топилади...

Хуллас, қишлоқни кунига бир чимдим бўлсаям кўк ўт еб, қуруқ ўт-сомондан чиқиб кетган молларнинг аянчли ўкириши тутиб кетди. Не-не келинчақлар ўроқни қўлтиққа қисиб далага жўнаворишган, эгилиб бир тутам ўт юлиб келишни ўзига ор санаган не-не эркаклар уйларидаги заифаларининг аччиқ-тизиқ таъ-

на-дашномларига чидай олмасдан чопоннинг барини қайирганларича чойхонага қочиб чиқишган...

Ҳар не бўлса-да, ушбу мушкул вазиятдан чиқиб олмоқнинг йўлини қидирмоқ ва топмоқ жоиз эди. Ёшлар таёқ кўтариб, “оши ҳалол” йиғиб юришдан ор қилишади, кексаларнинг эса барисига вазифа тақсимланиб бўлинган: ким жарчи, ким даллол, ким ёзғувчи, ким битмайдиган жойниям битириб қайтадиган совчи, ким элликбоши...

Чойхонадаги йиғин эрталабдан то намозшомгача давом этди. Бировлар номзод кўрсатишдан чарчамади, бошқалар эса минг бир асосли далиллар билан уларни рад этишдан. Ҳалиги, ўз номзодини қайтиб олувчилар бор-ку, уларнинг сони ҳам ўн бешларга бориб қолди-ёв.

Алоҳа, бешинчи марта қайнатилган улкан самовар бўшаши арафасида аксарият яқдил бир тўхтама келдики, чўпонликка Абдирайим қаттиқнинг кенжа ўғли Хўроз духёлдан муносиб одам йўқ!

Тўғри, аввалига Абдирайим тоғанинг ўзи қаттиқ оёқ тираб туриб олди. Лекин совчиликка боравериб, тили ипақдай эшилиб кетган Эшвой мерганнинг сўзамоллиги шу ерда қўл келди.

– Менга қара, Абдирайим жўра, – деди мерган салмоқланиб. – Овулда камида икки юзта қорамол бор. Ҳа, ана, катталарники шулардан қирқтаси дейлик. Шундаям бир юз олтмиштаси қолади. Нархни оширсанг ҳам ойига икки қоп уннинг пули шундайгина кисангга тушиб турибди-да. Икки қоп ун-а!..

Мерганнинг чуқур мулоҳазали нутқи, айниқса икки қоп ун борасидаги ҳисоб-китоблари охир-оқибат Абдирайим қаттиқни таслим этди.

Йиғин тугаб, мушкул вазифани шараф ила адо этганидан мамнунлик туйган овул фаоллари кўкракларини керганларича уй-уйларига тарқалишаркан, биз фурсаддан фойдаланиб, воқеамиз қаҳрамони бўлмиш Хўрозкул хусусида мухтасар маълумот бериб ўтсак.

Вақтида тўйларда ароқ тўла косага нон тўғраб ейиши билан машҳур бўлган Абдирайим қаттиқнинг кенжа ўғли ақлан сал заифроқ бўлиб ўсди. Овулимизда “довдир, меров”, қисқаси, “жинни” маъносини билдирадиган “Духёл” лақаби ҳам Хўрозкулга шу сабабли тақалган. Болапақир мактабниям ёлчитмади. Бир амаллаб хижжалаб ўқишни, пул санашни ўрганиб олгач, учинчи ё тўртинчи синфдайди шекилли, хуллас, мактаб билан хайр-маъзурниям насиё қилганча ота кўрсатмасига биноан ўзини уй ишларию томорқа парваришига урди. Шундан буён “фақир киши панада” қабилида эл кўзидан йироқда, жимгина кунини кўриб юради.

Хўрозкул ёш болалар учун яхшигина эрмак эди. Тез-тез шумтакалардан биронтаси деворга чиқиб олиб, ҳовлида тимирскиланиб юрган қаҳрамонимизга қарата “Хўро-оз!” деб қичқириб қолса, Хўрозкулимиз дарров шу тарафга ўгирилди-да, худди ош еяётгандай, ўнг қўлининг бармоқларини жуфтлаб, катта очилган оғзига олиб борганча айлантираверарди. Мабодо чақирувчи яна бир марта “Хўро-оз!” деб қолса борми, тамом, қаҳрамонимиз буткул жўшиб кетганча, энди қолган беш бармоғиниям оғзига яқин олиб борганча айлантираверарди, айлантираверарди. Орадан не фурсат ўтиб, машғулотини тугатгач эса, зўр ишни уйдалаб, энди қонуний олқишини кутаётган болакайдай иршайиб тураверарди.

Ушбу нақлимиз муқаддимасида ё ўн тўққиздан йигирмага, ёинки йигирмадан йигирма бирга ўтган Хўрозкулимиз шунақа бола эди.

Овул фаоллари йиғинида балки қаҳрамонимиз исми мутлақо тилга олинмаган ҳам бўларди. Бироқ, тасодифни қарангки, бир ойча бурун, тўппа-тўсиндан Хўрозкулнинг исми жуда машҳур бўлиб кетганди. Ўзбековулнинг бош ҳисобчиси Зиқир тирриқнинг хотини Гулафзал чеча қўшни қишлоқдаги опасининг уйдан мўлжалига қараганда икки кун эртароқ қайтади ва “Марказга бир ҳафтага ҳисобот топширишга кетаман” деган эрини уйда, яна бегона бир аёл билан бемалол ошхўрлик қилиб ўтирган ҳолда кўради. Хотинининг айюҳаннос солиб, меҳмоннинг юзини тимдалашга чоғланаётганини кўрган ҳисобчи жон ҳолатда орага тушиб, шошганидан бўлса керак: “Бу меники эмас, буни мен Хўрозкулга обкелдим!” деб юборади...

Шу-шу, овулда бирон бегона қиз-жувоннинг шарпасини илғаб қолишса бас, одамлар: “Бу хоним Хўрозкулга тегишли-да!” дея қочириқ қилишга тушардилар.

Ҳар ёмоннинг бир яхши томони бор, деб бежиз айтишмаган. Табиат қаҳрамонимизни ақлдан қисгани билан куч-қувватдан роса сийлаганми ёхуд бола бечора ҳовлида тимирскиланиб юравериб сиқилиб кетган эканми, ишқилиб, кенг далага чиқди-ю, орқаси ер искамайдиган бўлди. Итда тиним бор, битда тиним бор, ҳа, ана боринг, қурт-қумурсқаю қуш-даррандада тиним бор, бизнинг Хўрозкулда тиним йўқ. Пичоқда ўхшатиб ишлов берилган ола таёғини елкасига ташлаб олганча гоҳ поданинг бошида пайдо бўлиб қолади, гоҳ охирида, гоҳ ўртасида... Ҳатто тол туш палласиям сигирлар яйдоқ далада эринибгина кавш қайтариб ётган маҳал уларнинг орасида чўпонимиз калити бураб қўйилган кўғирчоқдай питирлаб юрганини кўриш мумкин эди.

Аҳли овул: “Ниҳоят чўпонга ёлчидик-да!” дея енгил нафас олди. Ҳайтовур, бу ёқда раият хурсанд, у ёқда ойига икки қоп уннинг пулини қуртдай санаб олаётган Абдирайим қаттиқ; орада Хўрозкулимизга ҳам у-бу томиб туради шекилли, кунда-кунора ўн бармоғини оғзида айлантеририб, минг қўйли бойдай иршайгани-иршайган...

## II

Камдан-кам учрайдиган воқелик, яъни ҳар учала томон ҳам бир биридан ризолик туйиб, аҳил-тотувликда кечирилаётган кунларнинг бирида ошдан тош чиқиб қолди.

Буни энди тўппа-тўсиндан “тош” деб ҳам атаб бўлмайди. Дейлик, даставвал юмшоққина бир нимаиди, бора-бора қаттиқлашди, ниҳоят тошга айланди...

Халқ, бари бир, доно-да. Бундай пайтлари содагина қилиб: “Кўрмаганнинг кўргани курсин”, дейди-қўяди. Жуда тушунмасангиз, “Етишган етти иштон кийибди” деб қўшиб қўяди.

Ким эканлигини энди ҳеч бир ўзбековуллик аниқ айтиб беролмайди, ҳар қалай, молини текин боқтирадиган раҳбарлардан бирови бўлса керак, эрталаб подага молларини қўшишга олиб чиққан маҳал жафокаш чўпонимиз шаънига бир-икки мақтов сўзларини айтиш ва унинг елкасига оталарча ғамхўрлик ила қоқиб қўйиш билан кифояланмай, қўлига битта илвираб қолган бир сўмликни тутқазди.

Хўрозкулнинг денг, боши осмонда, тилла топган гадодай, кўринганга бир сўмлигини кўз-кўз қилиб, ир-

шайгани иршайган. Ҳар қалай, ойлик пулни отаси йиғиб олиши сабабли, қўли пул кўрмай юрган-да бечора.

Ҳай, майли, кўнгил-да; ушбу ҳодисот балки ўз-ўзидан унутилиб, барҳам ҳам топиб кетарди, аммо саҳий амакимиз чоғроқ бир даврада ўз хотамтойлигини писанда қилиб ўтишни уддалайди. "Шу-у, – дейди амаки салмоқлини тебранаркан, уч-тўрт бор машқ қилиб, роса ҳадисини олган мурувваткорона оҳангда, – анчадан бери Абдирайим қаттиқнинг чўпон улига ҳар куни уч-тўрт сўмдан бериб тураман, барака топсин, болапақир биздинг сийирларди бир бошқача тўйдириб, сағринини ялтиратиб қайтади-ей. Билмадим, уккағар, ем-пем берадима?.. Отасига раҳмат аммо-лекигин!" Албатта, раҳмат аслида кимнинг бузрукворига қаратилгани хусусида баҳслашишимиз мумкин. Ва-лекин, ўтлаб кетишдан ўзимизни тийиб, воқеанинг мухтасарроқ баёнига ўтадиган бўлсак, қўпол бир нақл бор-ку: "Қўшнингнинг хотини қиз кўринади", деган, ана ўшанга ўхшаб, даврадагилардан бири қўйиб-бири олиб, ҳақиқатан-да саҳий амакининг моллари даладан қоринларини бошқача қаппайтириб қайтиши, елинлари бошқача тирсиллаб туриши хусусида ўзларининг "Гап бу ёқда экан-да" қабилдаги мулоҳазаларини тўкиб солишга шошдилар.

Ушбу мусоҳаба ҳосиласи сифатида ярим кечаси кимдир исириқ тутатиб, моллари бошида айлангириб юганини ҳамда эртаси куни Хўрозқулимизнинг қўлига нақд етти сўм тушганини қайд этиб ўтмоғимиз жоиз. Етти сўм-а!

Айниқса, саҳий тоғалардан бири гуриллаб: "Бешни ташла! – дея чўпонимизнинг кафтига қарсиллатиб ураркан, – шундай пуллардан бир қопини йиғсанг, зўр хотин олиб бераман!" қабилда ваъдани қуюқ қилиб юбориши воқеамизни тадрижий ривожланишдан олиб, жадаллаштиришнинг қия сўқмоғига солиб юборди.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас Хўрозқулимиз молини подага кўшишга ҳайдаб чиққан ҳар бир овулдошимизнинг қўлига суқланиб қарайдиган одат чиқарди. Энг аянчли ҳамда кулгули томони шунда эдики, ўша одам бир сўм ёки уч сўм берса-берди, бўлмаса... тамом деяверинг. Қўли қисқалик қилганми, хасисликми – бунинг фарқи йўқ. Ит тинади, бит тинади, қурт-қумурсқа тинади, куш-дарранда тинади – бизнинг Хўрозқул тинмайди, ола таёғини азот қатарганча айнан ўша пул бермаганларнинг молини тирқиратиб қуваверади, қуваверади. Шўрлик тилсиз жониворлар ҳалоллаб на бир тутам ўт ея олади, на бир қултум сув ича олади – балои қазодай қайдандир этиб келган Хўрозқул таёғи билан оч биқини аралаш бош-кўзига аямай ураверади... "Хасис" моллар думини хода қилиб у ёққа қочади, бу ёққа қочади, кечкурун қорни қапишган, кўзидан ёш оққан, сулайган, йиқилгудай аҳволда тентираганча бир амаллаб ҳовлисини топиб келади. Ана шундан кейин ҳам молига жони ачиган киши киссасини кавламай кўрсин-чи.

Ахир, эл барибир доно-да. Ўшатиб, топиб айтган: "Аҳмоққа закун йўқ". Қани, овулдан қайси мард Хўрозқул билан тенг бўлади, ким у билан олишади? Ахир, аслини олганда у ҳали бола-ку! Бунинг устига ҳалигидақа! Одам деган сал бағри кенгроқ бўлиши керак-да! Қўйинглар, ундан кўра беринглар ўша эл қатори атаганларингни, қулоғимиз тинч бўлсин, молимизам...

Алқисса, йиғила-йиғила бир сўмлик-уч сўмликлардан бир ун қоп тўлди. Хўрозқул хотин борасида доно

маслаҳат берган тоғасини етаклаб борди-да, хазинасини кўрсатди. Донишманд тоға сарғайган мўйловини силаб бир чуқур ўйларга толди, сўгин, нечукдир янги хром этигида қопни уч-тўрт бор тегиб кўриб, неларнидир чамалади. Алоҳа, жамғармадан бир қисим олиб, кител шимининг чуқур чўнтагига соларкан: "Бу тоғабаччаларингга", дея изоҳ берган бўлди-да, ниҳоят жиянига иккинчи қимматли маслаҳатни берди: "Жиян, йиққанинг қалин пулига етсаям катта гап. Тўй бор, сарпо-парпо дегандай. Хотин оламан десанг, сен энди ўнталик, йигирма бешталик пулдан йиғ!"

Айтилган сўз – отилган ўқ. Оқил жиян иршайиб кулди. "Жияман!" деди. Жийдиям!

Мана шунда Хўрозқулимизнинг хотираси фавқуллодда кучли эканлиги яна бир бор аён бўлди-қолди. Яхшиям, овул аҳли бахтига ўша кунлари пул сал қадрсизлана бошлаганди, лекин шунга қарамасдан бир сўмгинани топишнинг ўзи осон эмасди. Шунинг учунми, Хўрозқул сал инсофга келиб, пастроқ тушди ва худонинг берган куни эмас, ҳафта-ун кунда мол эгаларидан ўн сўмлик, йигирма беш сўмлик кўринишидаги солиқ олиб турадиган бўлди. Сиз агар Хўрозқулимизнинг яйловда қайси ҳўкиз ёки сигирни тирқиратиб қувиб юганини кўрсангиз, билаверингки, ўшаларнинг эгаси ўн кундан ошиб кетсаям чўпонимизнинг "законий налуғи"ни тўламаган бўлиб чиқади.

Янглишиш ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Эл адашса адашар, лекин бизнинг Хўрозқулимиз адашмасди...

Йил охирига бориб овулда боқувга олиб чиқиладиган моллар туёғи деярли икки баробарга камайиб кетди. Хўрозқулнинг кўнглини овлашдан чарчаган ёки бунга қурби етмай қолганлар аста-секин молларини уйда боқишга ўтдилар.

Худди ўша кунлари мен ғалати бир хабар эшитиб қолдим. Айтишларича, Хўрозқул судхўрлик қила бошлабди, яъни баъзи овулдошларига устамаси билан қайтариш эвазига қарз бера бошлабди. Элчилик, бунақа одамлар ҳамиша чиқиб туради: кимнинг тўйи бор, кимнинг маъракаси.

Аввалига бу гапга ишонмадим. Аммо Норкул бригадир кўпчиликнинг олдида кўзларини катта-катта очганча:

– Абдирайим қаттиқнинг улидан бир ойга ўн минг олиб, ўн бир минг беш юз қилиб қайтардим, – деб тургандан кейин ишонмай қайга ҳам борардим.

Энг қизиғи, Хўрозқулнинг пулни тийин-тийинига қадар аниқ санаши, фоизни ҳам тўппа-тўғри ҳисоблаши, асло адашмаслиги, бу борада унча-бунча ҳисобчиларни ҳам йўлда қолдириб кетиши ҳақидаги гап-сўзлар эди.

Очиғи, бу гапларга унчалик парво қилмадим. "Болапақирнинг иккинчи истеъдоди очилибди-да", деб қўя қолдим. Бунинг устига воқеалар тафсилоти билан тўлиқ танишиб ўтиришга фурсатим ҳам бўлмади: армияга кетдим.

### III

Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Таътилга қишлоғимга келдим.

Тошкент аэропортидаги таксичилар ўртасида мисли кўрилмаган талаш-тортишиш, силтовлар, дўқ-пўписалар, олиб қочиб кетишлардан бир амаллаб асраб қолган катта жомадоним ёнимда. Кайфим чоғ.



Уддабурон таксичи акамиз ҳам магнитофонни варанглатиб қўйган.

Туман марказидан ўтиб, овулга қайрилиш йўлидаги усти ҳали-ҳамон ёпилмаган ночоргина бекатда қаққайиб турган Норкул поччамни кўриб қолиб, машинани тўхтатдим.

Поччам билан кучоқлашиб кўришдик.

Машинага ўтирдик. Қариндош-уруғларни, уйдагиларни сўраб чарчамайман, поччам жавоб бериб.

Хатто мана шу чанг кўчалар ҳам одамнинг кўзига иссиқ кўринаркан.

Овулга яқинлашган маҳалимиз кўзларимга қалққан қувонч ёшларини яширинча артиб олдим.

Поччам ёнбошида турган тугунчани олдинги ўриндиққа қўйди.

– Магазиндан озроқ соримой обидим. Эриб кетмасин.

Мен кулдим:

– Қишлоқда яшаб туриб, дўкондан сарёғ сотиб олгандан кейин...

Шу пайт бизни оппоқ "Волга" қувиб ўта бошлади. Бундай разм солсам, рулда сулуvgина жувон. Чангда қолган машинамиз секинлашгач, ҳазиллашгим келди:

– Ўҳ-ҳў, қишлоғимизда янги қиз пайдо бўптими? Хойнаҳой, Хўрозкулга тегишлидир?

Назаримда, бу гап билан мен ҳалиям овулни хатто майда-чуйда гап-сўзларига қадар унутмаганимни, соғинганимни таъкидлаб ўтмоқчийдим. Аммо оғзининг таноби қочиб ўтирган поччам бирдан безовталаниб, у ёқ-буёғига қаради, сўнг жиддий тортиб, тасдиқ маъносиде бош қимирлатди ва ҳурмат-эҳтиром билан деди:

– Ҳа, ҳа, Хўрозбойнинг иккинчи хотини.

– Ие, – кулоқларимга ишонмадим мен, – Хўрозкул қачондан бери қўшхотинли бойга айланиб қолди?

– Анчадан бери, – синиқ кулимсиради поччам.

Сўнг хўрсиниб қўйди. – Умуман, укам, сен қишлоқда бир йил бўлмадинг. Бу орада кўп нарсалар ўзгариб кетди.

– Овул жойидами ахир?

– Худога шукр, жойида... Энди, ука, мен шу ерда тушиб қолсам.

– А?

Поччам кўзларини олиб қочди:

– Суюнчини таксичи акам олар. Мен шу ерда тушиб қолай.

– Почча, янги уй олдиларингизми?

– Йўғ-э!

– Ҳамсоя эдик шекилли?

– Ҳа, энди... Бўлмаса, ука, нима десанг де, лекин аввал Хўрозбойникига кириб...

– Қаёққа?

– Хўрозбойникига. Уйиям шундай йўлнинг бўйида.

Шундай-шундай, армиядан келаяпман, дегандай...

Назаримда, поччам мени мазах қилаётгандай эди.

– Нима, у суюнчи бергич бўлганми?

– Энди, ука, – типирчилаб қолди поччам, – шундай кириб, арзимаган бир-иккита нарса совға қилсанг...

– Кимга? – тамоман гарангсиб қолдим мен.

Поччамнинг жаҳли чиқди:

– Айтдим-ку, Хўрозбойга деб!

– Нега энди? Армияга у мени юборганмиди?

– Нега, нега, дейсан-а! Айтдим-ку, овулда кўп нарса ўзгариб кетган деб.

– Нима ўзгарган ахир?

– Кўп нарса, – дея жеркиб берди мени поччам. – Сен ҳали ёш боласан.

– Хўрозкулдан катта эдим шекилли?

Поччам чидай олмади – тамомила бўғриқиб кетди:

– Ҳой, ука, шундай кириб, хизматдан отпуссага келдим, бизга нима хизмат бор, деб бир оғиз айтиб қўйсанг, нима, бир жойинг камайиб қоладими?

– Почча, мени мазах қилаяпсизми?

– Уф-ф! Нега тушунмайсан-а?! Чулчитмисан нима бало?!

– Бундай тушунтириб гапиринг-да бўлмаса!

– Тўхтатинг мошинани! Ака, илтимос... Гап шу: ё ҳозир тўғри Хўрозбойникига борамиз, ё мен тушиб қолиб, яёв кетаман!

– Нега ахир, почча?

– Уф-эй! Қани, туш-чи бу ёққа.

Иккаламиз машинадан тушиб, йўлнинг бу чекка-сига ўтдик.

– Ука, – шу сўзни айтarkan, поччамнинг товуши титраб кетди. Ўзиям кичкинагина, муштипар одамга айланиб қолгандек бўлди. – Ука, беш-олти кун турарсан, ўзинг ҳаммасини тушунарсан, тушунмасанг, халтангни кўтариб армиянга кетарсан. Биз бу ерда қоламиз. Элда гап ётмайди. "Фалончи армияда ишлаётган қайниси билан келаётиб Хўрозбойнинг уйини босиб ўтибди", деган гап чиқса... менгаям яхши бўлмайди, сенгаям.

Мен чидай олмасдан баралла кулиб юбордим:

– Ё сиз жиннисиз, почча, ё мен. Ўлай агар бир нарсани тушунган бўлсам.

Поччам яна тутатиб кетди:

– Сен жиннисан! Ўша ёқларда стариклардан таёқ еявериб, сатрясена мазга бўлиб қолгансан!.. Эй, му-сулмон, ахир ўзбекчалаб айтаяпман, шундай кириб: "Хўрозбой ака..."

– Ака?

– Уф-ф! – йиғлагудай бўлди поччам. – Айтдим-ку, сен кетасан, биз қоламиз деб...

– Шунга нима бўпти?

– Нима бўпти дейди яна!.. Эртан Хўрозбой хафа бўлиб қарзини сўраб турса, емдан сиқса, майдан сиқса...

– Қанақа мой?

– Мой-да, оқ мой! Мойсиз овқат пишириб бўладима?

– Энди овқатга ўтдингиз, почча...

– Менга қара, тушунмаганингни кейин тушуниб оларсан. Ҳозир гапнинг қисқаси шу: ё мен билан Хўрозбойникига борасан, ё мен яёв кетаман! Агар ўзинг кетадиган бўлсанг, бир-биримизни кўрмадик, тамом-вассалом. Уйинга борганда қайтадан кўришаман.

– Йўқ, почча, – энди менинг қоним қайнай бошлади. – Ё сиз менга ҳозир ҳаммасини тушунтириб берасан, ё ҳозирнинг ўзида сизни зўрлаб мошинага тикаман-да...

Менинг ҳезланганимни кўрган поччам хавотирланиб орқага чекина бошлади.

– Жон ука, менинг бўлмаса опангнинг ҳурмати, Хўрозбойникига...

– Э, тупурдим ўшанингизга! Пишириб қўйибдим менга духёлнинг уйида!

Ранги кесақдай оқариб кетган поччам атрофга жовдираб аланглади.

– Бўлди-ей, биров эшитиб қолади!  
– Эшитса нима? Духёлни духёл дейман-да!  
– Бўлди, дейман! – поччам қошимга илдам келиб, атрофга олазарак аланглаганча пичирлаб гапира бошлади. – Ука, сенинг ўзи эсинг кўп-ку, тушунасан-ку барини. Биласан, аҳмоққа закун йўқ. Сен у билан тенг бўлма. Ўзи бир аҳмоқ бўлса.  
– Шу ўзимизнинг чўпон Хўрозқулни айтяпсизми?  
– Э, у ҳозир чўпон эмас, овулнинг энг бой одамларидан. Обрўли. Икки қаватли қаср қуриб олган. Иккита хотини бор. Биттасини ҳозир кўрдинг. Пул одамни ўзгартириб юбораркан... Фермани сотиб олган. Ем-пем, ўт-пўт – бариси қўлида. Магазинларнинг барини хусусийлаштириб олган... Хўрозбойнинг ўзи ёмон эмас. Яхши. Қарз сўрасанг йўқ демайди. Процентга беради. Фақат сал инжиқлиги бор. Обрўталаброқ. Эътиборни яхши кўради. Айтганини қилсанг сендан яхши одам йўқ. Яқинда банкда пул бўлмайд қолган экан, уч ойлигимизни ёнидан тўлади. Яхши одам... Сал инжиқлиги бор... Яхши гапни яхши кўради. Уч-тўртта калласи қизиган ёрдамчилари бор. Ушалар аҳмоқ. Саллани ол деса каллани оладиганлардан... Ўчакишиб нима қилдик... Шундай кириб, бир оғиз қиёмат қарз саломимизни бериб ўтсак бўлди-да. Хурсанд бўлади. Обрўйим бор экан, дейди... Айтдим-ку, арзимаган бир совға берсанг ҳам бўлади, деб... Жиянларга қолганиям етади... Ўйланма. Сен кетасан. Қасдига олса, хафа бўлса, қиёматгача эсидан чиқармас. Ем деб молни ҳаром қотирадиган бир нарсани ташлаб кетади. Магазинга бориб олиб: “Мунга мой берма, мунга ун берма...” деб туриб олади. Одамлар кулади, лекин бир нарса демайди. Қасдига олса, охири қишлоқдан кўчиб кетишга мажбур қилади...  
– Ўзбековулнинг мафиози экан-да, – дея истеҳзо қилишга уриндим мен.  
– Нима десанг де, ука... Энди, ўзи бир ақли заиф бечора-да. Уриб бўлмаса, сўкиб бўлмаса... Бўлмаса, ўзи яхши одам. Лекигин қасдлашиб қолса ёмон... Ке, қўй, ўшаминан тенг бўласанми. Ўзингни ўйламансанг бизни ўйла... Озгина бўлсаям қарзимиз бор... Қарзи бор одамнинг тили қисик бўларкан... Эртан бир кун

қайтиб кетсанг... Эсидан чиқармайди... Мени менсимади, беобрў қилди, деб... сомонхонамизга ўт қўйиб юборишдан ҳам тоймайди. Ишотлаб кўр-чи. Милиса чақирсанг, справкаси бор. Кейин... кўз кўзга тушади, ўзбекчилик...

– Нима қил дейсиз, почча?  
Тўғриси, у кишининг аҳволини кўриб эзилиб кетдим.  
– Шу, кириб, бир оғиз... йўлнинг бўйида... Арзимаган эсдалиқ совға...  
Кўзларига ёш қалққан поччам ортиқ гапиролмай қолди.  
– Юринг-е...  
Қайтиб таксига миндик.  
Қирдан энаётган чоғимиз овулимизнинг ўртасига қурилган ягона икки қаватли, томига қизил шифер ёпилган уйга кўзим тушди.  
– Шуми?  
Поччам сўзсиз бош ирғади.  
Қасрга яқинлашганимизда шу тарафдан келаётган оқ соқолли қарияни кўриб қолдим. Бўлам Мирза бобони таниб, ҳайдовчидан машинани тўхтатишни илтимос қилдим. Йўл четига ўтиб, бизга диққат билан қараб турган Мирза бобо машинанинг секинлашганидан ниятимизни илғади шекилли, шоша-пиша қўлини силкитиб “Асло тўхтаманг!” ишорасини қилди. Бетмабет бўлганимизда иккала қўлини кўксига қўйиб, мулоқимгина табассум қилиб турган бўлам “Аввало бу ёққа қадам ранжида қилсинлар” дегандай зўр эҳтиром ила қасрни кўрсатиб турарди...  
– Энди қаёққа юрай, йигит? – дея сўради ҳайдовчи.  
Поччам шоша-пиша жавоб берди:  
– Овулимизнинг энг бой, энг ҳурматли акахони бор. Аввал шу кишиникига бир дақиқага...  
Таксичи маъқуллаб бош ирғади:  
– Агар бой бўлса, албатта, аввал шу кишиникига кириш керак. Хўш, йигитча, нима дейсиз?  
Товушим негадир бўғилиб чиқди:  
– Ҳайданг... Хўроз...бойникига!  
Поччам яйраб кетди:  
– Сенинг бўладиган бола эканлигингни билардим!





Назгул  
Наз.и Наз.и Наз.и

Гулноз МЎМИНОВА



## Муҳаббат дегани қадрсиз эркдир

### ОХУ

Қалбим оҳу эди, билмай недир банд,  
Юрарди тоғма-тоғ, беғам ва озод.  
Қай бир овчи қўли ташлади каманд,  
Кейин банди этди уни умрбод.

Қалбим – ҳуркак оҳу, бўйсунмас эди  
Таяниб ул нозик оёқларига.  
Билмам, ўша овчи нималар деди  
Энгашиб оҳумнинг қулоқларига.

Лаҳза сўнг борарди энгашиб ювош  
Ўша ҳуркак оҳу, вафодор оҳу!  
Итоаткор қулдай кўтармасди бош  
Мен бунга қандоғам чидардим, ёҳу?

Оҳ уриб чорладим: “Қайт, ортингга қайт”,  
Югурдим, унмади бироқ йўлларим.  
Кўзида сирли нур порлади шу пайт,  
Оҳу суйиб қолди овчи қўлларин.

Ўшанда жонимга солиб оғриқлар,  
Вужудимни янчиб таралди бир сас:  
“Муҳаббат дегани қадрсиз эркдир,  
Муҳаббат дегани қадрли қафас!”

Энди ўтмишдадир тоғ ва озодлик,  
Хотирда улардан қолган азиз ёд.



Алам қилар, оҳу йиғисини лек  
Сира эшитмади бепарво сайёд.

### ГУЛХАН

Кўзим – қалбим кўзгуси, токи  
Юрагимни кўриб тургайсан.  
Сен қалбимни ёқсанг, ҳаттоки  
Кўзларимда гурлайди гулхан.

Менга аён, сен мағрур, кибор  
Ва бепарво отарсан ханда.  
Огоҳ этиб қўяй сўнгги бор:  
Ёниб кетма сен бу гулханда.

### ПЕЙЗАЖ

Тун – тўкилиб кетган сурмадон,  
Борлиқ чўмар рангига унинг.  
Кўкка қараб ўрлайди шу он  
Яшалмаган кечалар хуни.

Қуюқлашиб борар сурмаранг,  
Юлдузчалар кўринар ёрқин.  
Дўмбираси сочмайди жаранг,  
Лол қолади қари тол – оқин.

Кўзларингдан чиқади қочиб  
Ёдда қолмас, оний тушчалар.  
Қаердадир қувониб, шошиб  
Ҳадик билан сайрар қушчалар.

### Гулноз МЎМИНОВА

1978 йилда Шаҳрисабз туманида таваллуд топган. Ўзбекистон Миллий университети-нинг журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Фасллар шивири”, “Дил синиқлари” сингари шеърӣ китоблари, даврий нашрларда бир қанча таржималари чоп этилган. Ҳозирда “Ёшлар” телерадиоканалида муҳаррир вазифасида фаолият юритмоқда.



## АФСОНА

*Анжир – шарқ гўзали, тўсар юзини  
Қуюқ япрогини этиб пардалар.  
Сўнг сув кўзгусида кўрмай ўзини  
Зардалар қилади тунга, зардалар...*

*Эслайди, гулламоқ фаслинда у деб  
Сирли нур тушганин олис самодан.  
Хўрсиниб ёд олар, баргларин юлиб,  
Тухфалар этганин Момо Ҳавога.*

*Унинг гуноҳидир шу оний шафқат,  
Шуни деб гуллашдан қолмиш мосуво.  
У ерга тушганда англади фақат,  
Бу аччиқ қисматга йўқ таскин, даво.*

*Сўнг узоқ соғинди жаннат гулларин,  
Ўртаниб аламдан жону жаҳони.  
Афсуски, берк эди қайтмоқ йўллари,  
Қалбига тугилди жаннат армони.*

*Шундан бери кўрмас гулларин анжир,  
Кўз ёшин яширар қалин япроги.  
Самодан тушган чоғ сирли, кўкиш нур  
Ёдига тушади Азал сабоғи!  
Титраниб эслагай Момо Ҳавони...*

## ГИНА

*Тонгларинг кафтида ашким шабнамдир,  
Кетсам, умринг аро ҳадсиз мотамдир,  
Севгим – Зулайҳо-ю, кўнглим Ҳотамдир,  
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.*

*Лаҳза сайин рўё тутар ёбоним,  
Жисмимдан ажралиб бормоқда жоним,  
Тиканли ковушни сезмас товоним,  
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.*

*Сенга хануз ётдир “ишқ” деган имло,  
Ғофиллигинг бошга бўлди-ку бало!  
Мени қавми томон имлади Лайло –  
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.*

*Самандар сабр-ла сийлади мени,  
Қақнус гулханида ийлади мени,  
Оҳулар қучоқлаб йиғлади мени,  
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.*



*Кўрдим, мудом шодсан – маҳзун эмассан,  
Кўринмас занжирга маҳкум эмассан,  
Мен Лайло бўлдим-у, Мажнун эмассан,  
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.*

*Етар, ҳасратингни кўтар рўзимдан,  
Энди нима бўлса кўргум ўзимдан,  
Рухим чимматини олди юзимдан –  
Суйсанг суйгуликман, куйсанг куйгулик.*

## ОҚШОМ

*Баланд бетон иморатларни  
Шафақ нури этганида зарқ,  
Тўққизинчи қаватдан туриб  
Кенг осмонга тикилади Шарқ.*

*Тирикликни чарчатди кундуз,  
Салқиб борар қушлар парвози.  
Чўғ ташлаган анов илк юлдуз  
Тугаб бўлган куннинг овози.*

*Тўққизинчи қават. Бу ердан  
Ййдоқ даитдек кўринар осмон.  
Бош айланиб кетгудек бирдан  
Хаёлингни тўзгитар гумон.*

*Янграр кўкдан боқий бир овоз:  
“Зулмат чўкар, ўлтирма карахт”.  
Бепарволик – одамзодга хос,  
Бул амрга бош силқир дарахт.*

*Тун умрингга киради оқиб,  
Узун, қора, тубсиз дарёдай.  
Ҳамон чексиз осмонга боқиб,  
Шарқ бефарқдир настга – Дунёга!*

## ҚИШ КЕЧАСИ

*Аёз яна забтига олди –  
Самовотда қотиб қолди Ой.  
Юлдузлар ҳам кўздан йўқолди,  
Хира булут тўсди ҳойнаҳой.*

*Замин сирли кўзгудир бу тун,  
Синаб кўрсанг бўлар бахтингни.  
Унга қараб кўрарсан бутун  
Балки синган толеъ тахтинни.*

*Бироқ ҳозир бу муҳим эмас,  
Муҳими – шу рангпар гўзаллик.  
Ялтираган, улкан муз қафас  
Ой қалбига сололмас ҳадик:*

*Нуркўприкда тушиб самодан  
Муз ойнага солганича дарз,  
Шу кўзтаниши, шаффоф дунёда  
Қорлар узра ёғду тушар рақс.*

### **КУЗГИ САВОЛЛАР**

*Умр- палахмон, отар  
Мени куз боғи томон.  
Хазонлиг қисматидан  
Айтинг, ким қолгай омон?*

*Учмоқдаман чирпирак  
Жонимга ботди азоб.  
Бугун узлат меҳробин  
Тавоф этгайман, тавоф!*

*Кунлар хира, бағридан  
Жой бермоқда музларга.  
Умр, қандай ишондинг  
Гул руҳимни кузларга?  
Гул руҳимни кузларга...*

### **ДУНЁ**

*Дунё – тезоқар дарё,  
Оқиб боради ишоб.  
Ҳар тўлқини – бир рўё,  
Ҳар тўлқини – бир гирдоб.*

*Таги тўла чағир тош,  
Урилганлар барбоддир.  
Ўнг қиргоғи – Тириклик,  
Сўл қиргоғи Мамотдир.*

*Дунё – телбафеъл дарё,  
Унда мудом хушёр бўл.  
Боқсанг ҳамки чор томон,  
Топилмас халоскор қўл.*

*Айқириб оқар тинмай,  
Синолдадир саботим.  
Саватдаги гўдакдай  
Оқар унда ҳаётим...  
Оқиб борар ҳаётим...*

### **МУҲАББАТ**

*Сен – самовий фаришта,  
Мен – ердаги гуноҳкор.  
Билмам, бизни бу ришта  
Қачон боғлади такрор?*

*Бахт камлик қилди бизга,  
Битмади дил яраси.  
Тор бўлди оҳимизга  
Еру осмон ораси.*

*Ер сенга муносибмас –  
Ҳар қадамда минг гуноҳ.  
Мен кўкка учай десам,  
Вужудим зилдай, эвоҳ...*

*Ночор “кетаман” дединг,  
Бош силкидим: “Борақол”.  
Ердан зериккан эдинг,  
Кўкка боқардим беҳол.*

*Икки елканг устида  
Олов кўринди шу пайт.  
Қанотинг юрагимга  
Урилганди қачон, айт?!*





Лобар РАҲИМОВА



## БАДИИЙ КОНФЛИКТ ТАЛҚИНИ

Ёзувчи Улуғбек Ҳамдам ижодида роман жанри етакчилик қилади. Адибнинг “Мувозанат”, “Исён ва итоат”, “Сабо ва Самандар” романлари ўқувчилар эътиборини қозонган. Бу асарларда ҳаётнинг мураккаб қирралари, шахс ва жамият ўртасидаги зиддиятлар, инсон ботиний оламидаги конфликтлар теран талқин этилган. Шу нуқтаи назардан “Исён ва итоат” романига диққат қилсак, унда адолатсизлик ва ҳақсизлик қурбонига айланган шахс фожиаси билан бир қаторда инсон ички оламидаги зиддиятлар ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқиб тасвирланганлигини кузатамиз. Адабиётшунос Баҳодир Саримсоқов қайд қилганидек: “Реал борлиқдаги, инсон руҳиятидаги турли-туман ўзгаришлар ва кечинмаларни ижодкор ўз онги, дунёқараши, эстетик идеали, ғоявий мақсади орқали синтез қилиш оқибатида бадиий образ шаклланади. Шу сабабли ижодкор яратган ҳар бир янги образ янги бир хилқат, янги бир кашфиётдир”.

Дарҳақиқат, ижодкор ҳаётнинг турли хил ҳодисаларини, воқеаларини инсон характери билан боғлаб ифодалайди. Шунинг учун ҳам “Исён ва итоат” романидаги Акбар, Диана, Лариса каби образларда инсоннинг маънавий олами, руҳият изтиробларини маҳорат билан кўрсата олган. Масалан, “Акбар чўчиб уйғонди. Тагин ўша тун. Тагин ўша ўқувчи... Садр, унинг ҳақоратли сўзлари, кўкрагига келиб урилган мушталари.. Кейин шапалоқ... суд... Судянинг оғзидан чиққан шафқатсиз ҳукм: “Уч йилга озодликдан маҳрум этилсин!” Ҳар сафар ана шу “маҳрум этилсин!” сўзларидан кейин Акбар “Йўқ, йўқ, йўқ!” дея бақириб уйғониб кетади ва ҳушига келгач ҳам уни такрорлайверади: “Йўқ, йўқ, йўқ. Ахир бу шафқатсизлик, ахир бу адолатсизлик, ахир бу ноинсофлик, ахир бу...”. Кўриняптики, инсон руҳий оламидаги зиддиятлар унинг шахс сифатида муҳитнинг, даврнинг адолатсизлигига, шафқатсизлигига, қалб кечинмаларидагина кураш олиб бормоқда. Начора, Акбар оддий бир ўқитувчи, ўз ўқувчисидан ҳақорат эшитиб, унга дош беролмай бир тарсаки учун уч йил озодликдан маҳрум бўлган шахс. Чунки инсонлик қиёфасини йўқотиб ўз ўқувчисини ҳамманинг олдида ҳақорат қилишга ботинган, ўқувчини яхши гап билан тартибга чақиритишга уринган, лекин уринишлари беҳуда кетганидан аччиқланиб,

ўзини қўлга ололмай бир тарсаки тушириб жазосини бермоқчи эди.

Ёзувчи роман сюжетида конфликтнинг бир неча турларини, яъни шахс ва жамият ўртасидаги, шахс ва шахслар ўртасидаги, шахс ва муҳит ўртасидаги зиддиятларни, қаҳрамон руҳий олами асосида очиб беради. Агар романдаги Акбар руҳий оламидаги конфликтлар уни оламга теранроқ назар солиш, идрок этиш зарурлигини англашга хизмат қилса, муҳит зиддиятлари эса унинг шахс сифатида шаклланишига хизмат қилади. Акбар қамоқ муддатини ўтаб, устози ёнига келиб, нима қилишини билмаётганлигини айтганида, Табиб унга “Сафарга отлан”,-дея жавоб беради. Бу гапнинг маъносини ўша вақтда Акбар теран англай олмайди. Ундаги қалб исёни бунга имкон бермайди. Шундан сўнг у ночор ҳолда яшаётган оиласини тиклаш учун Россия ўлкасига бир машина қовун олиб боради. Аммо уни ўша ернинг ўзига хос “қучлари” эгаллаб олади ва яна бир машина қовун эвазига жонини сақлаб қолиши мумкинлигини Акбарга уқтиришади.

Ижтимоий муҳит ва шахс ўртасидаги конфликтни қуйидаги тасвирда кузатамиз: “Бу ахир адолатсизликку, Художон!” – деган аламли ўй хаёлидан кечди... ҳаёлига ҳеч нима келмай қолди; на ширин-шакар болалари, на хотини, на отаси ва на онаси, ҳеч ким!.. Фақат исён бор эди, балки унинг юрагида! Исён бўлганда ҳам, ўз қисмати, қисматнинг аламли, дунёнинг фирибидан, зўравонликдан, адолатсизликдан иборат эканлигига қарши аримас Исён!...”

Худди шу исён унинг тақдирини, ҳаётини чилпарчин қилган эди-ку, аммо бу сафар, аксинча, у ўз ғурури, ўз эрки, ҳаттоки жонидан ҳам кечишга тайёр эди. Аммо шу исёни туфайли, ўзлигини сақлай олди. Унинг оёқ-қўллари қақшаб оғрирди. Улар қалтак зарбидан чунонам эзилгандики, ҳатто бошқариб бўлмайдигандек эди... Гарчи зўравонлар кетган эса-да, ярим йўлда фикрини ўзгартириб қайтиб келиб қолса нима бўлади? Устига- устак Акбарга мардлик қилиб бир боғлам пул ташлаб кетишган бўлса. Акбар қалбидаги исён ўша муҳит зўравонларини ҳам ўзига келтирган, унинг иродалилиги учун унга шунча азоблардан сўнг бир талай пул

Лобар РАҲИМОВА

1989 йилда Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида туғилган. СамДУ ўзбек филологияси факультети магистранти.



ташлаб кетган эди. Аммо бу зўравонликка қарши исён унда ҳали озаймаган ва қалб изтироблари исканжасида қолган эди. Шу лаҳзаларда ички, руҳий конфликтнинг етакчилиги қилишини кўрамиз. “Ҳар қандай улғу иш бошламагин, ҳаммасининг охири қайғули ниҳоят, кимни, қандай гўзал қизни, аёлни севмагин, барининг сўнги айрилиқ ва надомат, умринг узоқ бўлиб қанча яшамагин, барибир, ўлимни ҳатлаб ўта олмайсан... Йўқса чекаётган захматларинг зое кетишига қилаётган, қилмоқчи бўлаётган эзгу амалларинг, ишлаётган савобларингнинг изсиз йўқолишига, умуман, кун келиб сендан, сенинг хотирангдан асар ҳам қолмаслигига қандай чидаш мумкин?.. Бу ахир адолатсизлик, жабр ва зулм эмасми?..”

Акбар ўз оламидаги зиддиятлар билан курашар экан, ҳаётга теранроқ назар солишга уринади,

ҳаётнинг ўткинчи эканлигига, инсон умри азизроқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

Хуллас, инсон руҳий оламидаги конфликт романда маҳорат билан талқин этилган. Шунинг учун ҳам конфликт асар персонажларининг сюжетда бадиий ифодасини топадиган ўзаро тўқнашув ва курашлари, қахрамон билан муҳит орасида ёки унинг руҳиятида кечувчи зиддиятлар, қарама-қаршиликлар тарзида ўз ифодасини топган бўлиб, Акбар қалб оламидаги зиддиятлар уни характер даражасига олиб чиққан.

“Исён ва итоат” романида конфликт асар сюжетини шакллантиришда етакчи роль ўйнаган. Асарда тасвирланган ҳар бир конфликтли ҳолат турлича ҳал этилиши билан бир қаторда, воқеалар ривожини юзага чиқаришга имкон беради.



## Буринги урғачув

Буринги урғачув  
Буринги урғачув

Дилрабо ЭГАМБЕРДИЕВА

## Кўнглингиз кўнглимни обод этмади



\*\*\*

Борингиз унутдим, унутдим ғамни,  
Сабаби сиз экан ғам ила ранжим.  
Чироқ-ла ёришмас кўнглимни энди,  
Ёритар  
илинжим.

\*\*\*

Кўнглингиз кўнглимни обод этмади,  
Кўзингиз кўзимга қараб ўтмади.  
Сиз кетдингиз аммо, юракда қолган  
Оғриқларим  
кетмади.

\*\*\*

Куйлар куйлар шодликларимни,  
Ташвишларни унутдим бир зум.  
Ҳис қилолдим гўзал борлиқни,  
Куйлайвер  
узун.



\*\*\*

Ёқ йиғлоқ юракни, кул бўлсин хоки,  
Асло ундан зарра нишон қолмасин.  
Унинг энг яхши йўлидир, токи  
Йиғлай  
олмасин.

\*\*\*

Кўзларингни яширгин менинг кўзимдан,  
Чунки сабаб бўлади барига кўзлар.  
Нигоҳларим тинч қўймас, мунгли кўзингдан  
Муҳаббат  
излар.

\*\*\*

Шаррос ёмғир ювса эди юзимни,  
Сокин қуёш булутдан чиққиси келмас.  
Шамол ҳам тинглар-у, бироқ сўзимни,  
У назарга  
илмас.



Ги де Мопассан



# ИНТИҚОМ

Ҳикоя



Бева аёл Паоло Саверини ўғли билан Бонифачо кўрғони ёнидаги хароба кулбада яшарди. Тоғ этагида жойлашган шаҳарнинг баъзи ерлари шундоққина денгиз устида муаллақ тургандек туюлар, у гўё даҳшатли сув ости қоялари билан ўралган Сардиниянинг олис соҳилларига ўзан узра қараб тургандек эди. Қуйироқдаги қоялар сомон йўлини эслатар, бир қарашда кенг ва узун йўлакка ўхшаб кетадиган ушбу қоялар шаҳарни деярли тўлигича ўраб олганди. Бу ер порт вазифасини ўтар, шу вадан итальян ва сардиниялик балиқчи қайиқлари, шунингдек, ойига икки марта Аяччога қатновчи эски, буруқсиган кема уйларни шундоққина ёнлаб ўтар, улар ўшшайган қоялар аро узоқ йўл босишарди.

Тоғнинг оқиш манзараси туфайли, бу ердаги уйлар янаям оқариб кўринарди. Ҳатто кемалар ҳам юрак ютиб, зўрға кирадиган бу кўрқинчли дарага узум шохидек осилиб турган уйлар, ёввойи қушларнинг қояга ёпишган инларига ўхшаб кетар эди.

Шамол денгизга тинимсиз човут солар, тўлқинлар ҳамласидан емирилиб адо бўлаёзган, аранг ўт ўсган қирғоқни тортқилагани-тортқилаганди. Тўлқиннинг оқиш, кўпикли ҳошиялари қорайиб турган беҳисоб қояларга ёпирилар, ҳали у ер, ҳали бу ерни тилиб ўтаётган тўлқинлар худди сув юзида бир-бирига урилиб сузиб юрган елкан парчаларидек таассурот қолдирарди.

Бева Саверини яшайдиган уй соҳил бўйидаги қояларнинг энг чеккасида жойлашган бўлиб, учта ойнаси ҳам мана шу ёввойи ва ғамнок манзарага қараган эди.

Ги де Мопассан

*XIX аср француз адабиётининг буюк вакилларида бири. Унинг “Ҳаёт” ва “Азизим” романи, уч юзга яқин новеллари француз адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган, айна пайтда бошқа халқлар адабиётига ҳам сезиларли таъсир ўтказган.*

Кампир бу ерда ўгли Антуан ва ити Семильянта билан бирга яшарди. Бу катта, эти устихонига ёпишган, дағал жунли урғочи ит овчарка зотидан эди. Йигитча у билан овга борарди.

Бир куни кечкурун, жанжал чоғида Антуан Саверинини чавақлаб ўлдиришди, унинг қотили Никола Раволати эса ўша оқшомнинг ўзида Сардинияга қочиб кетди.

Ўткинчилар ўғлининг жасадини келтириб, кекса онасига кўрсатишганда, у йиғламади, жигарбандига қимир этмасдан, узоқ тикилиб турди. Сўнг серажин кўлини унинг жонсиз танаси узра ёйиб, қасос олишга онт ичди. Кампир ҳеч кимни кўришни истамасди: у улиётган ити билан уйга қамалиб олди. Ит марҳумнинг оёқ томонида туриб тўхтовсиз ғингшир, тумшуғини эгаси томон чўзиб, думини қисиб олган эди. Жонивор ҳам онаизорга ўхшаб ҳаракатсиз турар, кампир эса жасаднинг устига хиёл эгилиб, унга нурсиз кўзларини қадаган кўйи унсиз йиғларди.

Дағал мовут курткази кўкрагидан пичоқ қадалиб йиртилган йигит ерда чалқанча ётар ва худди ухлаётганга ўхшарди. Бироқ унинг ҳамма ёғи: боғлов учун йиртилган кўйлаги, нимчаси, иштони, юзи ва кўллари ҳам қонга беланган эди. Соч- соқолига лахта қон ёпишиб қолганди.

Кекса онаси у билан хаёлан сўзлаша бошлади. Аёлнинг овозини эшитиши билан ит жимиб қолди.

– Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, мен сен учун қасос оламан, болажоним, шўрлик ўғилгинам. Ухла, ухлай қол, мен сен учун ўч оламан, эшитяпсанми? Сенга буни онанг ваъда қиляпти! У эса, ҳар доим сўзининг устидан чиққан, буни биласан.

Шундай деб, у оҳиста эгилди ва совуқ лабларини ўғлининг жонсиз юзига босди.

Шу он Семильянта яна увлаб юборди. Унинг бир маромда – чўзиқ увлаши юракни тилкаларди.

Кампир ва ит тунни шу алфозда ўтказишди.

Эртасига Антуан Саверинини дафн этишди ва тез орада Бонифачода у ҳақда биров эсламай кўйди.

Марҳумнинг на туғишган укаси, на қариндошлари қолган эди. Унинг қасосини оладиган эркак зотининг ўзи мавжуд эмасди. Ёлғиз кекса онаси бўлиб, у ҳам шунга қуярди.

Унга ўзанининг нариги қирғоғидаги қоялардан эрта-ю кеч бир нуқта оқариб кўринарди: бу Лонгосардо номли мўъжаз сардин қишлоғи бўлиб, қаттиқ таъқибга учраган корсикалик қароқчилар ҳамиша шу ердан паноҳ топишар эди. Қишлоқ деярли уларга тегишли бўлиб, қароқчилар бу ерда ўз ватанига рўбарў яшашар, қачонлардир яна кадрдонлари бағрига қайтиб боришни интизорлик билан кутиб юришарди. Никола Раволати ҳам айнан ўша ерда яшириниб юрганини кампир биларди.

У уззу-кун дераза ёнида ёлғиз ўтириб, ўша томонларга қарар ва қандай қилиб ўч олиш ҳақида ўйларди. Нимжон, ёлғиз бўлса, боз устига бир оёғи ерда-ю, бириси гўрда. Буни қандай амалга ошириш

мумкин? Ахир у ваъда берган, марҳум ўғлининг олдига онт ичган. Буни унутиб бўлмайди, кечиктириш ҳам мумкин эмас. Нима қилмоқ керак? Аёл бутунлай уйқусини йўқотди, у ўзини кўярга жой тополмас, унга ҳеч нарса таскин бўлолмасди. Тинимсиз қасос олиш чорасини излар эди. Оёғи остида ити мудрар, баъзан бошини кўтариб, узоқларга термулиб улирди. Эгаси ўлганидан бери Семильянта тез-тез шунақа улиб, уни чақираётгандек бўлар, гўё итнинг беором юраги ҳам ундан қолган ўчмас хотираларни нута олмаётгандек эди.

Шундай тунларнинг бирида Семильянта яна увлашни бошлаган маҳал, онаизорнинг миясига бир фикр келди – фикрки, ёввойиларга хос, қасоскорона ва даҳшатли эди. У эрталабгача шу ҳақда ўйлади. Тонг отгач ўрнидан туриб, черковга йўл олди. Тош қопламали саҳнда юзтубан ётиб Яратганга илтижо қилар экан, ундан ёрдам беришини, ўғлининг қасосини олиш йўлида силласи қуриган вужудига куч-қувват ато этишини ўтиниб сўради.

Кейин уйига қайтди. Ҳовлида ёмғир сувини йиғиш учун кўйилган бочка турарди. У ичидаги сувни тўкиб, бочкани бўшатди, сўнг ерга қозиклар қоқди ва тошлар билан уриб маҳкамлади. Семильянтани шу ғалати инга боғлаб қўйди-да, ўзи уйга кириб кетди.

Энди у Сардиния соҳилларидан кўз узмай хонанинг у ёғидан бу ёғига бетўхтов бориб келарди. Қотил ўша ерда!

Ит кун узоқ, сўнг тун билан улиб чиқди. Эрталаб эса кампир унга бир идишда сув келтириб қўйди – шу холос: на ювинди, на нон бермади.

Орадан яна бир кун ўтди. Мажолсиз Семильянта ухларди. Эртаси куни унинг кўзлари ёниб, жуни хурпайди, энди у занжирни узиш учун жон-жаҳди билан юлқинарди.

Кампир унга ҳануз овқат бермаганди. Бу ҳол итнинг ғазабини келтирар, у бўғиқ овозда хурарди. Яна бир кеча ўтди.

Азонда Саверини кампир қўшнисидан икки боғ сомон сўраб олди. Сўнг эридан қолган эски лашлушларни қидириб топди-да, одам шаклини ясаб, ичини сомон билан тўлдирди.

Кампир Семильянтанинг ини ёнига қозик қоқиб, энди бор бўйи билан намоён бўлган ҳалиги ясама кўғирчоқни боғлади. Сўнг эски тўшақдан унга калла ясаб кўндирди.

Гарчи очлик қийнаётган бўлса-да, ит сомон одамга таажжуб билан қарар ва сукут сақларди.

Шундан сўнг кампир дўкондан каттагина қора колбаса бўлагини олиб келди. Ҳовлида, шундоққина итнинг уяси ёнида ўт қалаб, колбасани қовура бошлади. Очликдан эси оған Семильянта занжирни узар даражада юлқинар, оғзидан сўлаги оқиб, ҳиди тўппа-тўғри ошқозонига бораётган таомдан кўз узмасди.

Кампир бўлса буғи чиқиб турган колбасани худди буйинбоғдек сомон одамнинг бўйнига боғлади. Уни ясама одамнинг бўйнига янаям чуқурроқ кири-



тиш учун кўп уринди. Бу ишни рисоладагидек ба-  
жаргач, у итни бўшатиб юборди.

Ит даҳшатли ҳамла билан сомон одамга таш-  
ланди ва оёғини унинг елкасига тираган ҳолда  
бўйинини тилкалай бошлади. У ўлжасидан бир пар-  
чани тишлаб узган ҳолда ерга тушар, сўнг яна таш-  
ланиб, сўйлоқ тишларини арқонга тобора кўпроқ  
ботирарди-да, хўракдан узиб олар, ўзини ерга отар  
ва янаям қутурган ҳолда кўриқчи томон отиларди.  
Тез орада сомон кўғирчоқнинг юзи ва бўйни увода-  
га ўхшаб қолди.

Кампир воқеани жойидан жилмай, унсиз куза-  
тар экан, кўзлари ёниб кетди. У жониворни қайтадан  
занжирга солди, уни яна икки сутка оч-наҳор ушлаб  
турди, сўнгра ўша ғалати машғулотни такрорлади.

Уч ой мобайнида у итни шу усулда, ўлжани тиш-  
лари билан тилкалаб овқатланишга ўргатди. Энди у  
Семильянтани боғламас, фақат кўл ишораси билан  
ясама кўғирчоққа олқишларди.

Кампир итни сомон одамнинг бўйнига егу-  
лик яширмаган ҳолда ҳам бурдалашга, тишлаган  
жойини узишга ўргатди. Ҳар сафар унга мукофот  
тариқасида қовурилган колбаса берарди.

Ясама одамни кўриши билан Семильянта қал-  
тирашни бошлар, сўнг бекасига нигоҳ ташларди. У  
эса бармоғини юқорига кўтариб, хирилдоқ товушда  
буйруқ берарди:

– Ол!

Саверини кампир, кутилган фурсат етиб кел-  
ганини англагани ҳамон гуноҳларини каффорат  
қилишга борди. Якшанба куни эрталабдан астойдил  
ибодатга киришди. Сўнг эркаклар кўйлагини кийди,

жулдурвоқи чол қиёфасида сардиниялик балиқчи  
билан савдолашди-да, ити ҳамроҳлигида нариги  
қирғоққа ўтиб олди.

Қанор қопнинг ичида қора колбасанинг катта  
бўлаги ётарди. Семильянта икки кеча-ю кундуздан  
бери туз тотмаганди. Кампир дам-бадам унга лаз-  
затли егуликни ҳидлатиб, иштаҳасини қитиқларди.

Улар Лонгосардога кириб бордилар. Корсикалик  
аёл оқсоқланиб борарди. У нон дўконига қайрилди  
ва Никола Раволати қаерда яшашини сўради. Маъ-  
лум бўлдики, у яна аввалги касби – дурадгорлик  
билан шуғулланаётган экан. Қотил устахонасида  
ёлғиз эди.

Кампир эшикни итариб, овоз берди:

– Эй, Никола!

Йигит ўгирилиб қаради. Шу он кампир итни ич-  
карига киритди ва бақирди:

– Ол, ол, бурдала, бурдала!

Ҳуши бошидан учган ҳайвон Никола томон  
отилиб, унинг бўйнига тармашди. Эркак кўлини ик-  
ки ёнга ёзди, сўнг итни маҳкам ушлаганича, ерга  
қулади. Бир неча дақиқа типирчилаб, депсиниб  
турди, кейин жимиб қолди. Семильянта эса ҳамон  
унинг бўйинини ғажишда давом этар, рақибини бур-  
далаб ташлашга уринарди.

Кейинчалик, ўз дарвозаси олдида ўтирган икки-  
та кўшни, дурадгорнинг ҳузуридан озғин қора итни  
етаклаган гадой чол чиққанини ва жонивор эгаси  
унга ташлаб турган аллақандай жигарранг нарсани  
йўлма-йўл еб кетганини аниқ эсладилар.

Кампир кеч кирганда уйига қайтди. Шу кеча у  
хотиржам ухлади.

Рус тилидан Моҳигул Азимова таржимаси



### *Ҳитой маколлари*

\* *Дарахт қанчалик юксак бўлса-да, барибир янроқлари ерга тўкилади.*

\* *Бошиқаларга тавна қилгандек ўзингга тавна қил, ўзингни келтир-  
ганинг каби бошиқаларни келтир.*

\* *Муваффақиятсизлик инсонга кўп нарсаларни ўргатади.*

\* *Бир онлик газабингни боссанг, юз кун хотиржам яшайсан.*

\* *Тюгларга қиқмаган, узюкларни кўролмас.*

\* *Бирор нарса сотиб олсанг, қулоқ билан эмас, кўз билан иши тут.*





## Умид манзиллари борар ёришиб



### УМР МАНЗИЛИ

Олис манзилларни истайди кўнгил,  
Ёруғ манзилларга боғланган ришта.  
Хаёл ипларини боғлабон дилга  
Орзулар тўқийди маъсум фаришта.

Тонггача бир ширин эртақ тўқилар,  
Умид манзиллари борар ёришиб.  
Менинг телба тўйғум шундай тўқилар,  
Орзулар, умидлар, гамлар қоришиб...

\*\*\*

Жим-житлик...  
Осудалик...  
Согинишининг шовқини аро –  
Жим шаҳарда юзади руҳим...

Телба қўллар юлдузни истар,  
Пойим ерни маҳкам қучади.  
Мен дарахтга ҳавас қилганим –  
Нигоҳингиз унга тушади.

Тун... Осмонсиз ой...  
Руҳим кезар соямдан нари.  
Мен ўзимга чўкиб кетяпман,  
Қутқармоққа қўлингиз қани?!

Нега шаҳар шовқинларида  
Гул руҳимни босиб олдингиз?



Энди сиздан қандай кетайин –  
Шамойилда қолган пойингиз...

Тангрим, қутқар, бу тўфонингдан,  
Йўқса дунёлар ҳам остин-устундир...  
Мен севгани, мени севгани –  
Тушунмоққа бир дўстим йўқдир...

### БЕГОНАЛИК

Саргардон тўйғу борар  
Иккимизнинг орамизда.  
Хўрсиниги дил ёрар  
Иккимизнинг орамизда.

Беролмадинг, ололмадим  
Қолди ҳислар саргардон.  
Келолмадинг, қололмадим  
Бўлди ҳислар саргардон.

Тонг отади  
Болишинг –  
Хўрсиниққа ботади.  
Тонг отади.  
Тушларим –  
Сувга ҳасрат айтади.

Орамизда ҳаволар...  
Ёт, бегона наволар...  
Учрамасанг бўларди –  
Танимасди гавголар...

### Гули НИГОР

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. ИИБ Бирлашган таҳририяти муҳбири. «Уйғон, кўнгил», «Хўрлигимни куйлайман», «Тонг чорлови», «Бахтим бешиги дунё», «Гулнинг эртаги» номли шеърий тўпламлари, «Саодатга йўлловчи маскан» номли бадиий публицистик рисоласи чоп этилган. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.



Ўзбекистон  
Ўзбекистон  
Ўзбекистон  
Ўзбекистон  
Ўзбекистон  
Ўзбекистон  
Ўзбекистон  
Ўзбекистон  
Ўзбекистон  
Ўзбекистон



Ғулум КАРИМИЙ



# ЎН БЕШ ЁШЛИ ҲУКМДОР

Ҳикоя

Хуросон ҳукмдори Шоҳрух Мирзо отаси соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг тўрт йил ўтгач, ниҳоят, ғолиб сифатида Турон пойтахти Самарқандга қадам қўйди. Амир Темур тахтини, унинг васиятига зид ўлароқ, ўзбошимчалик билан эгаллаган невараси Халил Султон Мовароуннаҳрда тўрт йил ҳукмронлик қилган, бироқ сиёсатдаги ношудлиги туфайли, бир неча ой илгари ўз амирлари тарафидан тахтдан ағдарилиб, банди қилинган эди. Шоҳрух Мирзо лашкар билан шошилинч сафарга чиқиб, Самарқандни эгаллаб, жиянини таҳқирли асирликдан халос қилиб, шафқату муруват кўргузди. Бироқ Мовароуннаҳр аҳолисининг Халил Султондан кўнгли қолган, у зиндонбанд эканида суюкли хотини Шодмулк шаҳар бўйлаб сазойи қилинган эди. Шоҳрух ўз жиянининг таназзули сабабларидан бири ушбу аёл эканини билса-да, Халил Султоннинг ягона илтимосини бажариб, хотинини қайтаришни буюрди. Хотини билан дийдорлашган шаҳзода энди тожу тахтдан жудо бўлганидан қайғурмас, яна ўзини жаҳондаги энг бахтиёр кимсалардан деб биларди. Аммо энди Халил Султоннинг Самарқандда қолиши мумкин эмаслиги туфайли, Шоҳрух уни Эрондаги Рай шаҳрига ҳоким қилиб тайинлаш ҳақида фармон чиқарди. Шаҳзода Шодмулкни олиб, жаҳонгир бобоси салтанати пойтахти ва ўзи – янаям аниқроғи, ўзи ва суюкли хотини биргаликда – тўрт йил ҳукмронлик қилган муаззам шаҳарни абадиян тарк этди.



Ғулум КАРИМИЙ

1962 йилда Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Соим Хибрайли қишлоғида таваллуд топган. Тошкент Давлат Университетини тамомлаган. Айни пайтда Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида катта илмий ходим. “Карвон” (1988), “Турон қоплони” (1988), “Соҳибқирон ва аллома” (2002) тарихий қиссалари, “Наршах қалъаси” (2011) тарихий романи чоп этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



Энди Самарқанд аҳли Шоҳрух Мирзонинг ўз отаси тахтига чиқишини сабрсизлик билан кутар, зеро соҳибқироннинг тирик қолган ягона ўғли сифатида у бу шарафга энг ҳақли киши ҳисобланарди. Бироқ Шоҳрухнинг бошида бошқа ўй-фикрлар ғужғон эди...

Авалло, у отаси тириклигидаёқ Хуросон ҳукмдори этиб тайинланиб, бу ўлкага анча кўникди. Сониан, Хуросон пойтахти Ҳирот темурийзодаларга тобе мулкларнинг деярли қоқ марказида эди. Боз устига, масжиду мадрасалар қурдириб, Хуросон ободончилиги катта ҳисса қўшган хотини Гавҳаршодбегим ҳам салтанат пойтахти айнан Ҳирот шаҳри бўлишини истарди. Демак, ўғилларидан бирига насиб этгуси Самарқанд тахти...

Шоҳрух Мирзо ўғилларининг ёшлари орасида фарқ катта бўлмаса-да, тўнғич ўғли – ўн беш ёшли Муҳаммад Тарағай Улуғбек яққол ажралиб турарди. Чўзинчоқ юзи, қирра бурни, ҳамиша қатъият акс этиб турувчи ўткир нигоҳи билан жаҳонгир бобосига ниҳоятда ўхшаб кетгани туфайлигина эмас. Кучли хотираси, қувваи зеҳни, илмга меҳри, шаҳзода бўлишига қарамай, замоннинг ҳар бир йирик олимига шогирд туришига мойиллиги билан ҳам.

Отлиқ жарчилар Самарқанднинг силлиқ тош ётқизилган кўчалари бўйлаб фармони олийни эълон қилишди: “Бугундан эътиборан Мовароуннаҳр ҳукмдори Муҳаммад Тарағай Улуғбек Кўрагондур. Шаҳзодаи жаҳон бу ўлкани падари бузруквори, ҳоқони саид султон Шоҳрух Мирзо номидан бошқарадур”!

\*\*\*

Кутловга келган Самарқанд амирлари, аъёнлар, уламою фузалого рухсат берилгандан сўнг, ота-ўғил Кўксаройдаги Амир Темур хазинасига туришди. Зарбофт чопон кийиб, бошига ёқутлар қадалган симобий салла ўраган Шоҳрух Мирзо тутқичи фил суягидан ясалган асо ушлаб олган, афт-ангориде жиндек ҳорғинлик сезиларди. Улуғбек болалигида кўп туриб ўргангани туфайли, нимқоронғуликка қарамай, мрамар зиналардан чаққон юриб борарди. Кеч туша бошлагани учун, соқчилар хазинанинг кенг хоналарида машъалалар ёқиб туришар, уларнинг ёғдусида хазинабоннинг оппоқ оқарган юзи ва кўрқувдан олазарак кўзлари бўртиб кўринарди.

Улуғбек болалигида ҳар гал кирганида хазинада етти иқлимда ясалган нафис буюмлар, сандиқ-сандиқ олтин-кумушлар, қимматбаҳо тошлар, ҳатто у номини ҳам билмайдиган ғаройиб нарсалар бўларди. Вожаб, ҳозир хазинанинг хоналари бўм-бўш ва ўпқон каби ютаман деб турганини кўриб, у кўзларига ишонмасди. Баъзи хоналарда ҳали ташиб кетилмаган бир неча сандиқлар турарди. Шоҳрухнинг ишораси билан очилганда, улар ҳам бўм-бўш эканлигини кўришди.

Соҳибқирон бобоси даврида ҳам Улуғбек хазинадан кўп миқдорда бойликлар чиқарилганини

кўрган. Одатда, Амир Темур бирон мухташам иморат қуришга қарор қилганида ёки олис ўлкаларга совға-саломлар билан элчилар карвонини жўнатганда шундай ҳол рўй берар, лекин сарфланган маблағ ўрни тезда тўлдириларди.

“Халил оғам Самарқандда бирон ўртача иморат ҳам бунёд қилмади-ку, – оғриқли ўйлар хаёлидан кечди Улуғбекнинг. – У ҳолда марҳум бобомнинг шундай улкан хазинасини қайга ва нимага сарф этди экан?” Бироқ шаҳзода бу ҳақда овоз чиқариб отасидан сўрашга журъат этмади. Етти иқлимдаги энг катта хазинанинг шамолга совурилганини кўриб, ҳукмдорнинг юзига афсус ва ачиниш соя ташлаганини у машъалалар ёруғида пайқаган эди.

Хазинадан қайтиб чиқишаётганда оёқ остида йилт этган бир нарса Шоҳрух Мирзонинг диққатини тортди. У тошга ёпишиб, устини тупроқ кўмаёзган нарсани ҳассаси учи билан кўчирди ва энгашиб кўлига олди. Бу – бир дирҳамлик кумуш танга экан. Султон шоҳи дастурмолини олиб, уни тупроқдан тозалади, тангадаги “Амир Темур Кўрагон” дея ўйиб битилган ёзувни пешонасига теккизиб деди: “Аллоҳга шукрки, мана шу бир дирҳам туфайли биз жаҳонгир отамиз хазинасидан баҳраманд бўлдик”.

\*\*\*

Ота-ўғил Кўксаройнинг бир пайтлар Амир Темур улуғ режалар тузганида кириб ўтиришни севадиган, деворларига етти иқлим ўлкаларининг хариталари чизилган хонада суҳбатлашишар, тўғрироғи, Шоҳрух Мирзо Ҳиротга қайтиш олдидан Мовароуннаҳрда ўз ноиб сифатида қолдираётган ўғлига давлатни бошқариш юзасидан йўл-йўриқлар берар, Улуғбек уларни жон қулоғи билан тинглаб, айрим насиҳатларни сўнроқ такрор ўқиб, мағзини чақиш учун олдадаги дафтарга тез-тез битиб оларди.

– Кўзимизнинг нури, тўнғич фарзандимиз Муҳаммад Тарағай, – салмоқ билан давом этди Шоҳрух Мирзо. – Каломи шарифда зикр қилинганидек, “Мулк Аллоҳникидир ва Аллоҳ уни хоҳлаган кишига ато этади”. Карам кенг Аллоҳ Мовароуннаҳр янглиғ жаннатмонанд, отамерос юртимизни бизга ато қилди. Яратган Эгамнинг бу лутфу иноятига биз раиятпарварлик ҳамда оқилона сиёсат билан шукрона келтирмоғимиз лозим. Шундоқ экан, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам ўрнатган адолатли қонунларни мўминлар орасида жорий этувчи қозилар қўлини шариат ҳукмлари ижросида бақувват тутинг. “Ҳидоя” муаллифи Бурҳонуддин Марғиноний авлодларига алоҳида эъзоз-икром кўргузинг. Олам ободонлигининг сабаби ва одамзод ризқининг воситаси бўлмиш деҳқонларни зулму адолатсизликдан ҳимоя қилиб, адлу инсоф билан ўзингизга яқин этинг. Давлат сарҳадлари соқчилари ва мамлакат ҳимоячилари бўлмиш лашкарлар тоифасини очиқ юзли ва хушмуомалалик билан ўзингизга содиқ ва итоаткор қилиб, маошларини

белгиланган вақтда тўла етказиб туринг. Чегараларга иш кўрган, тирикликнинг аччиқ-чучугини тотган одамларни тайинланг. Баъзи хизматни ташлаб қочувчиларга саза бериб, қилмишига яраша жазоланг. Хуллас, барча ҳолларда пайғамбаримизнинг “ишнинг яхшиси миёнаси дир” деган ҳадиси шарифига амал қилиб, ҳаддан ортиқ ёки керагидан оз чора кўришдан эҳтиёт бўлинг.

Бирон бир, боринги, энг хайрли машғулотга ҳам, сиёсат ва давлатни бошқаришдан зиёдароқ вақт сарфламанг. Чунки энди сиз катта бир мамлакат ҳукмдорисиз. Шу ёшингиздаёқ қанчалаб тарихий асарни мутолаа қилганингиз туфайли, бу соҳада сизга дарс бериш ортиқча. Бироқ ўғит тариқасида иккита мисол келтирмоқчиман. Биринчиси шуки – мўғул хони Ҳалоқухон Бағдодни забт этганида халифа ал-Муътасим тахтда ўтиргани сизга аён. Ҳалоқу мағлуб бўлиб, асирга тушган халифа хазинасида олтину кумуш, марвариду жавохирлар хирмон бўлиб уюлиб ётганини кўриб, таажуб қилибди. Ҳолбуки, бу маблағга катта лашкарни қуроллантириб, душманга қарши жангга солмоқ мумкин эди. Кўринги, очкўз халифа ҳатто ўзи, тожу тахти ва мамлакати ҳимояси учун ҳам йиққан олтинларининг бир қисмини-да, сарф қилмоқни истамаган. Ҳалоқу: “Қани кўрайлик-чи, бу олтинлар сени ўлимдан қутқара олармикин?” – дея, уни ўз хазинасига қамаб қўйган. Халифа олтинлар уюми орасида очликдан тиришиб ҳалок бўлган.

Иккинчи мисол эса ҳозирги кундан. Менинг жияним ва сизнинг амакиваччангиз Халил Султон падари бузрукворимиз тириклигидаёқ онҳазратнинг сафдошларидан бири амир Ҳожи Сайфиддин ҳарамидаги бир канизакка ошиқи беқарор бўлиб, уни олиб қочиб, берухсат уйланди. Амирларга қуюқ ваъдалар бериб, Самарқанд тахтига ўтиргач ҳам, ҳар бир юмушни мана шу хотини кўнглига қараб бажарди. Бу аёлнинг назари тушган таги паст қуллар, эртақлардагидек бир кунда молу мулкнинг ҳисобини ўзи ҳам билмайдиган бойларга айланишди. Ҳолбуки, Халил Султон бўйдоқлигида шижоатли, довюрақ, ёвқур бўлиб, Ҳиндистондаги муҳорабада бутун лашкар филлардан кўрқиб саросимага тушганда, олдинга отилиб чиқиб, энг катта филнинг хартумига найза уриб, кўшин руҳини кўтарган. Афсуски, филга бас келган эр йигит бир зоти паст аёлнинг измига ўз ихтиёрини кўш қўллаб топширди. Амирларнинг Халил Султонга садоқати эса то Самарқанд хазинаси тамоман совурилгунча давом этди ва воқеанинг бу ёғи ўзингизга яхши маълум.

Сиз ҳам энди тахт соҳиби бўлгач, илми ҳайъат китоблари мутолааси-ю, тунлари сайёралар ва юлдузлар ҳаракатини кузатиш каби машғулотларингизни бир оз чегаралаб, – отаси бу сўзларни айтаётганида Улуғбекнинг юзига қизиллик югуриб, тийрак кўзлари чақнади, бироқ бу уятданми ёки шавқданми эканини Шоҳрух Мирзо англаёлмай

қолди – диққат-этиборингизни кўпроқ салтанат юмушларига қаратинг. Тўғри, илму фанга ихлос – бу олтинга ҳирс қўйиш ёки ҳусндор аёлнинг чаён янглиғ зулфига банди бўлиш каби койишга сазовор бир иш эмас. Бироқ сиз султонсиз! Бинобарин, салтанат юмушларидан бошқа машғулотларга керагидан ортиқ чалғиган ҳукмдорнинг мамлакатиде зимдан ва ошкора тарзда фитналар етилмоғини зинҳор эсдан чиқарманг. Зеро, бўш қўйилган жиловни бошқалар ўз қўлига олмоққа интилуру. Салтанат сирларини чуқур эгалламоғингиз ва давлатни бошқаришни батамом ўз қўлингизга олиш иқтидорини касб этгунингизга қадар, отабегингиз амир Шоҳмалик Самарқандда – сизнинг ҳузурингизда қолур. Барча муҳим давлат ишларини салтанатимизга шоён хизматлари сингган ушбу улуғ амир билан бамаслаҳат ҳал қилинг.

\* \* \*

Отасини Бухорога доғур кузатиб қайтган Улуғбек Кўксаройдаги Амир Темур тахти қўйилган саломхонага ошиқмади. Саройнинг деворларига мрамар қопланган ҳаммомида ювиниб, энгил либосларни кийгач, болаликдан ўзига қадрдон бўлиб қолган бир хонага кирди. Ундаги тоқчаларга катта-кичик китоблар терилган, хонтахтада тахлам-тахлам аъло сифатли Самарқанд қоғозлари, доғот ва қаламлар қўйилганди. Бир неча йиллик жудоликдан сўнг, ниҳоят, устози Қозизода Румий билан холи суҳбатлашиш имкони туғилганидан Самарқанднинг янги султони ниҳоятда масрур эди. Устоз-шогирд кучоқлашиб кўришишди. Улуғбек мош-гуруч соқолли, нуроний юзли, тунлари энгашиб устурлобда осмон жисмларини кузатиш натижасида қадди бироз букинқираган алломани, унамаганига қарамай, тўрга чиқариб ўтиргизди. Қозизода шогирдига узоқ умр ва салтанатига ривож тилаб, дуойи фотиҳа қилди.

– Ушбу хонада сиздан олган сабоқларим сўнгра қўлимга тушган анча мураккаб китобларни ўқиб тушунишимга катта ёрдам берди, устоз, – деди Улуғбек кўзачадаги гулобдан чинни косага қўйиб узатар экан. – Энди, жанобларига малол келмаса, ҳафтада икки-уч бор ўшал сабоқларни давом эттирсак.

Қозизода тахтга ўтиргач ҳам, илм касб этишга иштиёқи сўнмаган шогирдига эҳтиром ва мамнуният билан боқаркан, ўз мулоҳазасини айтди:

– Каминангиз ҳам аслида Румдан Самарқандга илм излаб келган. Энди ўрганганларимни самарқандлик илм толибларига – айниқса, уларнинг энг тиришқоғига – ўргатолсам, бу улуғ шаҳар олдидаги қарзларимнинг бир қисмини узган бўлармидим. Бироқ, машғулотлар давлат ишлари билан шуғулланишингизга халал бермайдими?

– Баъзида шундай ҳоллар юз бермоғини эҳтимолдан соқит қилиб бўлмас. Мана бугун ҳам отабегим амир Шоҳмалик аёну саркардаларни йиғиб, машварат ўтказмоқ лозимлигини айтди. Сиз бир-

ла суҳбатга ошиққаним учун машваратни эртага қолдирдим. Чунки сабоқларим чала қолишини истамасман. Айниқса, илми ҳайъат соҳасида мукаммал билим эгалламоқчиман.

– Камина ҳозирча фақат назарий билимларни ўргата оламан.

– Амалиётга ҳам ўтамиз, албатта. Усталар топиб, бир неча кузатув олотларини ясаттирамиз. Келажакда эса расадхона ҳам бунёд этамиз. Мен Мароға шаҳридаги аллома Насриддин Тусий кузатувлар олиб борган расадхона ҳақида маълумотлар йиғдирдим. Унинг ҳозирда фақат вайроналари қолган бўлса-да, муҳандислар иморати тарҳини тақрибан аслига мос қилиб чиздилар. Албатта, бизнинг расадхона Тусийникининг бир тақроригина бўлиб қолмас. Илми ҳайъат китоблари ва расадхоналар ҳақидаги маълумотларни йиғишда давом этамиз.

Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларида янги мадрасалар бунёд этамиз. Мамлакатда илмни одамлар қанча кўпайса, у шунчалик тараққий этгуси. Улуғ бобом Темурбек Самарқанд мадрасаларида толиби илмларга бериладиган таҳсил пулини бир неча баробар кўтарганлари бежиз эмас. Шунда улар ҳеч нарсага зорикмай, фақат илм касб этишга машғул бўлишади. Халил оғам ўзи ашъор битишга мойил бўлганидан кўпроқ шоирларга ҳомийлик қилди. Бу ҳам зарур, албатта. Бироқ, биз шунга эришайликки, илмга чанқоқ ёшлар фаннинг исталган соҳаси бўйича илм олишлари учун Самарқандда барча шарт-шароитлар муҳайё бўлсин.

– Сизнинг сўзларингизни тингларканман, тез орада Самарқандда бир неча аср бурунги Бағдод ва Хоразмдагидек байт ул-ҳикма бунёд этилишига ишончим ортмоқда.

– Кўнглимдаги энг буюк орзуимни янглишмай англадингиз, устоз. Жаҳонгир бобом даврида Самарқанд ер юзининг сиёсий маркази бўлган бўлса, энди уни замоннинг илмий марказига айлантирайлик. Чинга бориб бўлса-да, илм изла, демиш донишмандлар. Келаси йили қиблагоҳим Чин мамлакатига элчилар юбормоқчи. Биз ўзимизнинг элчиларни ҳам уларга қўшиб жўнатамиз. Шу боис, шогирдларингиз орасидан бир укувлисини танланг. Элчилар билан бирга жўнаб, бошқалар хитойи ипак ва чинни харид қилишганда, у илми ҳайъатга доир китобларни излаб, пулига қарамай сотиб олсин. Халқларнинг дини турлича бўлиши мумкин, бироқ илм бутун башарият учун ягонадир.

Мароқли суҳбатдан сўнг Улуғбек устозини сарой дарвозасигача кузатиб чиқди. Қозизода Румий масрур ўйларга берилиб, уйига қайтар экан, жаҳонгир Амир Темур марҳум аллома Саъдуддин Тафтазонийни ҳар гал сарой дарвозасигача кузатиб чиққанини эслади. “Ҳа, Мирзо Улуғбек соҳибқирон Амир Темурга муносиб набира, – кўнглидан кечди олимнинг. – Иншооллох, унинг шуҳрати бобосиникидан кам бўлмагай. Улуғбек келгусида битажак китоблар Темур лашкари етмаган мамлакатларга доғи етиб борса, не ажаб!”



### *Бельгия мақоли*

*Ҳақиқий севги айрилиқда унутилмас.*

### *Боливия мақоли*

*Севги камон чалими кабудир, билмаган ёмон кўйлар ғижаради.*

### *Болгар мақоллари*

*Кўкдаги юлдузларни эмас, ердаги сурғувларни кўпроқ сана.  
Кўлар роз олтин камитга ўрғинайди.*

*Мақолларни Давронбек ТОЖИАЛИЕВ таржима қилган ва тўплаган*







## Туллаб ётар руҳи мда бахор

\* \* \*

Мен ўшаман,  
Ўша Сиз билган,  
Вале дилга нимадир бўлди.  
Айта олмасам-да нелигин,  
Вужудимда нимадир ўлди.  
Ва исён бошланди –  
Ғалаён,  
Жонимда ҳаловат йўқ энди.  
Айрилдимми ёки етишдим?  
Билганим шу – Ишқ мени енгди!



\* \* \*

Бу қадим йўл,  
Жуда қадим йўл –  
Ўзингдан ўзингга қайтиши йўллари.  
Шитоб қилдим,  
Илкимдин тутгил,  
Тақдирнинг меҳрибон қўллари.

Не бахт, мана кириб ҳам келдим,  
Ёбонлардан гул териб бир-бир.  
Малҳам эмас, дардини сўраб,  
Ўзини излаган мусофир.



\* \* \*

Тизларимга уриб, синдириб,  
Ғурур отлиғ душманни енгдим.  
Тошни ёриб ўсган дарахтнинг  
Шохларига барг бўлиб индим.

Ёмғир янглиғ дилга тўкилар,  
Эртас айтиб кеч куз қўшиғи.  
Наволарга тўлиб боради  
Тўлган сайин кўксим бўшлиғи.

\* \* \*

Ай кўнглим-а, орзу айла,  
Фақир яшаш саодатин.  
Тила яқин-йирогингга  
Азал, Абад шафоатин.

Юздан артиб кўз ёшингни,  
Саид кунларни ёд этгил.  
Сано йўллаб саболардан,  
Расоликни мурод этгил.

Сени ҳақдин йироқ этмиши,  
Ҳарифу анжумандин кеч.

*Дўст йўлига раҳна солмиш,  
Муаммони бирма-бир еч.*

*Тош отсалар, сен майса тут,  
Беҳазон ул айём келгай.  
Юз йил кутдинг ва яна кут,  
Бир кун Ёрдин пайғом келгай...*

*Шиддаткордир тобора вақт,  
Вале қани бизнинг Фасл?  
Ой жонимдин жонга ботиб,  
Истар оташ янглиз Васл.*

\* \* \*

*Бугун вужуд мусаввир,  
Нигоҳларим мўйқалам.  
Ногоҳ илҳомлантирди  
Юрагимдаги алам...  
Тўлқин узра чизгилар  
Чизаверди қарогим.  
Шодликдан хабар бериб,  
Учиб қўяр қабогим.  
Мана ўша: кулча юз,  
Офтобларда доғланган.  
Қалдирғоч қош, қийиқ кўз,  
Саволларга чоғланган.  
Лабда эса ҳоргинроқ,  
Ҳазинроқдек табассум...  
Ниҳоят, бир нуқтада  
Суюклигим тажассум.  
Юзма-юзман,  
Қандай Бахт!  
Бугун қушман, қумриман.  
Кўксингдаги «оҳ»ларнинг  
Садосиман, умриман...*

\* \* \*

*Матоҳпараст ушбу дунёнинг  
Қунларидан дилим тўлмаган.  
Яшайвердим.*

*Олишиб ҳеч ким  
Ўзига енгилиб ўлмаган.  
Изҳор ҳам қилмадим боримни,  
Китобман, ўқувчим кўрмаган.  
Армонларим сочимдан-да кўп,  
Зеб бериб, зеб бериб ўрмаган.  
Кўра олай оёқ остини,  
Бино қилгил кўнглимни, ай Ёр,  
Мен таваккул қилдим ўзингга,  
Сарҳадгача масофа бисёр.*

\* \* \*

*Ўзингга топшириб боримни  
Бу дунёдан чиқдим у кетдим.  
Дарё, денгиз, иқлимлар оша  
Тушларимга, наҳотки, етдим?*

*Остонагга бошимни қўйдим,  
Илоҳий тафти мени ўлдирди.  
Ва уйғотди янги бир фасл,  
Садоларим кўкни тўлдирди.*

*Юрагимда барқ урар офтоб,  
Гуллаб ётар руҳимда баҳор.  
Лойиқманми, шундайин бахтга,  
Айтгил ўзинг, айтгил, Биру Бор?!*

\* \* \*

*Тун кокилга оқ пилик тақди,  
Бир зум меҳмон кўзимга уйқу.  
Чолғу тилга кирар оҳиста,  
Руҳ рақсига қўш қанот туйғу.*

*Ерни ўпган товонларимни  
Кўзларига суртади ҳаво.  
Қон ўрнига гулоблар оқиб,  
Томиримдан тўкилар наво...  
Наво,  
наво,  
наво...*





## БИР ОҚШОМ

### Ҳикоя



Ногаҳонда эшик тақиллаб, эр-хотин бир-бирига қараб олишди. Ахир, ҳеч кимни кутмаганларидан кейин кўнгилга хавотир оралайди-да! Ижара ҳақи яқинда тўланган, участка нозири билан ҳам аллақачон келишиб қўйилган. Қишлоқдан ташриф буюрадиганлар келган, десанг, улар телефон орқали аввал огоҳлантириб қўйишарди.

Аксига олиб, бу эшикнинг кўзчаси йўқ. Аввалгиси ҳарна яхши эди: эр-хотин аввал мўралаб, нотаниш-бетайинлар бўлса, нафас олмай туришарди. Келган одам минғирлаб-минғирлаб орқасига қайтарди.

– Очинг, нега қараб турибсиз? – деди Зоҳида, эшик яна тақиллагач.

Саид хоҳлаб-хоҳламай эшик томон юрди. Кейин дадилланган ҳолда, ўзича кулган бўлди: “Нимадан кўрқаман, бировнинг олдида тилим қисик жойим борми?” Аммо барибир эшикни очишга юраги бетламай турди. Бу орада эшик тақилламай қўйгани боис у секин ташқарига қуроқ тутди.

– Оббо, Зоҳида, очсанг-чи! – деган овози келди аёл кишининг. – Совқотиб кетдим.

Саид Зоҳидага норози қараб қўйди-да, ортига қайтди.

– Вой, Хосият-ку! – ёдига тушди Зоҳида кўнгли ёришиб. – Мактабдаги синфдошим. Бугун бораман, девди-я!.. Ҳозир, ҳози-и-и-р!

Эшик очилиб, Хосият гуриллаб ичкарига кирди.

– Бунча подьездларинг совуқ, – деди у Зоҳида билан кўришаркан. – Қалайсан? Яхшимисан? Эшикни очишинг ҳам қийин бўлди. Намунча!.. Тўхта, эринг уйдами?

– Ҳа, уйда, ичкарида, – деб ётоққа имо қилди Зоҳида. Кейин кулди: – Нега анграйиб қолдинг? Ёки шу совуқда у кишини кўчага чиқариб юборайми? Киргин, пальтонгни менга бер.



– Уйда бўлса, яхши, – деди қувноқ овозда Хосият. – Чиқариб юбориш шарт эмас. Танишамиз, гаплашамиз. Кўрай-чи, дугонам ишончли қўллардамикан?

Бу гапларни эшитган Саид ноилож ётоқдан чиқиб, Хосият билан кўришган бўлди. Хосият кўҳликкина экан. Қошларини эринмай терган, ингичка лабларини қимтиб туради.

Ҳол-аҳвол сўрашдилар. Кейин меҳмонхонага киришди.

Зоҳида дастурхон тузагунча Саид Хосият билан рўпарама-рўпара ўтирди.

– Дугонамни илиб кетган сиз экансиз-да! – ҳазиломуз деди Хосият. – Қанча-қанча йигитларга чап бериб, сизга қолганда бўйин эгибди-да!

– Ҳа, шунақа, – деб қўйди Саид.

– Биз Зоҳида билан битта партада ўтирганмиз, – гапни илиб кетди Хосият. – Нуқул ундан кўчирардим. Яхши ўқирди-да! Энг аълочи бўлган. Шунинг учун ёнидан жилмасдим. Кўчираверардим-кўчираверардим, аммо барибир аблаҳ ўқитувчилар билишарди. Мен қўл кўтарсам, жеркиб беришарди. Айниқса, химиядан Аблаев бор эди. “Формулани сен ўзинг ечсанг, доскага чиқараман”, дерди.

– Яхши эди раҳматли, – деди қўлида чой билан қайтиб кирган Зоҳида.

– Э, яхши эмиш! Яхши бўлса, дарсга маст бўлиб келармиди!

Саид ҳайрон бўлиб хотинига қаради.

– Бир марта ичган, – Зоҳидадан олдин жавоб берди Хосият. – Бешта қизидан кейин ўғли туғилганди-да! Роса болажон эди. Қувониб кетиб, эрталабгача ювган... Директор ҳайдаб юборди. Хосият, дастурхонга қара, ол, еб ўтир.

Хосият эшик томонга аланглаб сўради:

– Айтгандай, болаларинг қани?

Зоҳида ҳам, Саид ҳам нима деярларини билмай қолишди. Иккаласи учун энг ёмон савол шу! Боя сўрашаётганида ҳам Хосият, “болалар яхшими?” деганида сездиришмаганди. Энди яна сўраб ўтирибди.

Хосият мулзам тортиб, аввал Зоҳидага, сўнг Саидга қаради.

– Энди, – деди Зоҳида паст овозда.

– Ҳа, ҳали ёшмиз, ўн гулимиздан бириям очилмаган, – деди Хосият уларни хижолатдан қутқариш учун. – Вой, ёшсизлар, демоқчи эдим. Менинг эса ўн гулимнинг ҳаммаси очилиб бўлган. Гапим тўғрими, Саид ака? – шундай деб Хосият кулиб юборди.

– Йўғ-ей, унча... эмас, – деди Саид нима деярини билмай.

Хосият ҳам, Зоҳида ҳам кулиб юборишди.

Яна бироз ўтиргач, Саид секин ўрнидан туриб, ётоққа кириб кетди. Дугоналар эса анчагача сухбатлашиб ўтиришди...

Эртаси куни Саид Хосият ҳақида эшитиб, бақрайиб қолди. Жаҳли ҳам чиқди.

– Сен ҳали... ҳали оқпадар қизлар билан дугона бўлиб юрибсанми? – деб сўради.

– Дугонам эмас, ўзи айтди-ку, битта партада ўтирганмиз, – ўзини оқлаган бўлди Зоҳида. – Анча вақт йўқолиб кетганди, энди пайдо бўлибди. Буларнинг оиласи ўшандаёқ кўчиб кетишганди.

– Нега... нега отаси оқ қилган? – қизиқди Саид.

– Бир йигит билан қочиб кетган. Анча вақт ўшаникида яшаган. Эҳе, неча йиллар бўлди бунга.

– Энди шаҳарга келибдимми? Сени қандай топибди?

Зоҳида нима деярини билмади, чайналиб қолди. Саид эса, бир гап бордек, қошларини чимириб, ундан жавоб кутди. Диққат бўла бошлади.

– Сен мендан сир яширадиган бўлдингми, тушунмадим?

– Йўқ, нега яшираман? Кеча туғруқхонага борганди, мени кўриб қолди. Шу ерда ишлашимни эшитиб, қувониб кетди. Аввалига нима учун борганини айтмади...

– Кейин-чи?

– Кейин... боламни олдирмоқчиман, деди. Кеча...

Саид бир зум карахт бўлиб қолди. Қаршисида турган инсон хотиними ё бошқа аёлми, англай олмади. Кўзлари пир-пир уча бошлади.

– Сен... сен ҳали шундай...

– Тўхтаг, мен унинг гапини айтдим, холос.

– Йўқ, сен ўзинг тирноққа зор бўла туриб, шундай ишлар билан шуғулланасанми ҳали? – Саид бу сўроқни шунчалик сокинлик билан бердики, Зоҳиданинг лаблари титраб кетди.

– Мен бундай иш қилмайман, – деди у киприкларини пирпиратиб. – Болангни аборт қилдиргунча менга бер, дедим.

– Алдама, – овозини баландлатди Саид.

– Алдаганим йўқ, – астойдил гапирди Зоҳида. – Фақат... сизга қандай айтишни билмай тургандим.

Саид асабийлашиб хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади:

– Мен сенга ўзи тушунолмаяман. Отаси оқ қилган қизни бизниқига таклиф қилсанг, тагин унинг туғилажак боласини асраб олмоқчи бўлсанг... Бошимизга урамизми?! Ким билади, қаердан орттирган уни. Шунча йил туғруқхонада ишлаб, битта чақалоқ тополмай, кунинг шунга қолдимми? Ахир, сенга неча марта айтдим, ҳатто битта аёлга пул ҳам бергандик. Туққанидан кейин кўнмади, дедим. Мехрибонлик уйига ҳам бордик, хўп, майли, бу бошқа масала... Мана энди оқпадар дугонангнинг найрангига учиб ўтирибсан. Нималар бўляпти, Зоҳида?

– Агар сиз ўша пайтда бўлганингизда... – хўрсиниб қўйди Зоҳида. – Ўзимни тутиб туролмадим, ахир! “Боламни олдираман”, дейди-ю, менга ўхшаган болага зор аёл бу гапга чидаб туролармиди!

Хона бўйлаб юришдан тўхтаган Саид хотинига қараб қолди. У Зоҳидани тушунади, унинг дардини, ҳис-туйғуларини жуда яхши англайди. Неча йиллардан буён хотинига елкадош-ку! Аммо ҳозирги вазиятда... Аёл – аёл-да! Эртани ўйламайди. Эртага анови бетайин Хосият буларнинг бошига ташвиш келтирмайди, деб ким кафолат беради?! Қолаверса, яна ўша гап: боланинг зуваласи қандай пишгани номаълум-ку! Номаҳрамдан қандай зурриёд дунёга келиши аён-ку!

Саид хотинига шу ҳақда айтди.

– Майли, ўша бола керак эмас ҳам дейлик, – деди Зоҳида босиқлик билан. – Кейин бир умр пушаймон бўлмаймизми? Ахир, Хосият аборт қилишини била туриб, индамай турсак, гуноҳга ботмаймизми?.. Болада нима айб?

Саид бу гапларни эшитиб, ичи музлаб кетди. Ўйга ботди...

Чирокни ўчириб ухлагани ётганларида ҳам у мижжа қоқмай ётарди. Алламаҳалда кўзи илинди.

Эрталаб нонушта пайтида у ботиниб-ботинолмай хотинига яна шу ҳақда гап очди:

– Кечаги гапларингни роса ўйлаб кўрдим, Зоҳида. Фақат битта масалани яхшилаб мулоҳаза қил: бу Хосиятинг шу ерда экан, кейин боласини пеш қилиб, бизга ҳаловат бермайди. Нима дейсан, тўғрими?

Зоҳида жавоб ўйлаб тополмай, елкасини қисди.

– Менга қара, ўзи эри бормикан?

– Мен ҳам сўрадим, – жавоб берди Зоҳида. – Нукул гапни айлангирди. Эри ҳақида ҳеч нима демади. Иккита қизи бор экан. Қариндошлар қишлоққа олиб кетишган, деди... Ишқилиб ўзига айтиб қўйманг.

– Э, нима, мен у билан гурунглашармидим!.. Хўп, дастурхонга фотиҳа ўқийлик... Сен мен билан бирга кетасанми?

– Альфия холадан хабар олайми, девдим. Зерикиб қолгандир. Айтгандай, бугун навбатчиман, эсингизда-я?

– Ҳа-ҳа. Холанинг чой-нонига ҳам секин назар сол... Бўпти, мен кетдим.

Саид ишга бора-боргунча нима қилиш мумкинлигини ўйлаб кетди. Унинг кўнгли аллақандай ғаш, Хосиятнинг боласини олдирмоқчи бўлгани, Зоҳиданинг ўша болани асраб олиш ҳақидаги таклифи Саиднинг хаёлини берк кўчага киритиб қўйган эди. Тўғри, Зоҳиданинг гапида жон бор, бироқ кейин ўша бола Саид билан Зоҳиданинг фарзандига айланади, бир умр ёнларида бўлади. Тайини йўқ зурриёд!

Икки кун мобайнида Саид ана шу ўйлардан халос бўлолмади. Ҳамкасбларининг гапига ҳам тузук-қуруқ жавоб бермади. Аслида, жилла курси, Маҳкамга кўнглини ёрмоқчи, маслаҳат олмоқчи эди. Ботинолмади. Зоҳидага ҳам ҳеч нима демади. Ҳаммасини вақт ҳукмига ташлади. Шу боис Хосият ҳақида ҳам хотинидан сўрамади, Зоҳида ҳам шу ўй-хаёлларда шекилли, лом-мим демасди.

Учинчи куни ишдан қайтганида Альфия хола, Хосият ва Зоҳида суҳбатлашиб ўтиришганининг устидан чиқди. Саиднинг кайфияти бузилса-да, сездирмасликка ҳаракат қилди. Альфия хола уни роса алқаб гапирди.

– Барака топгин, Саиджон. Уминг узоқ бўлсин. Хайрият, сизлар борсизлар. Неча марта касал бўлдим, неча ўлимдан қолдим. Билмадим, ҳолим нима кечарди... Ишларинг яхшими, болам? Савоб иш қиласизлар, қанчалаб касалларга даво берасизлар.

– Раҳмат, яхши, – деди Саид. – Ишимиз шу-да, Альфия хола.

– Даромад ҳам бўлаётгандир? – хиринглаб кулди Хосият.

Саид индамади. Бир пиёла чой ичгач, уларни холи қолдирди. Хиёл ўтмай, ортидан Зоҳида чиқди.

– Альфия хола нима дейди? – дея сўради шунчаки йўлига Саид.

– Иккаласи роса тил топишиб олишди, Хосият ҳам роса қотиради-да, – деди Зоҳида.

– Менга қара, ҳалиги гапни... Ҳеч ким билан маслаҳатлашмаймизми? Ҳар ҳолда, қари билганни пари билмайди, дейдилар.

– Менга қолса, қишлоқдагилар билмагани маъқул, яна ўзингиз ҳал қилинг. Ваҳима қилиб юборишади-да!

– Бунинг нима деяпти?

– Ким?

– Дугонанг-да!

– Бугун келди, боя. Гап очмаяпти. Менгаям сўраш ноқулай. Тилим бормаяпти.

– Яхши... Бўпти, борақол, ноқулай бўлмасин...

Кўп ўтмай, Хосият Саид ва Зоҳидани ҳайрон қолдирди: у кўч-кўронини кўтариб келиб, Альфия холаликка жойлашибди.

“Бечорагина экан, раҳмим келди, – дебди Альфия хола Зоҳидага. – Роса йиғлаб-сиқтади. Ҳеч кими йўқ етимман, деди. Ўзи ижарага қўядиган одатим йўқ, аммо, тўғриси, бу қизга ачиндим. Сизларни кўп гапирди, шундай экан, ишонмай бўларканми? Ҳарна, иссиқ-совуғимга қараб туради, қачонгача сизларни безовта қиламан. Болаларим тирик бўлса экан, тараллабедод яшасам”.

Саиднинг ичидан зил кетди. У вақти келиб кампирнинг уйи ўзларига қолиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўйлаган эди. Афтидан, Хосият ҳам шу ҳақда фараз қилиб кўрган. Аммо нима учун Альфия хола яхшилаб синаб кўрмай туриб, уни уйига қўйди экан? Пишиққина эди-ку кампир! Начора, зўрдан зўр, пишиқдан пишиқ чиқар экан.

– Бу дугонанг ҳали кўп ташвиш келтирмаса эди, – деб қўйди Саид хомуш тортиб.

Хосиятнинг аслида қаерда ишлашини ҳам билиб бўлмайди. Баъзида кундузи ҳам “Зоҳида, шу ердамисан?” деб кириб келаверади. Альфия холанинг инжиқликлари ҳақида гапириб, нолигани-нолиган. Зоҳида бола ҳақида гап очган экан, “ахир, келишдик-ку, шу бола сизларники”, деб ўзининг қорнига шапатилаб қўйганмиш.

– Ие, Саид ака, сиз ҳам ичасизми? – деб кулди Хосият бошқа куни қаҳ-қаҳ уриб.

Саид бироз ширакайф бўлиб келган эди. Бош ирғаб қўйди. Назарида Хосият унга кўз қисиб қўйгандек, таманно қилгандек туюлиб кетди. Туюлдими ёки у ростдан ҳам шундай қилдим, онг-шуурига сиғдиролмади.

– Вой, бу кампир роса чатоқ-да, – деб ўгирилди Хосият Зоҳидага. – Шунча алдаб сўрасам ҳам уйнинг ҳужжатларини кўрсатмаяпти. Мен шоҳида юрсам, у баргида юраркан. Эрта-индин ўладиган одам савоб иш қилиб кетса бўлмасмикан-а, тавба?!

Саид кўз остидан хотинига қаради, Зоҳида эса Хосиятга билдирмай эрининг қўлини қисиб қўйди. Ўзингизни босинг, дегани эди бу.

– Ичи тўла гап, – сўзида давом этди Хосият. – Болалигини эшитавериб-ку, қулоқ-чаққаларим оғриб кетди. Кейин тўйини тўрт соат гапиради. Урушда ўлган эри-ку, алоҳида мавзу. Гўё бу дунёда улардан бошқа севишганлар бўлмаган.

– Альфия хола – яхши кампир, – деб қўйди Саид.

Хосият унга норози боқди-да, ўрндан турди:

– Хўп, энди мен бора қолай. Яхшилаб овқатлан-тирмасам, кўнгли оғрийди. Ахир, яхши кампирларга яхшилаб қараш керак, акс ҳолда уйдан ҳайдаб юборса, қаерга бораман?..

Кейинроқ Саид хотинидан Хосиятнинг Альфия холага васийликми, алламбало бўлиш учун ҳужжатлар

тўғирлаб юрганини эшитди. Индамай қўл силтаб кўйди.

– Яна битта хабар бор, – деди Зоҳида кулгичлари ўйнаб. – Айтайми?

– Айт-да, – Саид ҳам кулимсиради.

– Бир аёл чақалоғини ташлаб кетмоқчи. Ўзим кўрдим: қизалоқ экан. Бирам ширин, бирам ширин.

Саид шошиб қолди. “Йўғ-ей”, – деди фақат. Ўша чақалоқни ўзи ҳам кўргиси келди. Худди ўзининг боласидек юраги ҳаприқди. “Энди Хосиятнинг боласини олмаймиз, хайрият”, – деди ичида. Бу гапни тилига чиқара олмади. Шунга қарамай, хушёр Зоҳида Саиднинг кўнглидагини ўкган эди.

– Агар ўша қизалоқни олсак, Хосиятга нима дейман? Бошим қотиб қолди.

– Э, Хосият билан нима ишинг бор? Ғирт товламачи-ку у! Кўз очиб-юмгунча нақ бурнингнинг тагига келиб олди-я, айёр! Боласиям ўзига ўхшаган бўлади-да!

– Нима бўлгандаям Хосиятга айтиб қўйганман-ку!

– Менга қара, ҳар ҳолда туғруқхонангдаги ўша чақалоқ тайинли онадан туғилган бўлса керак?

– Тўғри, аммо...

– Юр, кетдик, – деди кутилмаганда Саид.

Зоҳида савол аломати билан унга ҳайрон бўлиб тикилди.

– Айланиб келамиз, Зоҳида.

Кеч тушган бўлса-да, эр-хотин роса сайр қилишди. Театр, кинодан кўра, ҳар иккисига ҳам кўча айланиш маъқул эди. Совуқдан жунжиккан Зоҳида талабалик давридаги каби Саидни маҳкам қўлтиқлаб олган эди.

– Менга қаранг, ё бошқа ижара уй топамизми? – деди Зоҳида.

Саид хотинидан бу таклифни кутмаган эди. Наҳотки азбаройи Хосиятни деб шу қарорга келган бўлса? Зоҳидага шу ҳақда айтди.

– У топаман, деса, сени ишхонангдан ҳам топиб олаверади, – деди қўшимча қилиб. – Сениям безорингни чиқариб юборганга ўхшайди. Энди ундан қутулиш қийин, Зоҳида.

Зоҳида бирданига юришдан тўхтади:

– Аммо у боласини олдирадиган бўлса, гуноҳи менинг бўйнимда бўлади.

– Қўйсанг-чи, нега бунча куйинаверасан? – дакки берди Саид. – Сен, яхшиси, ўша қизчани ўйла. Балки эртага ишхонангга борарман, менга кўрсатарсан уни.

– Ҳали эмас, – деди Зоҳида. – Навбатчилигимда борарсиз, кечкурун ҳеч ким бўлмайди. Айримлар гап-сўз қилиб юрмасин. Аёлларни биласиз-ку!

Хосият ҳақида ҳам гаплашишди. “Бир сўкиб берсам, остонамиздан бошқа ҳатлаб ўтмас”, деди Саид. Зоҳида бош чайқади. Хосиятнинг анойи эмаслигини айтди. Саид жиддий ўйланиб қолди: ростдан ҳам мана шу Хосиятни деб кўчиб кетишадими? Ижарама-ижара юриш жонига теккан, ахир!

Зоҳиданинг навбатчилиги куни Саид кечкурун бориб, қизалоқни кўрди. Ҳатто қўлларига олиб эркалади. Чақалоқдан қандайдир муаттар ҳид келаётгандек, боши айланиб кетди. У Зоҳидага қараб, баттар тўлқинланарди. “Болам, болажоним”, дерди Зоҳида қувончдан кўз ёшларини тия олмай. Аммо ҳалиям қизалоқнинг ойиси узил-кесил қарорга келмаётганмиш. Агар ҳозирдан шундай қилаётган бўлса, эртага

бир-икки ой, боринги, беш-олти йил ўтиб, боласини сўраб келса, нима бўлади?

– Тилхат олсак бўлди-да, тўғрими? – шундай деб Зоҳида нажот кўзи билан эрига қаради.

– Билмасам, – деди Саиднинг руҳи тушиб.

У алламаҳалда ортига қайтди. Йўл бўйлаб негадир йиғлагиси келди. Шунча йиллардан буён боласи йўқлиги учунми, боз устига бола асраб олишда ҳам тўсиқлар учраётганиданми, ўзини омадсиз, чорасиз сизди. Фарзандлари йўқлиги учун ҳам бу эр-хотин кўпчиликка қўшилолмади, бошқаларнинг олдида айбсиз айбдор – тиллари қисик. Юракларини ҳовучлаб туради: “Ишқилиб болаларни сўраб, мулзам қилишмасин”. Қачонгача? Қачонгача, ахир! Табибларга, шифо масканларига, таниқли врачларга ҳам боришди. Айб кимда – бирови эрда, дейди, иккинчиси хотинда, дейди.

Ажралиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Саид билан Зоҳида бир-бирларига шунчалик ўрганиб қолишганки, уларнинг руҳияти ҳам, вужуди ҳам жипслашиб кетган, гўё. Агар Саид Зоҳидани ташлаб кетса, Зоҳида бир ҳафтагина яшаши мумкиндек туюлади. Туюлади эмас, шундай бўлади ҳам. Саид бунга ишонади. Ўзи-чи? Ўзи ҳам шу! Аммо бу билан кимнинг ҳам иши бўларди!.. Одамларни сендан кўра, сенинг боланг, аниқроғи, сенинг болалик бўлганинг қизиқтиради. Боланг бўлса, сени тинч қўядилар, акс ҳолда гап-сўз учун сабаб, ваз излайверадилар. Ўзларича ачинадилар, афсус чекадилар, ҳатто шундай қисматга дучор қилмаслиги учун ёқаларини ушлайдилар, шукр қиладилар.

“Майли, бизнинг ҳам фарзандларимиз бўлар”, – деди алам билан Саид ўзига ўзи.

Шу топда унинг ижара уйга қайтгиси келмасди. Зоҳиданинг олдида яна озроқ қолса бўларкан. Уни ҳам оғир ҳаёлларга ташлаб келди. Далда бериш керак эди аслида. Эр-хотин шунинг учун эр-хотин-да! Бири тушкунликка тушса, иккинчиси юпатмоғи керак, ёки аксинча. Бироқ ўзинг бир оғиз юпанчга муҳтож бўлиб турганинга бошқага қандай таскин бера оласан?

Меҳрибонлик уйдан бола олмоқчи бўлганларида... Ўшанда муассаса раҳбарини учратганларида ҳаммаси яхши тугар эди – тадбирга кетган экан. Зоҳидани ҳамма болалар қуршаб олишган, у ўзини йўқотиб, барини бирма-бир кучоқлар, кўз ёшларини тия олмасди. “Ҳаммангизни олиб кетаман, ҳаммангизни”, дерди титраб. Кейин эса бирдан мазаси қочди. Зоҳидага руҳий сиқилиш мумкин эмас эди. Саид уни уйга олиб кетди. Зоҳида бир ҳафтача кўрпа-тўшак қилиб ётди. Кечаси-ю кундузи алаҳсираб чиқди. Ижара уйнинг эгаси ҳам кўрқиб кетганди ўшанда. “Олиб борманг унақа жойларга, кўрмаяпсизми, хотинингиз кўтаролмайди”, – деган эди Саидни уришиб.

Бир ҳафтадан кейин ҳам Зоҳиданинг боши оғриб юрди. Сал-пал ўзига келгач, “Борайлик”, – деди эрига. Саид у-буни баҳона қилиб, бошқа кунга қолдираверди. Бир куни эса чидай олмай, ўшқириб берди, “бормаймиз, бошқа жойдан топамиз”, – деди. Зоҳида етимхонани гапирмайдиган бўлди.

Ҳа, Зоҳидани авайлаши шарт. Саид шу ҳақда ўйларкан, уйга киргач, унга кўнғироқ қилиш ҳақида ўйлади. Ишқилиб ухлаб қолмаган бўлсин. “Навбатчи



хамшира Зохида Салимова унча-мунчага ухламайди”, – деди овоз чиқариб.

Уйга киргач, Саид эринибгина уст-бошини ал-маштирди. Кейин хотинининг рақамини терди. Зохида дарҳол кўнғироққа жавоб берди. “Ухламадингизми халиям?” – деб сўради. “Сени яхши кўраман”, – деди Саид. Зохида кулди. Хайрли тун тилади.

Саид ўринга чўзилар-чўзилмас, эшик тақиллади. “Хосият, – деб ўйлади у дарҳол. – Унга нима керак?”

Индамай ётаверди. Эшик яна тақиллади. “Зохида, оч, Альфия холанинг мазаси қочиб қолди”, – деган овози эшитилди Хосиятнинг.

Саид сакраб ўрнидан туриб, эшикни очди. Ташкарида юпунгина ўранган Хосият турарди.

– Нима бўлди? – деди Саид оёғига пойафзал иларкан.

– Ҳозиргина ухлаб қолди, дори бердим. Хириллаб юборди, Саид ака. Бирорта тинчлантирувчи дорингиз йўқми? – Хосият таклифни кутмай, ўзини ичкарига урди. Саиднинг димоғига гуп этиб ароқ ҳиди урилди.

– Кўрай-чи, бўлиши керак, – деди Саид, кейин даҳлиздан ичкарига кириб, дорилар қутисини кавлади. – Фақат бошоғриқ дори бор экан.

Хосият унинг ортидан кирди:

– Бераверинг, бўлади. Бу бош нималарни кўрмаган. Ичим ёняпти, Саид ака. Боя кампир билан бирга овқатлангандик. Билмадим, бирор масаллиқ айниган эканми, кўнглим беҳузур бўляпти. Майлими, шу ерда беш дақиқа ўтириб, ўзимга келиб олсам?

Саид нима деярини билмади.

– Беринг дорини. Совуқ чой ҳам бор экан, – Хосият дорини оғзига ташлаб, банкадаги чойни кўтарди. Ўзига келгандек бўлди. – Зохида қани, ухлаяптими?

Саид ётоқ томонга қаради-да, “ҳа” дегандек бош ирғади.

– Тавба, мен нима ташвишдаман-у, у эса ухлаш билан овора, – Хосият оромкурсида ўтирганича бошини орқасига ташлади. Кўзларини юмган кўйи анчагача жим ўтирди, кейин эса кулди: – Нега алдайсиз, Саид ака, хотинингиз бугун навбатчи-ку! Шунчалик кўрқасизми Зохидадан?

Саид қовоғини уйиб индамади.

– Мен ухлашим керак, эртага ишга бораман, – деди кейин.

– Ҳайдаб чиқаряпман, денг? Яхши. Зохида менга қанчалик ялинганини биласизми? Мен боламни олдирмоқчи эдим. Менга бер, деб илтимос қилди. Сиз эса бир илтифот кўрсатишни билмайсиз. Мендан хафа бўлманг, мен очигини гапиришни яхши кўраман. Тўғри, салгина мастман, нима қилай, шунақаман-да! Анови кампир билан оз-оздан ичдик. Тўғри, мен сал кўпроқ ичдим. Кейин ухлаб қолибман. Турсам, аллақачон овқатини еб бўлибди очофат. Қисқаси, мен бир иш қилгандим-да, лекин бу ҳақда сизга айтмайман... Мана энди кампир ухлаб ётибди. Мен эса зерикиб кетдим... Зўрсиз-а, Саид ака, Зохида шу ерда эмиш! Кошки сизга алдаш ярашса! Сиз бир мулойим, кўй оғзидан чўп олмаган одамсиз. Ҳатто алдашни ҳам билмайсиз. Биттаси бор эди менда, худди сиздай. Биринчи оиласига қайтди... Вой, ичим ёниб кетяпти. Нима бўлди менга?.. – Мастсиз, бора қолинг.

– Саид ака, нима десангиз, денг, мен мана шу креслода ётаман, туришга мадорим йўқ.

– Хосият, – асаби қайнаб деди Саид, унинг кўзлари ачишар, уйқуси келаётганди. – Яхши эмас.

– Кетайми? – Хосият зўрға ўрнидан турди ва гандираклаб шартта Саидни кучоқлаб олди. – Агар ҳозир бақирсам, бутун кўни-кўшни йиғилади.

Саиднинг унга бир мушт туширгиси келди. Ўзини зўрға босди. Хосиятнинг кўлларини бўйнидан олмоқчи эди, у баттар кучоқлади.

– Менга нима бердингиз, Саид ака? – деди Хосият унинг нақ қулоқлари тагига шивирлаб. – Заҳар эмасми?.. Майли, сиз менга заҳар берсангиз ҳам розиман.

– Бас қилинг, – дўк урди Саид. – Бу уйни наҳсга ботирманг.

– Саид ака, жоним, – Хосият шунчалик эҳтирос билан гапирдики, Саиднинг ҳислари жўш уриб кетди. У ҳеч нима гапиролмади. Худдики тили танглайига ёпишиб қолгандек эди. Хосиятни итариб ташлашга на куч, на да... хоҳиш қолган эди унда. Кўзларини юмиб олди. Токи манови тавиядан қутилмагунча кўзларини очмасликка қарор қилди. “Нима бўлса бўлар”, – деди. Ана шунда... ана шунда оний лаҳзаларда кўз ўнгида аввал Зохида, сўнг икки соатча бурун кўлига олган чақалоқ намоён бўлди. Бу пайтда Хосият унинг сочларини силаб, ўпа бошлаган эди. Саид кўзларини очиб, уни ғайритабиий куч билан итариб юборди. Хосият орқаси билан тисарилиб бориб, оромкурсига ўтириб қолди. У Саидга шу қадар қаҳр билан қарадики, кўзларида совуқ ўт ялтираб кетди. Саид бу нигоҳга дош беролмай, кўзларини олиб қочди. У кўрқиб ҳам кетган эди. “Оқпадарларнинг кўзи шунақа бўларкан-да”, – деди ичида.

– Яхши, сиз кетмасангиз, мен кетаман, – деди Саид овози титраб.

– Қаёққа? – заҳарханда қилди Хосият. – Зоҳиданинг олдигами? Қўрқоқ! Мальюн!

Саид бошқа хонага ўтиб, тезда куртқасини кийди ва даҳлизга чиқди.

– Тўхтанг, Саид ака, менга ёрдам беринг, ичим ёняпти, – деди Хосият.

– Менга деса, ўлмайсанми! – Саид шундай деб эшикни тарақлатиб ёпганча чиқиб кетди.

У катта кўчагача хотинининг хузурига боришни ўйлаб чиққан эди, кейин чўнтақларини пайпаслаб, ёнида пули йўқлиги ёдига тушди. Бошқа шимида қолиб кетибди. Телефониниям олмабди. Шунга қарамай, у йўловчи машина ўтишини кута бошлади. Аксига олиб, бирорта улов кўринмасди. “Хосият уйдаги бор пулни ўмариб кетса-я”, – деб ўйлади бирдан. Нима қилиш керак? Милицияга айтгани маъқулмикан? Қаерда ўзи мелисахона?..

Йўлда машина кўриनावермагач, Саид узоқ ўйлаб, изига қайтди. У совуқдан жунжикиб ҳам кетган эди. Ҳозир ичкарига киради-ю, Хосиятнинг ёқасидан олиб, эшикдан чиқариб юборади. Бақирса, бақираверсин. Бир амаллаб уни чиқариш керак, вассалом!

Саид важоҳат билан уйга кирди. Даҳлиздан ичкарига ҳатлади-ю хонадаги оромкурсида Хосиятни бир аҳволда кўриб, капалаги учиб кетди. Хосиятнинг жағи қийшайган, кўллари шалвираб тушган, кўзлари ярим очиқ ҳолда эди. “Наҳотки, ўлган бўлса?!” – деб ўйлади Саид ранги оқариб. Кейин ботиниб-ботин-

май, Хосиятни секин туртди. Хосиятнинг боши чап томонга оғиб тушди.

Саид жойида ўтириб қолди. У айна дамда нима қилиш кераклигини сира-сира идрок қила олмасди. Хосиятга қарашга-ку, юраги бетламади. Ўйлаб-ўйлаб, Зоҳидага қўнғироқ қилмоқчи бўлди. Уни кўз олдига келтирди. Кейин шаштидан қайтди. Зоҳида Саиддан беш баттар кўрқиб кетади. Зоҳида Хосиятдан кўра унинг қорнидаги боласини ўйлаб, ич-этини ейди.

“Хосиятни йўқотиш керак”, – деган қарорга келди Саид. Шундан сўнг бор журъатини йиғди-да, унинг жасадини судраб, эшиккача олиб борди. Дахлизда қолдириб, аввал ташқарини қараб келди. Кейин судраб чиқарди ва Альфия холанинг эшиги олдида суяб, тезда ортига қайтди. Остонадан кира солиб, эшикни ёпиб қулфлади. Қалт-қалт титраганча ташқарига қулоқ тутиб турди. Подъездда ўлик сукунат ҳукмрон эди. Шундан сўнг ётоққа кириб, диванга чўзилди. Устига кўрпа тортди. Гарчанд уй иссиқ бўлса-да, Саид ҳануз қалтирарди. “Мени қамашади, – деб ўйларди у. – Зоҳидага нима бўлади? Зоҳида ким билан яшайди?..”

Саид тонггача гоҳ эшик олдида ташқарига қулоқ тутди, гоҳ ётоққа қайтиб, ўзини ухлаганга солиб ётди. Эрта азонда, ниҳоят эшик тақиллагач, юраги қаттиқ ура кетди. Эшикни очишдан аввал ваннахонага кириб, юз-қўлини ювар экан, ойнага қараб, кўзлари қипқизариб кетганини кўрди. Сўнг ҳаяжонини зўрға босиб, эшикни очди. Ташқарида милиция ходимлари, тиббий назоратчилар куймаланишарди. Хосиятнинг жасади ҳануз эшикка тиралганча ётарди. Саид ҳеч гапдан хабари йўқлигини айтар экан, ҳаяжони кучайди. Бахтига терговчилардан бири таниш чиқиб қолди.

– Ҳа, дўхтир, худди ўлик кўрмагандек кўрқиб кетдингиз? – деди у.

– Ахир... шундоқ эшигинг қаршисида ётгандан кейин... – деб минғирлади Саид.

– Кампирга нима бўлган, ҳайронман, у – беҳуш. Оғзидан кўпик келган, – ҳайрон қолдирди терговчи. – Кечаси бақир-чақир бўлмадим, эшитмадингизми мабодо?

– Эшигимизни роса тақиллатишди, очмадим, – деди Саид кўзларини олиб қочиб. – Кеча кеч келиб, ухлаб ётгандим. Бирорта маст-аласт деб ўйладим.

Терговчи Хосиятнинг жасадига қараб, бош қашлаганча деди:

– Буни танирдим, ахлоқ милициясида кўрганман... Мабодо кампир қўшмачилик қилмасмиди?

Саид бош чайқади...

Альфия холани ҳам, Хосиятнинг жасадини ҳам олиб кетишди. Саид хотини ишдан қайтгунча уйдан чиқиб кетишга ошиқди. Эшикни қулфлаб-қулфламай ишга югурди...

Маҳкам уни кўриб, ҳайрон бўлди. Нима гаплигини сўради. Саид эса уни тинч қўйишини илтимос қилди. Кейин хонасида беморларни қабул қилар экан, телефонидан кўз узмади. Негадир Зоҳида қўнғироқ қилмади. Сабри чидамаган Саиднинг ўзи унга сим қоқди. Зоҳида ухлаётган экан, шекилли, телефон гўшагини анча кейин кўтарди. Саид унинг ҳеч нимадан хабари йўқлигини билиб, кўнгли сал таскин топди.

Тушдан кейин эса у жавоб олиб, уйга кетди. Барибир қўли ишга бормаяпти, нима қилади ўтириб? Кўз ўнгидан Хосиятнинг ярим очик кўзлари кетмасди. Ҳаммаси ҳақида Зоҳидага айтиб бермоқчи бўлар, кейин яна бу фикридан қайтарди. Барибир Зоҳида Саиднинг айби йўқлигини тушунармикан? Эҳтимол, уни хиёнат қилганликда айблар?!.

Зоҳида эшикни очар экан, Саид унинг жиққа ёш кўзларини кўриб шалвираб қолди.

– Тинчликми? – деди зўрға ичкарига кираркан.

– Нималар бўлганини биласизми?.. – ўпкаси тўлиб турган Зоҳида ҳўнграб юборди. – Хосият... Хосият Альфия холанинг овқатига... маргимуш солган экан. Билмасдан ўзиям еган, шекилли, ўлиб қолибди. Альфия холани эса зўрға сақлаб қолишибди.

Азбаройи асаббузарлик, уйқусизлик туфайли руҳи ва вужуди толиққан Саид бу хабардан хафа бўлишни ҳам, қувонишни ҳам билмай дахлизда ўтириб қолди...

Хиёл ўтмай, эшик тақиллади...



### *Ҳинд мақоллари*

*Бошқалардан устун бўлишимиз муҳими эмас. Асл муҳими бўлган нарса, келаги ҳолимиздан устунлигимиздир.*

*Дўстингизни тез-тез зиёрат этинг, чунки устида юрилмаган йўллар тикан ва буталар билан қопланади.*





Ғазли Ғазли  
Ғазли Ғазли Ғазли  
Ғазли



Ўқтам САДИН



## Кел, кўнгилдан бошлангин баҳор

### БУ ҲОВЛИ

Пахсали уй, нураган ҳовли,  
Парваришсиз эски бир тоқзор.  
Эски қўра, қуриган қудуқ,  
Кекса онам дийдоримга зор.

Бу ҳовлига бошини суқиб,  
Гоҳ қувонч гоҳ ғамлар излади.  
Дунё кўриб, лек кун кўрмаган,  
Бу ерда бор отам излари.

Бу ҳовлида бўлмаган ёлгон,  
Хунук ғапнинг овозаси йўқ.  
Қулф нелигин билмаган эшик,  
Бу ҳовлининг дарвозаси йўқ.

Бу ҳовлига бир қиз келарди,  
Қора қош-кўз, сочлари тўлқин.  
У ҳам энди мендан олисда,  
Илк севгимиз юзлари сўлгин.

Шу ҳовлининг ниҳоли эдим,  
Барг ёзганди кўнгил куртагим.  
Қани ўша бегубор дамлар,  
Болалигим ажиб эртагим.

Бу ҳовлига қўйсам гар қадам,  
Босар мени ширин титроқлар.



Мени таниб тантана қилар,  
Пойимгача келган тупроқлар.

Ҳовлимизга кетаман сингиб,  
Бир зум ишу, таишиидан қочиб.  
Келдингми, деб кутиб олади,  
Мунис Онам қучогин очиб.

Сўнг қайтаман шовқин шаҳарга,  
Кўзимдаги ёшни сидириб.  
Бу ҳовлига қайтаман бир кун,  
Болалигим сени қидириб.

### КЕЛ БАҲОР

Ўтирибман ўй суриб хомуш,  
Нимадандир сиқилдим тақрор.  
Яна тугаб бораяпти қиш,  
Кел, кўнгилдан бошлангин баҳор.

Тўнглаб қолган ариқдаги сув,  
Товланади мисоли оқ зар.  
Қалбга бериб тит-тиниқ туйғу,  
Кел, кўнгилдан бошлангин баҳор.

Кўкнинг кўксин ёрганча қуёш,  
Заррин нурун сочмоққа тайёр.  
Дил чечаги кўтарсинлар бош,  
Кел, кўнгилдан бошлангин баҳор.

Ўқтам САДИН

Чироқчи туманининг Сувлиқ қишлоғида туғилган. “Кўнгил кулбаси”, “Бардош тонги” номли шеърый тўпламлар муаллифи. Айти вақтда “Сандувоч” газетасида фаолият кўрсатмоқда.



Қўлда қалам чиқдим шеър излаб,  
Ва илҳомим келди тонг саҳар.  
Ёниб яша, қолма қалб, музлаб,  
Кел, кўнгилдан бошлангин баҳор.

### ҲОЛАТ

Бугун юрак бошқача урди,  
Кўкрагимни ёргудай зарби.  
Кўзларим ҳам хирароқ кўрди,  
Руҳиятнинг тўкилди барги.



Бугун рости толиқдим жиндек,  
Холи кўйинг, қолдиринг якка.  
Бир юк босиб келмоқда зилдай,  
Дардларимни туширай оққа.

### ИЛК СЕВГИ

Юрагим қасрига бекиндинг,  
Қалбимга гул бўлиб экилдинг,  
Бўғзимга сўз бўлиб тиқилдинг,  
Илк севги.

Висолинг бир тотли, новвотли,  
Ҳижронинг дил учун барбодли,  
У дунё, бу дунё ҳаётли,  
Илк севги.

Покликда гўёки қордайсан,  
Айтолмай қолганман, ордайсан,  
То абад юракда бордайсан,  
Илк севги.



Кетгансан жуда ҳам олислаб,  
Айрилиқ бўйини қаричлаб,  
Мен қолдим шеъримни бағишлаб,  
Илк севги.

### СОҒИНЧ

Кўкда ҳилол сузилган тунда,  
Кўнглим бироз эзилган тунда

Юрак маҳзун эзилган тунда,  
Нимагадир сени соғиндим.

Бошинамга болишлар ботди,  
Бунча совуқ вужудим қотди.  
Бугун сениз яна тонг отди,  
Нимагадир сени соғиндим.

Дил эшигинг қоққим келяпти,  
Нигоҳингга боққим келяпти.  
Кўз ёшимда оққим келяпти,  
Нимагадир сени соғиндим.

Ана эзиб ёғаяпти қор,  
Илк севгимиз эслатиб такрор.  
Бу тунни ҳам ўтказдим бедор,  
Нимагадир сени соғиндим.

### ТЎРТЛИКЛАР

Кўзингнинг ёшини тўккани ёмон,  
Сўнгра чапанилаб сўккани ёмон.  
Фанимингдан эмас, ўз яқинингдан  
Бир умр кўнглингни чўккани ёмон.

\* \* \*

Унга баҳор эмас, куз керак эди,  
Дил уйинг бўзгувчи сўз керак эди.  
Бировга яхшилик қилолмай ўтди,  
У шундай бағритош, музюрак эди.

\* \* \*

Жисмонан бақувват, зўр бўлиб ўсди,  
Ёмонлик куйига жўр бўлиб ўсди.  
Кўзлари равшану, нурафшон эди,  
Лек унинг қалб кўзи кўр бўлиб ўсди.

\* \* \*

Умидим орзунинг чечаги бўлди,  
Кўзим гам ёшининг ўчоги бўлди.  
Эртанги кунимдан умидим катта,  
Кечаги кечмишим кечаги бўлди.





Рустам МАННОПОВ



## УЙҒОН, КЎКСИМ ЛОЛАСИ

Таниқли шоир Юсуф Худойкуловнинг “Академнашр” нашриёти томонидан чоп этилган “Юрак соғинчи” китоби шеърят шайдолари учун яхши бир тухфа бўлди.

Тўпламни варақлар экансиз, унда сиз Юсуф Худойкуловнинг юрак дея аталган салтанатига аста-секин кириб борасиз. Шоир ким, нима ҳақида ашъор битмасин қалб ҳарорати, тафаккур нури билан тизилган сатрлар ўқувчини асло бефарқ қолдирмайди. Шоир ўз битикларида кўнгилда кечаётган улкан тўлғонишларни шундай мисра-ларда изҳор этади.

*Ёпинчиғим тун кўрпаси  
Шеърим онинг алласи  
Қора тупроқ кўрпачамдир,  
Уйғон, кўксим лоласи.*

*Тўрт тарафим қибла девор,  
Суйиндиғим гули ор,  
Очил, очил, кўнгил кўзи,  
Ит ҳурмоқда, тун бедор...*

Шоирнинг ватан, ишқ-муҳаббат, соғинч, ҳижрон каби мавзулардаги шеърларида баландпарвоз сатрлар учрамайди. У ўз юрагида кечаётган ҳис-туйғуларни содда тилда, самимий тараннум этади.

*Она юртнинг ол совринлари  
Пиндиқ ёрган қоқиғуллар  
Қиқирлашар, куйлашар шодон.*

*Шудринларда жило таратар  
Чинорларга айланган ватан.*



Шоирнинг тўпламидан ўрин олган “Соғинч” шеъри ҳар бир инсонни маънос ўйларга толдиради. Ундаги армонга тўла сатрлар ўқувчи қалбини нозик тебрата олади.

*Бир эркинлик истаб, она,  
Ёнаётир юрагим.  
Учмоқ бўлиб қошингизга,  
Кўкдан қанот тиладим.  
Ора йўллар тушди йироқ  
Етолмайман, онажон.*

Шоирнинг бошқа шеърлари ҳам ўзининг самимияти билан ўқувчи онг-шуурида дунё ва ҳаётга тааллуқли боқий қадриятлар ҳақида баҳс юритади. Шоир қалбидан кўчган армонга тўла сатрлар ўқувчи қалбида ҳам изтиробли аксадо беради.

*Ху-у, олманинг бутағида  
Отам кўлин изи бор.  
Армонларим адоғида  
Қотиб қолган сўзи бор.  
“Дурадгор бўл”, – дерди отам, –  
Шу ҳунарга зеҳнинг бор”.  
Йўқ, бу ишни қилолмадим,  
Балки қилолмам зинҳор.  
Ҳаёт мени тор сўқмоқдан,*

Рустам МАННОПОВ

1962 йилда Тошкентда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олган. Мақолалари Республика матбуотда эълон қилиниб келмоқда.

Бошладими атайин.  
Ранда олиб, қалам тутди,  
Қўлларимга, нетайин.  
Оқ булутдек қулоч отиб,  
Тоғлар оша кетсайдим.  
Бир он, она, Уста бўлиб,  
Бу дунёдан ўтсайдим.

Тўпламда севги-муҳаббат мавзуида ҳам бир-биридан самимий, эҳтиросли шеърлар ўрин олган. Уларда покиза юрак гоҳ маънос, гоҳ масрур намоён бўлади.

*“Мен сени севмоқ истайман  
Оташкада юрагим билан.  
Юрагинг-ла қулоқ тут, дилбар,  
Айтиб берай сенга бир ўлан,*

*Мен сени севмоқ истайман,  
Вужудимни ўртайди шу сўз,  
Кел, самога этайлик парвоз,  
Чорлар бизни кўкдаги юлдуз,  
Мен сени севмоқ истайман.  
Илк майсадек тоза, беғубор.*

Дарвоқе, тўпламдаги энгил юмор ҳисси билан битилган ўйноқи, қочиримларга тўла шеърлар ҳам ўзига хос. Муаллифнинг “Тошкандани бир қиз бор” шеъри фикрларимизни тасдиқлайди, деб ўйлайман.

*Тошкандани бир қиз бор,  
Сочиға қўл тегмаган.*

*Тирноғида титроқ бор,  
Қаддини ишқ эзмаган,  
Бебошлигим ўшал қиз.  
Дудоғи лўппи-лўппи.  
Қаро зулфи пардаси,  
Кўзларидан ким ўпти,  
Вой, бу қизнинг зардаси,  
Бебошлигим ўшал қиз.*

Шоир ўзи туғилиб ўсган юрти, қишлоқдошларини соғиниб жуда самимий сатрлар яратади. Унинг “Чой-дариликлар” шеъри меҳрга тўла дил изҳорларидан ташкил топган.

*Чучмоманинг кўйлагидан байроқ тиккан бобо-  
жон,  
Оймоманинг этагида Зухро ётган дамлари.  
Сенинг қонинг ёш-ялангинг томирида оққан  
қон,  
Офтоб ила туғилгандир бу қишлоқ одамлари.*

Шоирнинг “Ибодат”, “Одми одам”, “Хазонрезги”, “Қўшиқ”, “Ҳикмат”, “Иблис” каби тўпламдан ўрин олган бошқа шеърлари ҳам ўзининг фалсафий теранлиги, мушоҳадакорлиги билан ажралиб туради.

Таниқли шоир Юсуф Худойқуловнинг “Юрак соғинчи” шеърий тўпламидаги шеърлар бетакрор жилоси билан ажралиб туради. Шоир ҳар бир шеърда сўзларни жаранглата олган. Бу шеърий тўплам ҳам шеърят ихлосмандларини гўзаллик ва нафосат оламига етаклайди.



### *Немис мақоллари*

*Ўнқилмоқ айб эмас, йиқилиб қолмоқ айб.  
Кўзлар ўзларига, кўлоқлар бошқаларга ишонадилар.*

### *Америка мақоли*

*Олтин олов билан, аёл олтин билан, эркак аёл билан илтиҳон  
қилинади.*

### *Араб мақоли*

*Айбига икром бўлганни авф эт.*







Ҳаср  
Ҳаср  
Ҳаср  
Ҳаср



Фозил ФАРҲОД ўғли



# АМАЛКУРСИ

Ҳикоя

Қизил курсининг беҳосият эканини учинчи касбдошим ишдан бўшатиладиганидан кейин билиб қолдим. Албатта, у ҳам қисман ўз айби билан «тепилди». Бироқ ўша курсига эришганига уч-тўрт кун бўлганидан сўнг ишдан ҳайдалгач, менда саволлар пайдо бўла бошлади: наҳотки, айб курсида бўлса? Ундай эмасдир-ов? Бироқ ўша савилни ўзиники қилиб олган одам тўхтамасдан таҳририятдан бўшаб кетмоқда эди. Келинг, яхшиси бир бошдан бошлай.

Кўкламнинг сўнгги кунларидан бири эди. Тонг чоғи ёмғир шиғалаб ўтди. Ишга оёғим тортмайроқ келардим. Гўё шу бугун нимадир бўладигандек. Бинога кириб, тепага кўтарилиш учун лифт чақирдим. Хаёл оғушида кўз очиб-юмгунимча ёнимда уч нотаниш киши пайдо бўлди. Улар менга жудаям шубҳали кўринар, туришидан фуқаро кийимидаги махсус одамларга ўхшарди. Битта қаватда тушганимиз шубҳаларимни янада оширди. Тўғри бориб Султон аканинг хонасига тақиллатмасдан кириб кетганидан сўнг ичимга совуқ бир нима кириб олгандек бўлди.

Тахминимча, бу пайт Султон акамиз хонасидаги қизил курсида ирғалиб-ирғалиб қандайдир муаммонинг ечимини ахтараётган бўлса керак. Хаёллар поёнига етмаёқ хона эшиги очилади ва бояги нотаниш кишиларнинг жиддий қиёфалари кўринади. Ичкаридаги гап-сўзлар менга қоронғу.

Чарчаган пайтларим Султон аканинг хонасига кириб, телевизор кўриш ё у билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиш одатим бор эди. Кеча кирганимда доим қувноқ кайфиятда юрадиган бу одамнинг хаёли негадир фаромуш эди. Мен билан истамайроқ сўрашгач, қизил курсига бемалолроқ жойлашиб, оҳиста-оҳиста чайқалиб нима-ларнидир ўйларди.



Курси бошқа ўриндиқлардан фарқ қилади. Унда ўтириб ишласанг ҳам, чарчаганингда дам олсанг ҳам бўлади. Тўшақда ётгандек бутун тананг роҳатланади. Айниқса, унинг чайқалишига кўпчилик ишқивоз. Султон ака ташқарига чиқиб кетган маҳалларда мен тезда унга жойлашиб, чайқалиб-чайқалиб олардим: «Қандай роҳат-а!»

Кайфияти тушқунлигини кўриб, менинг ҳам юрагим ғашланди. Ўрнимдан туриб, индамай хонамга жўнадим. У бу маҳалда ҳамон чайқалар ва миясида ниманингдир ечимини ахтарарди. Хаёлга шунчалик берилганидан, чиқиб кетаётганимни ҳам сезмади. Эшикни қиялатиб, ичкарига мўраладим: у ҳамон ирғалганча чуқур хаёл сурарди. Ўша хаёлпаршонлик бояги уч одамнинг келиши билан боғлиқлиги мана энди яққол билинарди.

Фозил ФАРҲОД ўғли

1985 йилда Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги Бўйрабоб қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ҳозирда мазкур университетнинг магистратурасида таҳсил олмоқда. Шу билан бирга “Хуррият” газетаси муҳбиридир.

Кабинетимга кириб, ичимда юрган совуқлик билан курашаётган эдим, йўлакнинг у ёғидан бу ёғига гўнғир-гўнғир овоз «ўтиб» кетди. Бу иш бошқарувчимиз Вазира сатанг ва бош муҳаррирнинг товуши эканини фаҳмладим. Чиқиб қарашга ботинолмадим. Бироз ўтиб овозлар тинди. Эшикни очиб, секин мўраладим. Султон аканинг хонасига томон оёқ учидан яқинлашарканман, ичкаридаги гапни яхшироқ эшитиш учун Вазира сатанг эшикка қулоқ бериб турарди. Ичкаридан эса тушунарсиз гўнғир-гўнғир келарди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай эшик шарт очилди-ю, кўзлари олакула бўлиб кетган, қон босими кўтарилганидан юзлари қизарган раҳбарнинг башараси сатанг билан юзма-юз бўлиб қолди. Унинг кўриниши ичкарида жиддий масала муҳокама қилинганидан дарак берарди. У сатангни кўриб, нима гап дегандек кўзларини бақрайтирди. Сатанг кўзини олиб қочди. Бош муҳаррирнинг нигоҳига тик боқишдан кўрқди.

Раҳбар эса бесўнақай лўккиллаганча хонаси томон кетди. Нигоҳи каби юришлари ҳам доимгидан айрича эди. Вазираҳон унинг хонасига кириб кетишини ҳожатхона эшиги олтидан кузатиб турди. Сўнг яна эшикка қулоғини қўймоқчи бўлганди, эшик яна очилиб, ичкаридан аввал Султон аканинг, сўнг бояги кимсаларнинг гавдалари кўринди. Ташқарига жим чиқишди. Вазира сатанг қотиб қолди. Нотанишлардан бири лифт чақирди. Бу пайт мен Султон акага, у эса менга «нима бўляпти» дегандек ҳайрон қараб турардик. То лифт келиб, улар жойлашиб, табақалари ёпилгунча шу ҳол давом этди. Бу Султон акани охириги марта кўришим эди.

Куннинг иккинчи ярмига бориб иш бошқарувчимиз сатанг Вазираҳон етказган хабардан маълум бўлдики, Султон ака ҳақиқатда ишдан бўшабди. Тўғрироғи, бўшатилибди. Газетамизда саёз мақолалари чиқиб турадиган истеъдодсиз бир ҳамкасбимизни ёғлироқ ишга жойлаштираман, деб пора олган экан. Орадан анча вақт ўтган. Ҳам ишга жойлашолмаган, ҳам пули қайтарилмаган дипломили, кадрнинг тоқати тоқ бўлиб, охири Султон ака устидан тегишли жойга арз қилди. Бундан кейинги тафсилотлар эса ўзингизга маълум.

Хуллас, Султон аканинг ишдан бўшатилиши бутун бинога тарқалди. Ишга келаётганимда, кетаётганимда ё бўлмаса, тушликка чиққанимда қўшни тахририятдагилар бўшатилиш сабаблари билан қаттиқ қизикарди. Мана шу сўроқлардан қочиб, ишга бир соат аввал келадиган ва бир соат кейин кетадиган одат чиқардим. Тушликни эса портфелимда олиб келадиган бўлдим. Бу маълумотлар билан нафақат журналистлар, балки қоровуллар ва фаррошлар ҳам қизиқиб қолишди. Бироқ бу ишда курсининг «кўли» борлигини ҳозирча ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмади.

Султон ака кетгач, раҳбар бизни хонасига чақириб, унинг ўрнига ким ишлайди, дея ўртага масала ташлади. Гўё ҳамма мум тишлаб ўтирарди. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, раҳбар орадаги сукунатни бузди ва орқасига қўлини қўйганча юриб келиб, иқтисод бўлимидаги Амир аканинг қаршисида тўхтади ва унга саволчан назар ташлади. Амир ака эса кўзларини олиб қочди. Бироқ раҳбар ундан кўзини олавермагач:

– Билмасам, эплай олармиканман? – дея ўнғайсизланди.

– Бемалол эплаб кетасиз, – ювиқсиз қошиқдек орага суқилди масъул котиб.

– Ҳа, ҳа, шундай! – дея тасдиқлади мум тишлаб ўтирган жамоа бирдан жонланиб.

Мажлис тугагач, ҳамма эркаклар уни кучоқлаб табриклашди. Аёллар эса елкасига қоқиб қўя қолди. Ўша куни кечқурун Амир аканинг кўтарилиши муносабати билан зиёфат ташкил қилинди. Базмда бош муҳаррир қадаҳ сўзи айтди:

– Ҳурматли Амир Бойтўраевич! Тахририятимиз ва сизнинг истиқболингизга юксак парвозлар тилаймиз! Доим катта-катта чўққиларни кўзлаб юраверинг! Мартабангиз юксалаверсин!

«Юксак» қадаҳ сўзларидан сўнг Амир аканинг гувоҳномаси ва пешонасига «Тижорат бўлими бошлиғи» дейилган «муҳр» босилди. Эртаси куни уни тантанали равишда Султон аканинг хонасига кўчирдик. Эшик тепасидаги «Султон Давлатович Султонов» битиклари ўрнига «Амир Бойтўраевич Амиров» дейилган ёзувлар пайдо бўлди. Шундай қилиб, Амир аканинг қисқа муддатли бўлса-да, «юксак» парвозли кунлари бошланди.

Орадан чамаси уч-тўрт кун ўтгач, иқтисод бўлимига – Амир аканинг олдинги ўрнига янги ходим олинди. Вазира сатанг янги ходимнинг пойқадамини хушламай-хушламай жойини кўрсатди. У одам исини ёқтирмасди. Содда қилиб, «одамёввойи» деса бўларди. Амир ака ишлаган ўриннинг ҳужжатларини янги ходимга беришдан аввал, сатанг уларни бир сидра кўздан кечириб чиқибди. Бу ҳужжатлардан ниманидир «хитлагандек» бўлиб, бу ҳақда бош муҳаррирга тўлиқиб-тошиқиб «баёнот» берибди.

Бу пайт эса Амир акамик хонасидаги қизил курсида ирғалиб-ирғалиб юксалиш режаларини тузарди, эҳтимол. Ширин хаёллар поёнига етмаёқ эшик тақиллайди. Шарт очилиб, Вазираҳоннинг хўмрайган башараси кўринади. Ирғалишлардан ўзини тутта олмай қолган Амир ака полга юзтубан думалаб тушади.

– Тинчликми? – дейди Вазираҳон пинак бузмай.

– Ўзингиздан сўрасак, Вазира Петровна? – дея саволга савол билан жавоб беради Амир Бойтўраевич бўш келмай. Вазира сатангнинг иккинчи лақаби ҳам бор бўлиб, буни унинг юзига айтсак хафа бўлмасди: «Петровна!»

– Сизни бош муҳаррир ҳузурига чорляпти. Соғинибди! – дейди-ю, салом йўқ, сўрашиш йўқ, орқасига бурилиб жўнаб қолади.

Амир ака анграйганча қолиб кетади. Костюмидаги полдан юқтирган чангни қоқа-қоқа:

– Тинчликмикан, ишқилиб? – дея бошлиқ қабулига йўл олади.

Қабулхонага кириб борганида Петровна котибанинг олтидан қандайдир қоғозни олиб чиқиб кетарди. У Амирга рўпара келганида тиржайиб ярми синган тишларини кўрсатади, камига энсасини қотиради-ю, чиқиб кетади. Бу тиржайиш ва энса қотириш ортида бир бало борлигини фаҳмлаган Амир ака хижолат тарта раҳбар ҳузурига киради. Бир оздан кейин ичкаридан раҳбарнинг аввал секин, кейин қаттиқ товуши кела бошлайди. Қўлидаги қоғозни баҳона қилиб котибага олиб келиб қайтариб берган Петровнаҳон яхшироқ

эшитиш учун бақир-чақир овозлари келаётган эшик тирқишига қулоғини қўяди. Унинг юзида бу ҳолдан лаззатланиш аломати сезилган бўлиши табиий. У буни ўз оғзи билан ошкора баён қилган ҳам: «Баттар бўл!»

Тушлиқдан қайтгач, адабий котибимизнинг хонасига йиғилиб, энди нима бўлишини кута бошладик. Кутганимиздек аввалгиси сингари вазият маълум бўлди. Вазира Петровна Амир аканинг ишдан бўшагани тўғрисидаги хабарни етказиб, ҳаммадан «суюнчи» олиб чиқди. Бизга етказилган маълумотга кўра, Амир ака аввалги вазифасида бироз қинғирликка йўл қўйгани ва таҳририятга тегишли уч миллион сўм пулни осонгина ўзлаштиргани ҳақидаги сир раҳбариятга фош бўлибди. Раҳбар ҳафта давомида ўйлаб-ўйлаб охири Амир акани судга бермоқчи бўлган-у, суддагилар ҳам «аввал ўзаро келишиб олинглар, агар ўшандаям муроса қила олмасаларинг кейин чора қўлаймиз», дейишибди. Вой, тавба! Шунақаям суд бўларканми?.. Суддан кўмак ололмаган муҳаррир андиша қила-қила бугун эрталаб ноиложликдан Амир аканинг хонасига келиб барини айтган.

Шундай бўлса-да, ишхонада сатанг хонимдан бошқа ҳеч ким Амир аканинг ишдан бўшатилганини хушламади. Қайтанга, ходимлар хавотирга туша бошлади. Адабий котиб хабарни етказган Вазираҳонга қараб:

– Энди навбат кимга экан, Сатангхон Петровна? – дея жилмайди. Ишхонада ёлғиз адабий котибимиз Вазираҳонга "сатанг" дея мурожаат қила оларди. Вазираҳон бетгачопар эмасми:

– Сизга... жаноб абадий котиб! – деди-ю, шарт бурилиб чиқиб кетди.

Бу гапдан эсанкираб қолган адабий котиб сатангнинг ортидан сўкиниб қолди:

– Э... қисир эчки! Балки сенгадир!

Гур этиб кулиб юбордик. Гап келиб яна Амир аканинг ишдан бўшаши билан боғлиқ тафсилотларга кўчди. Кимдир унга ачинди, кимдир эса унинг эски айбини эслаб, қилиғига яраша топди, деди. Хуллас, ҳақиқий баҳс бошланди. Бироқ қизил курси ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Агар ишдан бўшашга курси сабаб бўлаётгани ошкор бўлганида орадан уч кун ўтиб уни адабий котиб ўз хонасига олиб келмаган бўларди.

Дарвоқе, адабий котибни Вазираҳон нега «Абадий котиб» дегани тўғрисида айтиб ўтай. Ёши эллиқдан ошиб қолган Нарзи ака, яъни адабий котибимиз жуда узоқ йиллардан бери таҳририятда ишлайди. Ишга вақтида келиб-кетишини айтмаса, унинг мақташга арзирли бирор хислати йўқ. Лўнда қилиб гапхўр, хаёлхўр одам дейиш мумкин. Қўлидан мақтагулик иш келмаслиги ва узоқ йиллар давомида битта ишхонада ишлаб келаётганини ҳисобга олиб муҳарриримиз унга «Абадий котиб» деган лақаб қўйган.

Иккинчи ходим ишдан бўшагач, бошлиқ яна мажлис ўтказди. Бу гал у адабий котибимизнинг тўғрисида келиб тўхтагани, Нарзи ака бошини сарак-сарак қилиб кескин эътироз билдирди:

– Йўқ, ўртоқ бошлиқ! Йўқ!

– Мен ҳали сизга бир нима деганим йўқ-ку!

Сатанг хоним ва масъул котиб пиқ этиб кулиб юборди. Шундан сўнг уларга муҳаррир кўшилди. Ке-

йин ҳамма кўшилди. Нарзи ака изза бўлса-да, кулма-са, гўё биров уни ишдан ҳайдаб юборадигандек ўзи ҳам қикирларди. Мажлисдан кулиб-кулиб чиқдик. Кулги баҳонасида адабий котибимизни тижорат бўлими бошлиғи вазифасидан асраб қолдик.

Эртаси куни раҳбар «Тижорат бўлими»ни тугатиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Энди таҳририятдаги ҳамма тижорий иш билан шахсан ўзи шуғулланармиш.

Ишни хонани тозалашдан бошладик. Раҳбар бошчилигидаги таҳририят ходимлари Амир Бектўраевич Амировнинг хонасини йиғиштиришга тушдик. Раҳбар хонадан ким нима хоҳласа шуни олишини айтди. Биринчи бўлиб адабий котиб раҳбарга сўз очди:

– Қизил курсини олсам майлими?

– Ихтиёрингиз, – деди раҳбар хотиржам.

Биринчи бўлиб адабий котиб ишга киришди: ўзи юрар қизил курсини хонасига томон судради. Шундан кейин ким нима хоҳласа, шуни олди. Тўғриси айтганда ёки бошқа таҳририятдаги касбдошлар кўзи билан қараганда, ҳаммамиз кафандуз, яъни уруш ҳаракатлари жойидаги аҳолини ё жанг майдонида ўлган ва ярадор бўлганларни таловчи одамлар эдик. Камина ҳам бу «шараф»дан қуруқ қолмадим. Менга ўн беш йил аввал чоп қилинган, бироқ ора-орасидаги варақлари бирлашиб, ҳали очиб ҳам кўрилмаган бир-иккита китоб тегди.

Ҳаммамиз адабий котибни янги курси билан таборикладик. Қитмироқ ҳамкасбимиз қистагани, Нарзи ака ойлик чиққан куни курсини ювиб берадиган бўлди. У ҳам Султон ва Амир акалар сингари курсида ётиб олиб ирғалар, бизнинг эса гоҳ унга Ҳавасимиз келар, гоҳ уни нақд тушликка туширганимиздан ҳузурланардик.

Ниҳоят ойлик бериладиган кун келди. Маош олаётганимиздан эмас, котибнинг «курсини ювиш маросими»га бораётганимиздан қувонардик. Уч муҳбир адабий котибни ўртага олиб, гўё уни кафтимизга кўтаргудек бўлиб борардик.

Маросим бошланди. Тушликка икки хил овқат, икки шиша «Тарас Бульба»дан айтилди. Бояги қитмироғимиз кайфимиз ошиб бораётганини билиб, адабий котибга луқма ташлади:

– Мана шу курсида абадий қотинг!

Чапак чалиб тиржайиб турсак-да, бироқ ҳаммамиз гап тагидаги гапнинг мағзини ҳис қилиб турардик. Ҳатто маст бўлиб қолган адабий котибимиз ҳам гап унинг лақабига ишора эканини англади ва қитмирнинг елкасига қоқиб қўйди.

Ишхонадаги қоидага кўра, иш вақтида ичкилик ичиш мумкин эмас. Шу боис, ичганимизни билдирмаслик учун ёшлар сақич чайнадик. Нарзи ака ишхонада энг қария, яъни «корол» ходим ўзимман, менга ҳеч ким даҳл қилолмади, дея буни инкор этди.

Тушлиқдан қайтиб, ҳамма ўз ўрнига ўрнашди. Нарзи ака кўпроқ отиб юборгани учун қизил курсида пинакка кетди. Ёйилиброқ ухлади. Биров-ярим кириб қолса нотўғри тушунмасин, деб уни бир неча марта уйғотиб қўйдик. Бироқ у уйғонишни истамади ва курсида янаям ёйилди. Сўнг ястанди. Бошлиқ ўринбосари келганида ҳам, сатанг хоним ташриф буюрганида ҳам, сатанг хоним бош муҳаррирни эргаштириб келганида ҳам адабий котиб қотиб ухларди. Бош муҳаррир унинг



тепасига келиб, бошига чойнақдан шириллашиб сув куйди. Аввалига котиб юзига оқиб тушган сувни лаби билан ялаб тамшанди. Сўнгра кўзини очиб ҳамма уни томоша қилиб турганини кўргач, апил-тапил ўрнидан турди ва салом берди. Муҳаррир хўрайди. Алик олмади. Хуллас, курси ювиш маросими адабий котибга қимматга тушди. Унга ҳам ариза ёздирилди. У кетаётиб, биз билан хайрлашди-ю, аввал хонага, сўнг гердайиб турган ўша қизил курсига бир қараб:

– Бари тугади! – деди ва йўлакка чиқиб, қабулхона, котибиятга қарата сўнги сўзини айтди:

– Ҳамманг тўнка!

Адабий котиб мастлигимда мени синаб кўриш учун ҳазиллашиб ариза ёздирди, дея ўйлаганиданми ё ишхонага шунчалик ўрганганиданми, кайфи тарқагач, бир ҳафта қаватимиздаги чекиш бурчагига келиб ҳам юрди. Ушбу жойни уники десак ҳам бўлади. Сабаби ўша жойда у ҳаммадан кўп турарди ва ким келса ўшанга ҳамсуҳбат бўларди.

Бу воқеадан сўнг йўлак хувиллаб қолди. Қўшни таҳририятдаги чекувчилар бундан хавотирланишиб, Нарзи акани сўрай бошлашди. Унинг ишдан кетгани уларга ҳам маълум бўлгач, бари чекувчи биродарларнинг унга том маънода ичлари ачиди. Бу ачинишнинг асл сабаби Нарзи аканинг нафақага чиқишига атиги бир йил қолганида эди.

Газет биносида ҳамма лол. Нима учун, нега, деган саволлар кун тартибига қўйилган. Мухбирлар мақола ёзиш ўрнига ўша саволларга жавоб топиш билан андармон. Ушбу ҳол, айниқса, бизнинг таҳририятда бирламчи масалага айланди-қолди.

То масъул котиб қизил курсини олиб кетмагунча у бир-икки ҳафта эгасиз қолди. Тадбирдан қайтиб хонага кираётсам, масъул китоб курсини йўлак бўйлаб хонасига томон судраб боряпти. Ҳамма ходимларнинг битта-битта ишдан бўшашларига курси сабаб бўлмаептимикан, деган фикр хаёлимдан ўтди. Масъул котибга эргашдим. Хонасидан курсига жой ажратди.

– Ма, олди! Сенга шунисиям бўлаверади. Бизга ўхшаб каттарсанг, мана бунақа шоҳона амалкурсияларда ўтирарсан! – дея эски стулни шогирдига томон итарди. Индамас шогирднинг демай, стулни олди. Қайтанга, унга ҳам яхши: ўзининг олдинги стули гичирларди-да.

Масъул котиб курсида ястаниб ётаркан, йўлакда хаёлимга келган фикрни унга ҳазиломуз айтдим:

– Ғани ака, шу курси бехосиятга ўхшаяпти-ёв, ким унга ўтирса ишдан бўшаб кетяпти!

– Ҳа-ҳа-ҳа! Бехосият эканми? Ўша бехосиятликнинг палончисини... Менга бало ҳам урмайди. Ҳа-ҳа-ҳа!

Гапирган гапимдан ўзим уялиб йўлакда кетарканман, унинг тагин хохлаб кулгани эшитилди.

Масъул котиб қорачадан келган, бесўнақай бўлиб, ғалати қилиқлари ҳам бор эди. Шаҳарда неча йилдан бери яшаётган бўлса-да, муомала маданиятини умуман ўрганмаган, ундан дипломат чиқади, деса биров ишонмасди. Ким биландир ўн беш дақиқа гаплашса тамом, дарров жанжал чиқарар, ходимлар билан ҳам қаттиқ-қаттиқ овозда гаплашарди. Адабий котибчасига лўнда қилиб айтсак, у фирт «даштлик» эди.

Бироқ муҳаррир унинг кўпроқ ичишини ҳисобга олиб, бошқачароқ лақаб қўйганди: «Маст ул котиб!»

Масъул котибнинг қувончи узоққа чўзилмади. Орадан бирор ҳафта ўтгач, унинг ҳам кирдикорлари ошкор бўлди. У аризани ўзининг қадрдон эски стулида ўтириб ёзарди. Бехосият курсини эса хона бурчагига суриб қўйганди. Ёзганларидан кўнгли тўлмадими, варақни ғижимлаб, ахлат челақка иргитди. Ёзди. Яна иргитди. Тагин ёзди. Бу ҳолат унинг ишдан кетишни жудаям хоҳламаётганини билдирарди. Гўё менинг кирганимни пайқамагандек, бошини кўтармасди. Унга халал бергим келмай, эшикни ташқаридан ёпдим. Бугундан бошлаб унинг таҳририятдаги истиқболли кунлари яқунланаётгани аниқлашиб борарди.

Аризани бош муҳаррирнинг хонасига олиб бораркан, йўлакда тўқнашдик. Кўзимга тик боқишдан кўрқди. Чамаси, унинг қарашлари «Сен ўшанда тўғри гапирган экансан!» деяётгандек эди.

Тушдан кейин Вазира сатангнинг етказган маълумотларидан яна маълум бўлдики, масъул котиб ижодий ходимларнинг қалам ҳақидан «уриб» қолаётгани муҳаррирнинг қулоғига бориб етибди. Ҳатто шогирдининг ҳисобига қалам ҳақи ёзиб, ярмини ўзи олаётгани ҳам. Бу кирдикорлар анча йиллардан бери давом этаётган бўлса-да, иш айнан курсига ўтирганидан кейин очилгани жуда сирли эди. Бу сирлилик – ишни ким ва қандай очгани тўғрисидаги хабар бизга ҳам номаълумлигича қолди.

Масъул котибнинг ишдан кетганидан кўпчилик хурсанд. Айниқса, ижодий ходимларнинг кўкрагига шамол тегди. Ҳа-да, ўлиб-тирилиб бир ҳафта деганда битта-яримта мақола ёзасан-у, ўзи шундоғам кам қалам ҳақини яна масъул котиб бир четидан юлиб қолса, кимга алам қилмайди.

Бу воқеадан сўнг курсининг «бехосият»лиги янада равшанлаша бошлади. Таҳририятдагиларнинг аксари бундан хабар топганди. Бош муҳаррирдан ташқари. Чунки унинг бунақанги «майда-чуйда» гаплар билан иши бўлмас, вазифаси газетада чоп этилажак мақолаларнинг «юрагини суғуриб олиш» эди.

Бу гапга масъул котибнинг дўсти, яъни Вазира сатанг ҳам унчалик ишонмади. Сабаби, улар анча йиллик қадрдон эди-да! Халқ таъбири билан айтганда, уларнинг тили бир.

Вазирахон биз ўйлаб топган тахминларга ишонмаслигини исбот қилиш учун бурчакка суриб ташланган курсининг чангини яхшилаб артди ва «дўстимдан ёдгорлик» дегандек унга ўзи ўтиришга қарор қилди.

Масъул котибнинг ишдан кетиши билан боғлиқ гап-сўзлар энди тинчий бошлаган эди ҳамки, Вазира сатанг ишга келмай қўйди. Орадан бир ойча вақт ўтса ҳамки, у келавермагач, ўзимизча унинг ишдан бўшатилаганини башорат қилдик. Иккинчи ой бошланганидан сўнг унинг ўрнига янги ходима келди. Ана шундан сўнг Петровнамизни қайтиб кўрмадик. Унинг ишдан кетиш сабаблари мавҳумлигича қолди.

Кетганларни бир-бирига боғловчи қандайдир мажозий ришта ҳам бордек. Сабаби, уларнинг бари ижодий муҳитдан умуман беҳабар, таҳририятнинг техник ходимлари эди. Улар ишга шунчаки келиб кетар, келганида ҳам асосий вақтини компьютерда ўйин ўйнашга

ёки эснаб ўтиришга сарф қиларди. Қисқаси, уларни пашша кўрувчилар дейиш мумкин эди.

Бироқ бўшаганлар ичида адабий котиб ноҳақроқ кетдими дейман. Иш вақтида ичган бўлса-да, жанжал қилгани ё бировни сўккани йўқ эди-да. Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади деганларидек, у ҳам «қуруқ»ларга кўшилиб ёнди-кетди.

Ваҳоланки, иш вақтида ичиб келувчи битта у эмасди. Масалан, масъул котибнинг иш пайтида ичганини муҳаррир бир неча бор кўрганди-билганди. Лекин миқ этмаган. Энг алам қиладигани, муҳаррир ижодий ходимларга эмас, кўпроқ техник ходимларга таянар, уларга ишонч билдирар ва ҳатто ёлғонларига ҳам ишонарди. Қизиқ томони ҳафтанинг уч куни техник ходимларга «ижодий кун» саналарди. Улар ўша кунлари «мириқиб ижод қилишарди!»

Муҳаррир ижодий ходимларга «яхши ишлама-япсизлар, мақола кам ёзаяпсизлар, агар вазият шу тарзда давом этадиган бўлса, ҳаммаларингизни бўшатаман! Газетани бўм-бўш – оппоқ қоғозлар билан ҳам чиқаравераман! Тушундиларингми?» дея ўшқирарди. Бироқ биз бу гаплардан сира чўчимасдик. Нега кўрқарканмиз! Ҳаммамизнинг кўлимизда қала-мимиз бор. Агар бу ердан кетган тақдиримизда ҳам бошқа жойда бемалол илдиз отиб кетишимиз мумкин. Шу боис, бош муҳаррирнинг бу гапидан фақат ғашимиз келарди.

Курси ҳақидаги гап кўшни таҳририятда эллик йилдан бери ишлаётган қари билгичга етиб боргач, калаванинг учи топилгандек бўлди. Қария бундан ўн беш йил бурун бизнинг таҳририятда озроқ ишлаган, ўша кезлари газетага сержаҳл бир киши раҳбарлик қилган. У келгач, ишни курсисини алмаштириш ва кўл остидаги истеъдодли (ўзидан кучли!) ходимларни биттама-битта бўшатишдан бошлабди. Ўшандан кейин бегуноҳ ходимларнинг қарғиши курсига текканми, олти ой ўтмай юқоридагилар раҳбарнинг меҳнат дафтарчасини кўлига тутқазди.

Алғов-далғовлар тинчиб, яхши кайфият билан ишга шўнғидик. Ҳамма бўшатирилганлар ўрнига янги ижодий ходимлар олинди. Масъул котибнинг жойини эса «стули ғичирлайдиган» шогирд эгаллади. Қалам ҳақимиз ҳам бироз кўтарилгандек бўлди... Янгиларнинг бариси китоб ўқир, шунинг учун ҳам халқ ҳақиқа хийнат қилинмасди. Хуллас, таҳририятда аҳил ижодий жамоа ва муҳит шакллана бошлади. Фақатгина муҳаррир бу муҳитга ўзини номуносибдек тутарди. Тўғрироғи, юлғич техник ходимларга рағбат билдир-

гани, бир йилча аввал сатанг хоним тўқиган ёлғон иғволарга ишониб, қалами зўр битта журналист қизни ва мусаҳҳиҳ опани бесабаб ишдан бўшатиб юборгани ва шу сингари хатоларини ўйлаб, ўзини айбдор санарди. Бироқ мақолаларнинг «юраги»ни кесиб олиш, яъни «қассоб»лигини ҳеч кўймади-кўймади.

Бир куни қабулхонага мақола ташлагани кирдим. Муҳаррир курсисини ётқизиб олиб нимадир қиларди. Яқинроқ бориб, салом берсам:

– Ҳа, савил, мана бунинг ғилдираги бузилганини қаранг, – деди.

Курсининг иккита ғилдираги синиб кетибди. Роса уриндик. Икковлашиб ҳам тузатолмадик. Энкайиб курсининг ғилдиракларини тузатишга боз уринаётган муҳаррирга қараб, миямга ғалати фикр келди ва буни тезда баён қилиш кераклигини ҳис қилдим:

– Айтгандай, Мирза Тўраевич! Курсингиз тузал-гунча йўлакдаги анови курсига ўтириб турсангиз бўл-майдими?

– Қанақа курси? – талмовсиради муҳаррир.

– Бояги, Султон аканинг қизил курсиси-да! – дедим мен ҳам бўш келмай.

– Қанақа Султон? – бош муҳаррир оқарган сочини қашлаган кўйи ажабланди. – Ҳа-я, анови Вазира-хоннинг қизил курсисини айтаяпсизми? Унда ҳалиги... янги ходимамиз ўтирмаяптими?

– Йўқ. Унга оддий стул ҳам бўлаверармиш.

– Вой, камтаргина-ей!

Мақолани унга қолдириб, қабулхонадан чиқарканман, тагин муҳаррирнинг «Вой, камтаргина-ей!» деган овозини эшитдим. Шунда ўзимга-ўзим тинмай «шу таклифни тўғри айтдимми?» деган савол берардим. Қаранг, ўша онда курсининг беҳосиятлиги ҳақидаги гап ҳам хаёлимга келмапти. Охири бахайр бўлсин, дея хонамга келдим. Ушбу курси билан боғлиқ саргузашт ҳикоя ёзиш фикри туғилди. Компьютеримга ўтириб унга сарлавҳа кўйдим: «Оромкурси». Лекин машҳур адибларнинг шу номдаги ҳикояси борлиги эсимга тушиб қолди. Ўчириб қайта ёздим: «Амалкурси». Энди тўғрироқ бўлди-ёв.

Курси билан боғлиқ хотирамда сақланиб қолган бари воқеаларни ёзиб бўлдим-да, қониқиб керишдим. Уни қоғозга чиқариб таҳрир қилдим. Хато кам чиқди. Демак, ёзишга анча кўлим келишиб қолибди-да! Тай-ёр бўлди деб, ҳикояни адабиёт газетасига олиб тушиш учун ташқарига чиқарканман, йўлакда ажойиб ҳодисага кўзим тушди. Не кўз билан кўрайки, муҳаррир қизил курсини хонасига томон судраб борарди...





## Севгингда ҳаёт бор, зикрингда бардош



\*\*\*

Не ҳамидгуй дарахт эди у,  
Шохларидан тасбиҳ этдилар.  
Томчи-томчи томган кўз ёшдай,  
Инга тизиб олиб кетдилар.

Не ҳамидгуй дарахт эди у,  
Танасидан рубоб этдилар.  
Ишқ куйига созлаб торларин,  
Рубоб кўксин кабоб этдилар.

Тасбиҳ тушиди кимнинг қўлига?  
Ғафлат ичра айлантирди у.  
Оҳлар уриб тўқсон тўққиз мард,  
Айланар “ё Аллоҳ”, “ё Ху”.

Ул рубобни олди бир ошиқ,  
Ишқ-ҳижрондан айлади хониши.  
Кўнгил рубоб ила бирлашиди,  
Тараларди ажиб ўртаниши.

Қўшни эди кимса ва ошиқ,  
Тасбиҳ рубоб ила фироқда.  
Ғафлат ин қурган ул дилдан,  
Ишқ осмон қадар йироқда.

Хуллас, етиб сознинг овози,  
Тасбиҳ ажиб гавго бошлади.  
Қутулмоқ-чун гофил қўлидан,  
Ипни бехос узиб ташлади.

Не ҳамидгуй дарахт ахир у!



\*\*\*

Кўкка елка тутган қоялар,  
Исмингни жимгина айтаверади.  
Минг йиллик тошларнинг ажиб фарёди,  
Отлар туёғидан қайтаверади.

Меҳробдан бошини кўтарган мисол,  
Уфқдан бош кўтарар қуёш.  
Ишқли кун бошланар, яшагим келар.  
Севгингда ҳаёт бор, зикрингда бардош.

\*\*\*

Яратганга табассум қил...  
Шукрлар айт, зикрлар айт.  
Боққил, қандай меҳрибон зот,  
Тафаккур қил, фикрлар айт.  
Яратганга табассум қил...  
Қудратин намоён этгай,  
Ҳар иши ҳикмат бирладир,  
Ҳикматларин аён этгай.  
Яратганга табассум қил...  
Мўъжиза армуғон этгай.  
Ғайб сирлари илоҳийдир,  
Гаҳи сирин баён этгай.  
Яратганга табассум қил...  
Раҳматидин нишон этгай.  
Қўрқув ила, умид бирла,  
Дилда файз ошиён этгай.  
Яратганга табассум қил...

### ГУЛЗЕБО

1975 йилда Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида туғилган. Тошкент Давлат университетининг (Ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида таҳсил олган. МТРКнинг “Ёшлар” радиоканилида муҳаррир вазифасида хизмат қилади. Шеърлари турли матбуот нашрларида эълон қилинган.





## Кўнглимнинг урқидан чиққан қуёшим

### ҚУЁШ ВА ЮРАК

Олтин қалам олиб тоғлар ортидан,  
Қуёш бош кўтарар тонг қучоғидан.  
Сеҳрли ранларга бўяб қирларни,  
Зарлабҳа битади гул япроғида.

Шабнам жилосида нурларин тараб,  
Меҳр-ла узатар ҳамма ёққа тенг.  
Кўкнинг пештоқида кун бўйи порлаб,  
Ўйлайди: бу дунё гўзал ҳамда кенг.

Ҳар ёнда ўзгача тилсим мужассам,  
Шундан инсон қалби мендайин қайноқ.  
Музли қояларни қилар чилпарчин,  
Оташин юраги бўлса гар уйғоқ.

Сен билан биргаман ҳар дам, ҳар нафас,  
Булутлар яширса тилагингдаман.  
Кўлингни ўшанда кўксингга қўйгин,  
Топгайсан, мен қайноқ юрагингдаман.

### ФАРИШТАМ

Райхон, мушки анбар борлигингизда,  
Кўнглимнинг урқидан чиққан қуёшим.  
Зиё жилваланар нигоҳингизда,  
О, менинг фариштам нурга талошим.

Меҳр булогингиз узра чайилган,  
Елкамга ёпдингиз рўмолингизни.



Дилкашим, дилбарим, банд эта олсам,  
Тонг каби мусаффо хаёлингизни.

Ширин туш оғуши. Олганим ором,  
Ўтиб уйғотдингиз илҳомларимни.  
Илк бора кашф этдим қароғингизда,  
Ҳали туғилмаган каломларимни.

О, менинг фариштам, бувижонгинам.

### ОҲУЖОН

Қалбинг яралади қайси бағритош,  
Дардинг айт, мен сенга бўлайин сирдош.  
Ерга термуласан кўтаролмай бош,  
Оҳужон, кўзларинг не учун маъюс?

Тузоқ қўйдиларми босган йўлингга,  
Озор бердиларми мушфиқ дилингга,  
Бир бора яқин ол мени кўнглингга,  
Оҳужон, не учун кўзларинг маъюс?

Шунчалик гўзалсан беозор жонзот,  
Қалбингни тирнади ким бунча ҳайҳот.  
Осонгина таслим бўлдингми наҳот,  
Оҳужон, не учун кўзларинг маъюс?

Ҳаёт учун курашгин, шу айтар сўзим,  
Аҳволинг кўрдим-у саргайди юзим.  
Эй, менинг дилкашим, сен қора кўзим,  
Оҳужон, не учун кўзларинг маъюс?



# ҚАБУЛ

## Ҳажвия

Болтабой бейджигини унутибди. Якшанба оқшомини ўтказгунча Чори ака ич-этини еб кўйди. Хотини ундан эшитадиганини эшитди.

Чори ака душанба саҳармардонлаб ўғлининг коллежига йўл олди.

У коллежнинг кекса қоровулига «Болтабойни кўрмоқчи эдим» деб маслаҳат солган эди, унга директор қабулхонаси имлаб кўрсатилди.

Чори ака ўнғайсизланиб қолди. Битта бейджик учун катта одамни безовта қилиш ноқулай-да... Ўзи шу бефаҳм хотинида ҳам калла йўқ-да, ўлармиди Болтани кийимларини оқшом саранжомласа?!

У иккиланиш билан «Қабулхона» ёзувли эшикни ичкари итарди. Эшик очилмади, қаттиқроқ ниқтовди, биров ичкаридан эшикни тескари итариб очди. Бу ёшгина, кўнғизмўйлов, қотмадан келган бошлиқ ёрдамчиси эди. У Чори акага илтифотсиз «Келинг!» дея чорлади. Чори ака ўзини йўқотиб, талмовсиради:

– Ҳалиги, ҳалиги... Ўғлим Болтани кўрмоқчи эдим...

– Курс? Гуруҳ? – калондимогларча ғудранди ўтиргичга ястанган кўнғизмўйлов.

– Шу... мана шунисини қолдирибди-да... уйда. Ҳалиги... ўзбекчилик, ташвиш кўп... Энағар хотин иш билан бўлиб эсидан чиқарибди... – Чори ака бейджикни кўйнидан чиқариб улгурмади. Директор хонасининг эшиги ғичирлай бошлаган эди, кўнғизмўйлов ток ургандек сапчиб эшик олдида пайдо бўлди. Ёрдамчининг қиёфаси тўсатдан ўзгариб, лабида табассум жилваланди. У кўлини кўксига кўйиб тавозеъ ҳолатида турди. Бояги дағдағадан асар ҳам қолмади. Аммо эшик очилмади.

Шу пайт Чори аканинг ёнгинасидаги кўнғироқ қаттиқ жиринглади. У сесканиб кетди. Кўз қирини кўнғироққа ташлар экан, танаффус бўлса, Болтани кўрарман деган фикр миясида «ялт» этди. У ёрдамчидан рухсат сўраб чиқмоқчи бўлди, аммо кўнғизмўйлов ғойиб бўлган эди. Чори ака секин эшикка қараб қадам ташлади. Худди шу пайт кўнғизмўйлов директор хонасидан чиқа солиб: – Амаки, исми-шарифингиз?! – деганича уни тўхтатди:

– Мен Болтабойнинг отаси – Чори акаман.

– Фамилиянгиз?

Чори ака айтди.

– Нима мақсадда келдингиз? Хизмат жойингиз? Лавозимингиз?

– Ўғлимни кўрмоқчийдим...

– Нима иш қиласиз? – ишшайди кўнғизмўйлов.

– Мен раис... – Чори ака гапини тугатолмади. "Портловчи" кўнғироқ кўнғизмўйловни ичкари йўллади. У ёзаётган қоғозчасини ҳам олиб кирди.

«Директорга энди нимани гапираман... Қишлоққа борай, шу энағар хотинни!»... – Чори ака кўнглини мушук тимдалади. У қабулхонада бир чойнак чой қайнагунча вақтча қадалиб қолди. Ниҳоят, эшикда кўнғизмўйлов кўринди. У «Эй раис бува, қани марҳамат, узр!» деганича супургиланди. Чори ака дастлаб англоллади: уни раис дейишаяптими? У ўйлаб улгурмасдан кўнғизмўйлов ташқари эшикни очиб «Меҳмонхонага!» деб мулозамат қилиб турарди. Чори ака асабийлашди:

– Ҳов, жўра! Мен раис эмасман.

– Шеф буюрдилар! Меҳмонхонага! Чой? Қаҳва?

Чори ака йўлакка чиқишга мажбур бўлди. Кўнғизмўйлов ёнбошдаги эшикни очиб улгурганди. У кўзларини пешонасига қадаганича, такрорлади:

– Ўтинг, ўтиринг! Марҳамат! Ҳозир!

– Жўра! Мен раис эмасман, пангатлик Болтабойнинг отасиман.

Аммо кўнғизмўйловнинг кўзлари тамомила пешонасига битиб улгурган ва у ҳеч нарсани эшитмас эди.

– Шеф беш дақиқада чиқадилар. Сизга қаҳва қуяйми? – Ўзиникидан қолмасди кўнғизмўйлов.

– Қаҳвани кўя тур, жўра...

Чори аканинг сўзи яна чала қолди, кўнғизмўйлов ғойиб бўлди. У ўтиргичнинг бир чеккасига омонат ўтирди-да, меҳмонхонани кузата бошлади. Назарида хонанинг лойи сутга қорилгандай эди. Пардалар қаердандир эсаётган ҳур-хур шамолдан учиб кетаман деяётган қалдирғочни эслатарди.

Шу пайт эшик товушсиз очилиб, чиройли қиз қаҳва киритди-да, мулойим гапирди:

– Марҳамат, бемалол!

– Қизим, мен ўғлимни бейджигини бермоқчи эдим. Назаримда, мени биров билан адаштиришаяпти...

Қиз бир лаҳза жим қотди-да, табассумини сақлаган ҳолда, жавоб берди:

– Йўқ, йўқ, амаки. Ким ва нима иш билан келган бўлсангиз ҳам шеф чойсиз қайтармайдилар.

– Иззат учун минг раҳмат-у, аммо қишлоқдаги моллар ҳовлида қолди...

Чори ака терлаб кетди. Котиба қиз чиройли, кўнғирчоқ кўзларини тез очиб-ёпди-да «Ҳозир!» деганича эшик ромига ёпиштирилган тугмани босиб «Меҳмонхона

шошилаепти!» деб қўйди. Чори аканинг миясига ярқ этиб фикр келди, у қизни тўхтатди:

– Қизим, мен ҳам шуйтиб гаплаша қолай...

Қиз ҳайрон боқди:

– Қандай қилиб? Ким билан?

– Ана у – японкаллани босқичини босиб...

Қиз бир унга, бир эшик ромидаги тугмачаларга қаради, сўнгра чиройли жилмайиб, майин гапирди:

– Ҳозир шеф келадилар... Ана, эшикларни очилди.

Қиз чиқди. Чори ака «...Уҳ хотин, уйга борай...» дея ғудранганича ўтиригичга чўкиб кетди. Директор кирди. Чори ака талпиниб ўрнидан тургач, у билан сўрашилди. Ўғил-Болтабой сўралган бўлди, аммо ташриф сабаби суриштирилмади. Директор – кўнғизбомба тусли эди; Чора аканинг қишлоғида кўриниши пачоқ, қадди-басти ҳам, қўли ҳам калта, аммо ярашиқсиз кўп чиранадиганларни шундай аташарди...

Улар гурунг қила бошлашди:

– Хўш, биноларимиздан қандай таассурот олдингиз?

Савол Чори акани ҳушёрлантирди. У ўзини тутиб гап бошлади:

– Ҳали кўриб улгурмадим, лекин меҳмонхонани созлабсиз...

Чори ака кўзи билан хонанинг шифтига, деворларига имо қилди.

Директор бир тамшаниб олди – Чори аканинг гапи унга ёққан эди:

– Ҳа энди, замонадан ортда қолмайлик, деяпмиз. Буни «евроремонт» қилдик. Метр квадратига ўн беш мингдан кетди...

– Ўзимизнинг усталар қилдимиз барини?

– Бўлмасамчи. Самарқандлик йигитлар. Улар фақат махсус жойларни, банкларни, идораларни пардозлашади. Шундан нархи ҳам қиммат... Қани, қаҳвадан ичинг.

Чори ака қаҳва хўплаган бўлди. Директор зерикарли гап бошлади.

– Билимгоҳимизнинг ўн еттита хонасини алоҳида дид билан, антиқа тусда таъмирладик. Ҳозирда нафақат шаҳар ёки вилоят, балки республика миқёсидаги тадбирлар ҳам бизнинг биноларимизда ўтади. Яқинда халқаро «Силлиқлик ҳаракати» ўз мажлисларини ўтказди...

Чори ака директор кўллаган инглизча сўзларни тусунмай қолаверди. У қаддини тиклаб, «юмронқозиққа айланди», томоқ қириб олди – гўё диққат билан тинглаётганлигини қайд қилди.

– Насиб қилса, «Таъсис» ва бошқа тизимлардаги бир нечта муассасалар бизнинг марказий биномизда экологик интервенция хусусида брефинг ўтказишади...

Директор ўз гапларидан мириқаётганлигини яширмас, Чори аканинг ҳайратдан бақрайиб қолган кўзларини янада кенгайтиромоқчи бўлгандай – адл тутган қоматини нутқининг оҳангига мослаб, ўзини баланд минбардагидек ҳис этиб, ҳузур билан нутқини давом эттирарди.

– Менинг даргоҳим, айрим, фанларнинг тўғри ҳарфларига ёпишиб олган малимчаларнинг қарши чиқишига қарамай, янги кун, янги ғоялар заводига ишлаши лозим... Ўз вақтида бизни ҳам ғоялардан

воз кечдиришиб, меҳнат армиясига чақирибган. Мен меҳнаткашликни четлаб, минг шукрки, ўз ниятларимни амалга ошираман... Ният холис-да...

Чори ака бу пайт мулғиб бораётган кўзларини бутунлай юмиб олишдан қўрқар, аммо тинглашни рад этган миясини бошқаришга ожиз эди. Унинг қулоғига қозигида боғлоғлик қолган Тарғилнинг бўкириши чалинди: «Му! Му-у!».

– Уф... энағар хотин! – тўсатдан гапириб юборди Чори ака.

– Нима дедингиз? – директор тингловчисига тикилиб қаради ва уни тинглашмаётганлигини бирдан тушуниб қолди.

– Мен... шундай... ўзим... – Чори ака шошганидан олдидаги қаҳвасини бир кўтаришда сипқорди.

– Хўп, майли, – деди зодагонларча тугма ўтказаркан, ўрнидан турган директор, – Сиз ўн дақиқа ўтира турунг. Биронта шерик келса, ўзим ўқув бинолари бўйлаб сайр қилдираман...

Директор тугмаларни қадаб бўлгач, «минбарни тарк этди», ташқарига чиқди. Чори ака оғирлашган қовоқларини ёпиб очди, чуқур хўрсинди. Нима қилишни ўйлади. Шу вақт котиба қиз кириб, қаҳва идишларини йиғиштира бошлади.

– Қизим, мен кетишим керак эди. Директорларинг томоша қилдираман дедими?

Қиз лаб тишлади: директорни кутиб, деса, эҳтимол куни билан бекор кутар, кет деса, шеф тезда эслаб қолиши мумкин. Шундан у тортиниб:

– Билмадим, амаки, агар вақтингиз бемалол бўлса, кутсангиз, коллеждаги қурилиш, пардозлаш ишлари билан танишасиз, йўқса, кетсангиз ҳам бўлар...

– Ўғлим Болтабойга гап тегмайдими? Мен мана бунисини келтирувдим...

– Уни тақиш шарт эмас. Агар директорга ёки ёрдамчисига ўғлингизнинг фамилиясини ва курс-гуруҳини айтмаган бўлсангиз, кетаверинг. Кутсангиз зиқ бўлиб кетасиз...

Котиба сўнги сўзларини шивирлаб, ачиниш оҳангида айтди. Чори ака худди шу гапни кутиб тургандай меҳмонхонани шунчалик жадал тарк этдики, ҳатто котиба билан хўшлашишга улгурмади.

Фақат қишлоғига борадиган автобусга ўтириб, йўлга тушгач, эслади. Айниқса, котибанинг сўнги «агар ўғлингизнинг фамилияси, курс-гуруҳини айтмаган бўлсангиз» деган гапларини эслаб ўйланиб қолди: айтди-ми, йўқми? Қанча зиқланмасин эсполмади: Айтмади-ёв? Ё, айтдими? Болтабойга отанг писанд қилмай кетиб қолди дейишса? Уф...

Йўловчилардан кимдир сўрашиб Чори аканинг хаёллари билан бўлди. У қабулни унутди. Унинг кайфияти яхшиланди. Об-ҳаво иссиқлигидан, ғаллани занг касали чалганлигидан гурунг бошланди.

Орадан йигирма дақиқача вақт ўтди. Чори ака иссиқинг терлаган пешонасини артиш учун, рўмолча ахтариб чўнтагига қўл солди. Қўлига Болтабойнинг бейджиги илашиб чиқди. Унинг эсига яна директорнинг қабули келди ва у баралла «Уҳ, ярамас хотин!» деганича сўкиниб юборди.